



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ “МАЪНАВИЯТ
АСОСЛАРИ ВА ХУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ**

ХУДОЙБЕРДИЕВ БЕХЗОД СИДДИҚ ЎҒЛИНИНГ

**5141500-Миллий истиқлол ғояси: маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ мавзусидаги**

Битирув мазақавий иши.

Раҳбар:

ўқит. Холияров Т.

ТЕРМИЗ – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....

**1-боб. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари-
мустақиллик**

тимсоллари.....

1.1. Давлат рамзлари - давлат суверенитетининг таъсис
белгилари.....

1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг
яратилиши.....

**2-боб. Давлат рамзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий
асослари**.....

2.1. Давлат рамзларини тайёрлашнинг гералдика
қоидалари.....

2.2. Давлат рамзлари тавсифини ҳуқуқий мустаҳкамлаш
қоидалари.....

**3-боб. Ўзбекистон Республикасида давлат рамзларидан амалда
фойдаланиш**.....

3.1. Давлат рамзлари ҳамда идора ва ташкилот рамзларидан
фойдаланиш муносабатларининг
хусусиятлари.....

3.2. Давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий
тартибга солиш.....

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзунинг долзарблиги. Суверен давлатнинг асосий белгиларидан бири ўз давлат рамзларига эга бўлишдир. Давлат рамзларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг амалда мустақиллигини яққол тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳам олий давлат ҳокимияти томонидан белгиланган ва Асосий Қонунда мустаҳкамланган давлат рамзлари – Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикасининг мақсади бозор иқтисодиётига асосланган, ўзбек халқининг миллий анъаналари ва қадриятларига таянадиган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдан иборат. «Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин», - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Мақсадимизнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасидаги олий иродани – мамлакатимиз жамияти (халқи) умумий иродасини амалга оширишдан иборат, сиёсий асосини эса жамиятимизни турли қисмлари, тоифалари ва жамоаларининг умумий интилишларини ўзида мужассамлаштирган миллий ғоя атрофида фуқароларнинг бирлашиши ташкил этади. Адолатли жамиятда давлат халқ иродасини амалга оширади, халқ ва давлат иродасининг бирлиги юзага келади. Ўзбекистон жамиятининг юридик қонунлар мазмунида моддийлашган умумий иродаси давлат рамзлари воситасида ифодаланади. Давлат рамзлари жамиятда олий ирода субъектини ифодалайди, шу ирода атрофида одамларни бирлаштирувчи миллий ғоянинг мафкуравий таъсир воситаси вазифасини бажаради. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она юртга эътиқод, унинг буюк келажагига ишонч руҳини тарбиялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон халқи иродасининг жамиятдаги олий ирода сифатида мустаҳкамланиши ва давлат рамзлари: давлат байроғи, герби ва мадҳияси билан бир каторда давлат

суверенитетининг мазмунини ташкил этган ва ифодалайдиган институтларнинг таъсис этилиши давлатимизнинг расман ва мазмунаан мустақил давлат эканлигини белгилаб берди. Ҳозирги кунда, давлат рамзларини расмий-ҳуқуқий маънода ўрганиш билан бир қаторда мустақил давлат институтларини ҳам мустақиллик рамзлари сифатида кенг маънода ўрганиш муҳим.

Ўзбекистонда шаклланаётган адолатли фуқаролик жамияти давлат рамзлари билан бир қаторда фуқаролар иродасини амалга оширадиган нодавлат ноижорат ташкилотларни ифода этадиган рамзларнинг ишлаб туришини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ғояларини амалга ошириш жараёни қонун яратувчилар олдида Ўзбекистонда давлат рамзлари ва бошқа идора ва ташкилотлар: маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳалла, нодавлат ноижорат ташкилотлар рамзлари тўғрисидаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари билан бир қаторда, маъмурий-ҳудудий бирликлар ва бошқа ташкилот рамзларига ҳам зарурият мавжудлигини илмий-назарий асослаб бериш ҳамда уларни яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларининг юридик жиҳатларини ўрганиш ҳуқуқшунослик фанининг вазифаларидан биридир, деб ҳисоблаймиз.

Битирув малакавий ишида давлат рамзларининг алоҳида давлат-ҳуқуқий воқелик сифатида моҳияти, мазмуни, шакли, тушунчалар тизими, келиб чиқиши, фойдаланилиши шартларини яхлит ва умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ва бошқа идора ва ташкилотлар рамзлари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ этилади. У давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларини амалга оширишда давлат рамзларидан фойдаланиш масалаларига бағишлангандир.

Битирув малакавий ишидада давлат рамзларининг ҳуқуқий моҳиятига ҳал қилувчи аҳамият берилиб, унга ҳуқуқий воқелик сифатида

ёндашилади, давлат рамзларининг моҳияти ижтимоий муносабатларда субъектив-индивидуал ва объектив-ижтимоий ирода нисбати диалектикаси асосида тадқиқ этилади. Ҳуқуқшунослик фанининг давлат рамзларига тааллуқли тушунчалар тизими таҳлил қилинади, давлат рамзий белгилари ва уларнинг қонунда тасдиқланадиган тавсифини яратиш қоидалари ўрганилади. Ўзбек халқи давлатчилиги рамзларининг уч минг йиллик тарихи очиқ берилади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши жараёни ёритилади.

Битирув малакавий ишида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари билан боғлиқ равишда давлат рамзлари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган таклифлар ва тегишли қонун лойиҳаси илмий асослаб берилган.

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида барча жабҳаларда ўзгариш ва юксалиш даври бўлганлиги сабабли янги тушунча ва тамойиллар жорий этилди. Шу маънода, давлат рамзларига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни ҳаётни ўзи тақозо этди.

Шу боис, 2010 йил 24 декабрда давлат рамзларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонун қабул қилинди.

Унга кўра, давлат рамзларига оид қонун қонунчиликка давлат рамзларининг тижорат мақсадида ишлатилишига чек қўйишга, шунингдек давлат рамзлари ҳақидаги қонунчилик талабларини

бузганлик учун жавобгарликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, киритилган ўзгаришларга кўра эндиликда, Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Шунингдек, Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслигини белгиловчи янги норма киритилди.

Шу билан бирга, Давлат гербининг тасвиридаги кирилл ёзувидаги “Ўзбекистон” сўзи лотин ёзувидаги “O‘zbekiston” сўзи билан алмаштирилди.

Шу ўринда, мазкур ўзгартиришларга кўра давлат рамзларига оид қонунлар ижросини назорат қилиш Ташқи ишлар вазирлиги ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур қонунга кўра, давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 203¹-модда (Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) киритилиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилса фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса -

етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилди.

Мазкур ўзгартириш эса, ўз навбатида давлат рамзларидан фойланиш, фуқароларда унга нисбатан бўлган ҳурматни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишида давлат рамзлари билан боғлиқ қонунчилигимизда кейинги даврда амалга оширилган ўзгартириш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат рамзлари ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мавзусига бағишланган бир қанча тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, мазкур тадқиқот ишида энг кўп мурожаат қилинган рисола инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Бухоро давлат университети ҳамкорлигида Ў. Очиловнинг Ўзбекистон республикасининг давлат рамзлари деб аталган рисоласи 2007 йилда Тошкент шаҳрида нашр этилган¹. Мазкур рисолада давлат рамзларининг ҳуқуқий моҳиятига ҳал қилувчи аҳамият берилиб, давлат рамзларига тааллуқли тушунчалар тизими таҳлил қилинади, давлат рамзий белгилари ва уларнинг қонунда тасдиқланадиган тавсифини яратиш қоидалари ўрганилади. Ўзбек халқи давлатчилиги рамзларининг уч минг йиллик тарихи очиб берилади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши жараёни ёритилади.

Ушбу мавзунинг баъзи жиҳатлари ҳақида олимлардан Саидов А.,² Таджиханов Б.У.³, А.Я.Сухарева, В.Д.Зорькина, В.Е.Крутских⁴ Азимов Э., Ашрафхужаев Ф.⁵ ва бошқалар ўз фикрларини билдириб ўтганлар⁶.

¹ Ў. Очилов. Ўзбекистон республикасининг давлат рамзлари. Тошкент, 2007

² Саидов А. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. 1-сон. – 11-13

³ Таджиханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан. Лекция. - Т., 1995. - С.4.

⁴ Символы государственные // Большой юридический словарь / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д.Зорькина, В.Е.Крутских. - Москва, 1999.

⁵ Азимов Э., Ашрафхужаев Ф. Амир Темура давлатининг рамзлари// Тафаккур. Т., 1996. 3-сон. 42-43 б.

Масалан, А. Х. Саидов Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларига - улар «фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадиий ифода сифатида маълум бир кўринишда акс этадики, бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва ҳоказолар бўлиб, ўзбек халқининг ўтмиши, бугунги куни, унинг интилиши, орзу-умидлари, истикболи, ғурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради», - деган таърифни беради.⁷ Бу нуқтаи назар давлат рамзларини тушуниш масаласига рамзларнинг фақат ҳуқуқий шакли жиҳатидан эмас, балки ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан ҳам ёндашиш лозимлигини талаб қилади. "Давлат тимсоли ҳисобланган рамзлар – шартли белгилар бўлиб, улар миллий давлатнинг хусусияти, моҳияти каби ўзига хос белгиларини акс эттириши лозим, -деб ёзади А.Х.Саидов.⁸ Таджиханов эса, “Давлат рамзлари – бу суверен давлатни ажратиб турувчи белгилари. Улар мустақиллик атрибутларидир. Давлат рамзлари асосий қонунда мустаҳкамланган давлат байроғи, герби, мадҳияси, номи, пойтахти, тили, валютаси, мукофотлари. Шунинг учун уларни аниқроқ қилиб давлат мустақиллигининг конституциявий рамзлари деб аташ мумкин эди”⁹-деб таъриф беради.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади. Давлат рамзлари – давлат суверенитети, унинг ўтмиши ва келажагининг тимсоли ҳамда унда истиқомат қилаётган миллатларнинг бирлиги ва миллий ифтихори ифодасидир. Шу боисдан мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб давлатимиз рамзларининг ҳуқуқий асослари

⁶ Алимов У. Амир Темур давлати рамзлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 й., Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. -Т.,1994. –185-191 б.

⁷ Саидов А. Кўрсатилган асар // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. 1-сон. – 11-13 б.

⁸ Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Кўрсатилган асар. –312 б., Таджиханов У.Т., Саидов А.Х. Кўрсатилган асар. –257 б.

⁹ Таджиханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан. Лекция. - Т.,1995. - С.4.

яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга эканлиги белгилаб кўйилди. Шунингдек, 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, 1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги, 1992 йил 10 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилиниб, уларнинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди.

Ушбу қонунларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ва суверенитетининг рамзи, Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиб ҳисобланади.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади давлат рамзларини ҳуқуқий асосларининг белгиланишини, Давлат байроғи, мадҳияси ва гербининг тасвири доимий равишда жойлаштирилиши белгиланган давлат идоралари доираси, улардан фойдаланиш ҳамда ушбу қонунлар ижросини назорат қилиш тартибларини ўрганишдир.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонуннинг

4-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳлари, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат бошқаруви органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, судлар, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларининг олд томонига, ҳамда ушбу давлат

органлари раҳбарларининг хизмат хонаси ва мажлислар ўтказиладиган залларида жойлаштирилиши мумкин.

Шу билан бирга, Давлат герби тасвири Ўзбекистон Республикасининг пул белгилари, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, дипломатик паспортлар, Республика Давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад устунлари, Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта қутилари ҳамда умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда ҳам акс эттирилиши мумкин.

Дарҳақиқат, давлат органлари биноси олдида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ҳилпираб туриши ёки Давлат герби тасвирининг виқор билан туриши ёхуд спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари шарафига Давлат мадҳиясининг янграши барчамизда миллий ғурур ҳиссини уйғотади.

Шу боис, ҳар биримиз давлатимизнинг ушбу рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз ва миллий ғуруримиз тимсоли сифатида муҳофаза қилишимиз шарт.

Давлат рамзларини ҳурмат қилиш, улардан фойдаланишда қонун талабларига риоя қилиш ҳар бир давлат органи ва фуқаронинг қонунларга ҳамда ўз давлати ва миллатига бўлган муносабатини ифодалайди, албатта.

Бироқ, шу ўринда давлат байроғи ва гербини ишлаб чиқарувчилар томонидан давлат рамзларининг сифати ва аниқ бажарилиши бўйича қонунларга илова қилинган тасвирга риоя этишлари бўйича масъулиятини ошириш, зиммасига назорати юклатилган органларнинг давлат рамзларига оид қонунчиликни ижро этилиши устидан назорат қилиш борасидаги фаолиятини янада жонлантириш чораларини кўриш тақазо этилади.

Бу эса, мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини ифодаси бўлган давлат рамзларига нисбатан йўл қўйилиши мумкин бўлган

конун бузилиши ҳолатларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, давлат рамзларига бўлган ҳурмат ва уни миллат ғурури сифатида эъзозлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Битирув-малакавий ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Давлат рамзлари - давлат суверенитетининг таъсис белгилари эканлигини асослаб бериш;

-Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши жараёнини ёритиш;

-Давлат рамзларини тайёрлашнинг гералдика қоидалари ҳақида тушунча бериш;

-Давлат рамзлари тавсифини ҳуқуқий мустаҳкамлаш қоидаларини ўрганиш;

-Давлат рамзлари ҳамда идора ва ташкилот рамзларидан фойдаланиш муносабатларининг хусусиятлари тадқиқ қилиш;

-Давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни асослаб бериш.

Битирув-малакавий ишнинг объектини Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган асарлар, улардан ташқари давлат рамзларининг келиб чиқиши ҳақидаги тарихий ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ахлоқий асарлар ташкил қилади.

Битирув-малакавий ишнинг предмети Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларга бўлган ҳурмат туйғусини шакллантириш.

Битирув-малакавий иш манбаларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари

тўғрисидаги қонунлар, Давлат рамзларига бағишлаб ёзилган асарлар ташкил қилади.

Битирув-малакавий ишнинг илмий-назарий ва методологик асослари.

Ишнинг назарий-фалсафий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг нутқ, маъруза ва чиқишларида Давлат рамзларига ҳурмат, уларни асраш ҳақидаги фикрлари, Ўрта Осиё халқларининг бой сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, маънавий-ахлоқий мероси, ўтмишдаги мутафаккирларнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқий поклик, меҳр-мурувват, саховатпешалик, бағрикенглик, миллий ғурур, меҳнатсеварлик, баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар онгига миллий ғояни сингдириш, юксак маънавиятли, билимдон, иқтидорли кишиларни камолга етказиш тўғрисида айтган пурмаъно фикрлари асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг билан бирга, йирик олимлар, ҳуқуқшунослар томонидан ушбу муаммо бўйича яратилган сиёсий-ҳуқуқий асарлар, илмий тадқиқотлар илмий-назарий ва услубий асос бўлиши мумкин.

Тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, илмий холислик, диалектик ёндашув, анализ ва синтез тадқиқотнинг услубий асосларини ташкил қилади. БМИ ёзилишига сабаб бўлган асосий ҳолатлар:

- Давлат суверенитетининг белгилари Давлат рамзлари нима эканлиги ва унинг моҳиятини очиқ берилди;

-Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши жараёнини, билдирилган таклиф-мулоҳазалар, қилинган амалий ишлартаҳлил қилинди;

-Давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, улардан фойдаланиш асослари, миллий атрибутларимизга бўлган ҳурматни ошириш ва бошқа масалалар ўрганилди.

Битирув-малакавий ишнинг илмий янгилиги:

-Давлат рамзлари тушунчаси ва таърифи биринчи марта ҳуқуқий жиҳатдан яхлит ҳолда тадқиқ қилинган;

-Битирув малакавий ишида давлат рамзлари билан боғлиқ қонунчилигимизда кейинги даврда амалга оширилган ўзгартириш ва кўшимчаларга алоҳида эътибор қаратилди;

-Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши тарихи баён қилинган;

-Давлат рамзлари ҳамда идора ва ташкилот рамзларидан фойдаланиш муносабатларининг хусусиятлари тадқиқ қилинди;

-Давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни асослаб берилди.

-Давлат рамзлари юксак маънавият ва ватанпарварликни кишилар онгига сингдиришда, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини оширишда, миллий ғоя такомилли ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб берилган.

Битирув-малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ҳулосаларидан миллий рамзларимизнинг аҳамиятини кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилишни самарали амалга оширилишини ташкил қилишда, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришда, ёш авлодни миллий ғоямизга эътиқод руҳида тарбиялаш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижаларидан тарғибот ва ташвиқот ишларида, “Маънавият ва маърифат маркази”, “Камолот” ижтимоий ҳаракати томонидан уюштирилаётган тадбирларда, миллий рамзларимизга, миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришга бағишланган анжуманларда ҳамда олий ўқув юртларида сабоқ бериладиган “Ҳуқуқшунослик”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш”, “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик”, “Педагогика”, “Этика”, “Миллий ғоя” дарсларида ва махсус курсларда фойдаланиш мумкин.

Битирув-малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув-малакавий иши “Кириш”, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат бўлиб, умумий ҳажми _____ бетни ташкил қилади.

1-боб. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари-мустақиллик тимсоллари

1.1. Давлат рамзлари - давлат суверенитетининг таъсис белгилари.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи ва ички функцияларини амалга оширишда фақат ўз халқи иродасига бўйсунди, бу ирода мамлакат ичкарасидаги бошқа ташкилотлар ва мамлакат ташқарисидаги бошқа давлатлар иродасидан мустақилдир. Ўзбекистон халқининг иродаси уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга халқнинг азалий орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Бу ирода маъносининг қонун билан мустаҳкамланган тасвирий, муסיқавий ва маросим воситаларида ифодаланиши давлат рамзларидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Юридик адабиётларда давлат рамзлари тушунчасига турли мазмундаги таъриф берилди. Замонавий сиёсий-ҳуқуқий луғатларнинг бирида, “давлат рамзлари – давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир, булар муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадҳияси. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиат-менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади, - деб белгиланади.¹⁰

Иккинчи гуруҳ адабиётларда қуйидагича таъриф берилди: Давлат рамзлари – бу суверен давлатни ажратиб турувчи белгилари. Улар мустақиллик атрибутларидир. Давлат рамзлари асосий қонунда

¹⁰ Давлат рамзлари // Мустақиллик илмий-оммабоп луғат. -Т.: 1998. – 45б.

мустаҳкамланган давлат байроғи, герби, мадҳияси, номи, пойтахти, тили, валютаси, мукофотлари. Шунинг учун уларни аниқроқ қилиб давлат мустақиллигининг конституциявий рамзлари деб аташ мумкин эди.¹¹

Учинчи гуруҳ адабиётларда, "Давлат байроғи, тамғаси ва мадҳияси, унинг ташқи, аналоглари бўлмаган давлат суверенитетининг ажратиб турувчи атрибутлари сифатида давлатнинг расмий рамзларидир. Уларга барқарор, ҳуқуқий тасдиқланган тавсиф ва қонун билан аниқ белгиланган ҳолларда фойдаланиш зарурлиги ҳосдир. Уларда образли ва ихчам қилиб давлат асосланадиган тарихий илдизлар ва қадриятлар тўғрисида ахборот берилади. Ҳеч ким ўхшаш рамзларни киритиши мумкин эмас, - деган таърифни учратамиз.¹²

Тўртинчи гуруҳ адабиётларда, давлат рамзлари жаҳоннинг турли давлатлари конституцияларида расмийлаштирилган рамзлар сифатида изоҳланади: «Давлат рамзлари – конституция ёки махсус қонун билан мустаҳкамланган махсус, одатга кўра, тарихий шаклланган, аниқ бир давлатни ажратиб турувчи, унинг миллий суверенитети, ўзига ҳослигини ифодаловчи, баъзида, шунингдек маълум бир ғоявий маънони ифодаладиган белгиларидир. Одатда, давлат рамзларига давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, давлат ранглари, давлат бошлиғи штандарти, давлат муҳри, давлат шиори киради. Баъзида конституциялар давлат рамзларига байрам кунларини ҳам қўшадилар».¹³

Юқорида мисол келтирилган таърифларни қиёсий таҳлил этиш асосида давлат рамзларини ҳуқуқий воқелик сифатида тушунишда турли хил ёндашиш мумкинлигини кузатишимиз мумкин. Биринчи таърифда давлат рамзларининг давлат ва унинг мустақиллиги

¹¹ Таджиханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан. Лекция. - Т.,1995. - С.4.

¹² Комментарии к Конституции Российской Федерации. – М., 1996. –С.291.

¹³ Символы государственные // Большой юридический словарь / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д.Зорькина, В.Е.Крутских. - Москва, 1999. - С.623-624.

моҳиятини ташқарида ифодалашдан иборат хусусиятларидан келиб чиқадиган сифатлари асосий қилиб белгиланиб, унинг шакллари байроқ, герб, мадҳия ва миллий валюта деб изоҳланади. Иккинчи таърифда, давлат рамзларининг давлат томонидан конституциявий мустаҳкамланиши (расмий рамз) ва давлатни бошқа давлатлар ҳамда ташкилотлардан ажратиб туриш хусусияти (атрибут, ажралмас белги) асос қилиб олинди, давлат рамзларининг шакллари давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан ташқари давлат номи, пойтахти, тили, валютаси, мукофотлари ҳам киритилади.¹⁴ Учинчи таърифда, давлат рамзи (символ) ва давлатнинг рамзий белгиси (символика) бир маънода тушунилади, давлат эмблемаси ва унинг ҳуқуқий тасдиқланган тавсифи давлат рамзи деб қабул қилинади ва давлат рамзи шакллари байроқ, герб ва мадҳия билан чегараланади. Тўртинчи таърифда, дастлабки икки таърифда қайд этилган давлат рамзининг хусусиятлари асос қилиб олинади ва давлат рамзлари сифатида турли давлатларнинг конституцияси билан расмий тан олинган рамзлар – давлатнинг рамзий белгилари (давлат байроғи, герби, мадҳияси) ҳамда уларнинг алоҳида элемент ва кўринишлари (давлат ранглари, давлат муҳри, давлат бошлиғининг рамзий байроғи - штандарт, давлат шиори) сифатида изоҳланади.

А.Х.Саидов Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларига - улар «фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадий ифода сифатида маълум бир кўринишда акс этадики, бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглари, астрологик жисмлар ва ҳоказолар бўлиб, ўзбек халқининг ўтмиши, бугунги куни, унинг интилиши, орзу-умидлари, истиқболи, ғурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради», - деган таърифни беради.¹⁵ Бу нуқтаи назар давлат рамзларини тушуниш масаласига

¹⁴ Таджиханов Б.У. Кўрсатилган асар. - 4-15 б.

¹⁵ Саидов А. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. 1-сон. – 11-13 б.

рамзларнинг фақат ҳуқуқий шакли жиҳатидан эмас, балки ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан ҳам ёндашиш лозимлигини талаб қилади. "Давлат тимсоли ҳисобланган рамзлар – шартли белгилар бўлиб, улар миллий давлатнинг хусусияти, моҳияти каби ўзига хос белгиларини акс эттириши лозим, -деб ёзади А.Х.Саидов.¹⁶

Давлат рамзлари воқелигини тушунишга турлича ёндашувлар бу тушунчанинг конкрет юридик тушунча эканлигига шубҳа уйғотгандай туюлади. Бироқ ҳуқуқий воқеликни унинг фақат бир белгисини асос қилиб тушунтириш, шакллантирилган таърифларнинг турли-туман бўлишига олиб келиши табиий.

Ҳуқуқнинг фалсафий муаммолари билан шуғулланган Д.А.Керимов: «Ҳуқуқий воқеликни тадқиқ қилиш жараёнида эмпирик билимлар асосида абстракт тушунчаларни шакллантириш лозим. Бу тушунчаларда ҳуқуқий воқеликка хос бўлган асосий ва характерли белгилар ўз ифодасини топиши зарур», - деб ҳисоблайди.¹⁷ Табиийки, тушунчалар ўрганилаётган воқелик хусусиятларини очиш учун етарли бўлган энг муҳим белгилар йиғиндисидан шакллантирилса ва воқелик моҳиятини аниқлашга етарли бўлсагина илмий ҳисобланади. Юридик тушунчалар ифодаланаётган воқеликка мос бўлгандагина конкрет тушунча бўла олади ва воқеликни билиш воситасига айланади. «Ҳар бир илмий юридик тушунча, -деб давом эттиради Д.А.Керимов, - ҳуқуқий воқеликнинг энг асосий, муҳим белгиларини ўзида ифодалабгина, унинг моҳияти, зарурияти ва истиқболини белгилаб, шаклланган тушунчалар мажмуи эса конкрет ҳуқуқий воқеликнинг илмий исботланган ва ҳақиқий тасвирини беради».¹⁸ Давлат рамзларининг энг муҳим хосса ва белгиларини тадқиқ этиш орқали унинг юридик моҳиятини билиш ва конкрет юридик тушунчани

¹⁶ Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Кўрсатилган асар. –312 б., Таджиханов У.Т., Саидов А.Х. Кўрсатилган асар. –257 б.

¹⁷ Керимов Д.А. Философские проблемы права. – М., 1972. – С.62-63.

¹⁸ Ўша жойда. – С.73.

шакллантириб, унинг ҳуқуқий воқелик эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Рамз фалсафасини тадқиқ этган муаллифлар рамзлар маъносини таърифлашда қуйидаги боғланишларни ҳисобга оладилар.

1. Белгилар тизимини ташкил қилувчи ички элементлар (рамзий шакллар) ўртасидаги боғланиш.
2. Рамз ва у ифодаляйдиган объект ўртасидаги боғланиш.
3. Рамзлар тизими ва уларни талқин қилувчилар ўртасидаги боғланиш.

В.Тернер маълум бир рамзнинг маъносини очиш учун унинг томонидан талқин қилинишини, ундан фойдаланиш мақсадларини ва унинг бошқа рамзлар билан ўзаро боғланишларини таҳлил қилиш керак, деб ёзади.¹⁹ Давлат рамзларининг ҳуқуқий табиатини, унинг хосса ва белгиларини аниқлашда ана шу боғланишлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Давлат рамзларини ана шу боғланишлар воситасида ўргансак, бунда уларнинг ифода объектини давлат иродаси, ифодалаш усули ва воситаларини давлат рамзларининг қонун билан тасдиқланган шакли, субъектини давлат рамзини шарҳлаётган шахсларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ташкил қилади, яъни давлат иродасини ифодалашнинг пировард мақсади рамзни идрок қилаётган шахснинг онгида жамият ва давлатнинг умумий иродаси акс этиши ва бу иродага нисбатан ҳиссий муносабат ҳосил бўлишидан иборат. Коммуникатив жиҳатдан давлат рамзи давлат иродаси тўғрисидаги ахборот, давлат рамзининг маъноси ва идрок қилаётган инсон онги боғланишидан иборат тузилишга эга. Бунда унинг ижтимоий вазифаси биринчидан, давлат иродаси тўғрисидаги ахборотни етказиш, иккинчидан, бу ирода мазмунига нисбатан инсон онгида ҳиссий тузилиш ҳосил бўлишида намоён бўлади. Яъни коммуникатив хусусиятига кўра давлат рамзини идрок қилувчи онгида мустақил давлат иродасининг умумий ғояси ва мақсади

¹⁹ Тернер В. Символ и ритуал. - Москва, 1983. – С.41.

тўғрисида ҳиссий образ ҳосил бўлишидан иборат воқелик сифатида таърифлашимиз мумкин бўлади.

Юридик адабиётларда давлат рамзларига нисбатан қўлланиладиган мустақил давлат белгилари, давлатнинг рамзий белгилари, давлат эмблемаси, давлатнинг ажралмас белгилари (атрибутилари), давлат-ҳуқуқий белгилари каби турдош тушунчалар таърифи юзасидан ягона тўхтамга келиш лозим деб ҳисоблаймиз.²⁰

Давлат рамзлари тушунчасини мустақил давлат белгилари ёки давлат суверенитети белгилари тушунчаси билан ҳам ифодалаш мумкин. Мустақил давлатнинг белгилари тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилаётган мавзу предмети дорасида таърифланган. Жумладан, мустақил давлат мазмунини ифодаладиган унинг энг муҳим хусусиятлари мустақил давлатнинг белгилари. Мустақил давлатнинг белгиларига мустақил давлатнинг ўзи таъсис этган номига эга бўлиши, асосий қонунни мустақил равишда қабул қилганлиги, ўз худудида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириши, ўз давлат фуқаролигининг мавжудлиги, ўз давлат тилига эга бўлишлиги, ўз бюджети ва пул бирлигига эга эканлиги, ўз давлат пойтахтига эга бўлиши, ўз давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳиясининг қабул қилинганлиги ва бошқа белгилар киради.²¹

Давлат рамзлари, авваломбор, мустақил давлат белгилари. Лекин мустақил давлат белгилари тушунчаси давлат рамзлари тушунчасидан кенгрок, бу ўринда файласуф олим А.Ф.Лосевнинг «нарсанинг ҳар

²⁰ Давлат рамзлари тушунчасини ўрганиш учун белги, рамз, рамзий белги ва эмблема ибораларини бир-биридан ажратиш керак. Зеро, турли тилдаги луғатларда ҳам бу иборалар бир-биридан ажратилади: белги рус тилида знак, признак, инглиз тилида sign; рамз – символ – symbol; рамзий белги – символика – symbolics; эмблема (тимсол) – эмблема – emblem.

²¹ М.Мирхамидов бу белгиларни давлат суверенитети белгилари, Р.Қ.Қаюмов давлат-ҳуқуқий белгилари тушунчалари билан ифодалайди. Қаранг. Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. -Т., 1994. - 7-12 б.; Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи : Дарслик. – Т., 1997. – 89-92 бб.

қандай рамзи унинг белгиси бўла олса ҳам, нарсанинг ҳар қандай белгиси унинг рамзи бўла олмайди», деган хулосаси давлат рамзларига ҳам хос.²² Бу тушунчалар ўртасидаги асосий тафовут шундаки, давлат белгилари мустақил давлат хусусиятларининг маъновий ифодаланиши бўлса, давлат рамзлари давлатнинг фақат маъновий эмас, балки давлат хусусиятларнинг маъновий ҳамда кўргазмали ифодаланишидир, яъни давлат рамзлари мустақил давлатни инсон идроки учун кўргазмали ифодалайдиган давлат мустақиллиги белгиларидир.

Давлат рамзларини мустақил давлатни маъновий ифодалайдиган давлат мустақиллиги белгилари билан боғлиқлиги асосида кенг маънода таърифлайдиган бўлсак, давлат рамзлари - давлатнинг ички дунёсини, унинг иродаси тўғрисидаги умумий ахборотни аниқ кўргазмали рамзий шакллар воситасида инсон онгига етказадиган давлат мустақиллиги белгилари, деган хулосага келамиз. Давлат рамзлари воқелигини кенг маънода таърифлашда унинг давлат иродаси мазмунини маъновий-кўргазмали ифодалаш хусусиятига устуворлик берамиз. Бундай маънода таърифлашда давлат рамзлари деганда мустақил давлатни маъновий-кўргазмали ифодалаш хусусиятига эга бўлган давлат суверенитети институтлари тизимини тушуниш мумкин бўлади. Бизнинг фикримизча, бундай институтлар тизимини давлатнинг байроғи, герби ва мадҳияси, номи, бошлиғи, асосий қонуни, худудининг харитадаги тасвири, пойтахти, расмий тили, фуқаролиги, валютаси, умумхалқ байрамлари, давлат мукофотлари ташкил қилади. Бу институтлар ўзининг ижтимоий вазифасига кўра давлат суверенитетининг ажралмас таркибий элементлари ҳисобланади, лекин шу вақтнинг ўзида мустақил давлат иродаси тўғрисидаги умумий ахборотни маъновий-кўргазмали ифодалайди.²³

²²Лосев А.Ф. Проблемы становления символа и реалистическое искусство. - М., 1976.-С.42.

²³ А.Х.Саидов мустақил давлат рамзларини фақат давлат эмблемалари – давлат байроғи, давлат герби ва уларнинг мусиқавий эквиваленти бўлган давлат мадҳияси билан чегаралаш мумкин эмаслиги ва давлат рамзларини кенг маънода –

Давлат рамзлари тушунчаси билан турдош яна бир тушунча давлатнинг рамзий белгилари тушунчасидир. Давлат рамзларини давлатнинг рамзий белгилари (символика) тушунчаси билан ҳам ифодалаш мумкин, лекин бу икки тушунчани ҳам бир-биридан ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: рамзий белгилар, авваломбор, нарсанинг рамзлари, лекин нарсанинг ҳар қандай рамзи ҳам унинг рамзий белгиси бўлавермайди. Давлатнинг рамзий белгиси тушунчаси давлат рамзи тушунчасидан торроқ. Давлатнинг рамзий белгилари ва давлат рамзлари турдош тушунчалар бўлса-да, бизнинг фикримизча, рамзий белгиларни айнан рамзлар сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Давлат рамзлари маълум бир мустақил давлатни маъновий-кўргазмали ифодалашга тегишли бўлса, давлатнинг рамзий белгилари рамзий белгида тасвирланган, масалан, байроқ ҳамда гербда чизилган тасвир ва ранглар ёки мадҳияда куйланган образлар мазмуни ва умумий ғояси тасвирларнинг маъносидан келиб чиқади. Рамзшунос олим В.В.Похлебкин «рамз тасвирий эталонга эга эмас ва уни тасвирлар орқали билиб бўлмайди». Шу маънода рамз тушунчасини рамзий белги (символика), эмблема (тимсол) тушунчасига қарши қўйиб бўлади²⁴, - деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам, рамзий белгилар рамзнинг ўзи эмас, лекин бу икки тушунчани бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, рамзий белги рамзнинг чизилган, тасвирланган, суратлардан иборат махсус шаклидир. Давлат рамзларини бу махсус шаклларининг ижтимоий вазифаси давлатнинг иродаси тўғрисидаги ахборотни маъновий-кўргазмали ифодалашдан иборат. Давлатнинг рамзий белгиларига давлат эмблемалари – байроқ ва герб ҳамда уларнинг мусиқавий эквиваленти – мадҳия киради. Шундай қилиб, мустақил давлат мазмунини тасвирий образлар воситасида маъновий-кўргазмали

мустақил давлатнинг мазмунини ифодаладиган шартли белгилар маъносида ҳам тушуниш лозимлиги тўғрисида ёзади. Саидов А.Х. Давлат рамзларига хурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. -сон. – 11-13 б.

²⁴ Похлебкин В.В. Словарь международной символики и эмблематики. – М., 1995. –С.381.

ифодалайдиган белгилари давлатнинг рамзий белгилари – давлатнинг расмий рамзларидир. Давлат рамзларининг бундай таърифи уларнинг қуйидаги расмий-ҳуқуқий белгиларини асос сифатида қабул қилиш билан боғлиқ.

1. Давлат байроғи, герби ва мадҳияси давлат томонидан расмий тан олинган рамзлар бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат иродасининг амалга оширилишини, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқаролар томонидан бу ироданинг ҳурмат қилинишини қонунда белгиланган тартибда ифодаланишини таъминлаш бўйича функциявий вазифалар бажарилишига хизмат қилади.

2. Давлат байроғи, герби ва мадҳияси мустақил давлатнинг расмий рамзлари бўлиб, улар конституция ва махсус қонунлар билан таъсис этилади ва уларнинг тавсифи қонун билан тасдиқланади. Байроқ, герб ва мадҳия давлат томонидан ҳуқуқий тасдиқлангандан кейингина унинг рамзларига айланади. Давлат томонидан тасдиқланмаган рамзлар давлат рамзлари сифатида тан олинмайди.

3. Давлат байроғи, герби ва мадҳияси тавсифини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларга ўзгартириш киритиш қонунчилик жараёни воситасида амалга оширилади.

4. Давлат рамзларидан фойдаланиш тартиби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Давлат рамзларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланади. Давлат ўзининг рамзларини қўриқлайди ва бошқа ташкилотлар унинг рамзларидан ёки рамзий белгиларнинг тасвирларидан қонунда белгиланган тартибда ва давлатнинг руҳсати билан фойдаланиши мумкин бўлади.

Давлат рамзларини ҳуқуқий воқелик сифатида ўрганишдан олдин, унинг рамзий шакл эканлигидан келиб чиқадиган умумий хоссаларини аниқлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Файласуф олим А.В.Иванов

таърифича, “Рамз – моддий нарсалар, воқеалар, шунингдек ҳиссий образларнинг ўзини моддий борлиғидан бевосита фарқ қилувчи мазмунни ифода этиш қобилиятини акс эттирувчи тушунчадир”.²⁵ «Сўз ва тасвир агар ўзининг бевосита мазмунига нисбатан қандайдир кўпроқ маънони ифодаласа рамзийдир», - деб ёзади К.Г.Юнг.²⁶ Бу хулосалардан давлат рамзи ўз моддий борлиғидан бевосита фарқ қилувчи мазмунни, яъни давлат иродаси тўғрисидаги умумий ахборотни ифодалайдиган тузилиш эканлиги маълум бўлади. Бунда давлат иродаси давлат рамзи шаклида – давлат байроғи ва герби тасвири, мадҳия мусиқаси ва шеърининг матни, давлатнинг номи, конституция матнининг умумий мазмуни, миллий валюта шакллари ва бошқаларда маъновий-кўргазмали баён қилинади. Давлат билан унинг рамзи ўртасидаги боғланиш шундайки, давлат рамзларида мавжуд бўлган маънони давлатдан ажратиб бўлмайди. Давлат рамзи шакллари орқали ифодаланадиган мазмун давлат воқелиги билан ўзаро сингиб кетган бўлади. Мустақил давлатнинг бутун борлиғи, унинг иродаси мазмуни давлат рамзи воситасида маъновий-кўргазмали ифодаланади. Давлат рамзи – бу рамз шакллари мазмунининг ўзи эмас, балки рамз шаклининг давлат иродаси мазмунини ифода этиш қобилияти, давлат рамзи давлат иродасининг ташқи ифодасидир, деган хулоса билан давлат рамзининг биринчи энг муҳим белгисини кўрсатишимиз мумкин.

Давлат пайдо бўлиши билан унинг иродасини фуқаролар, бошқа давлатлар ва ташкилотларга маъновий-кўргазмали ифодалайдиган рамзлар ҳам пайдо бўлди. Давлатлар рамзлар воситасида ўзининг қудрати, мақсади ва интилишларини ҳуқуқий муносабат субъектларига тушунарли шаклда кўрсатишга ҳаракат қиларди. Ана шундай рамзлар «давлат рамзлари» ибораси билан юритила бошланади. Давлат

²⁵ Иванов А.В. Символ // Современная западная философия.– М.,1991. -С.276.

²⁶ Юнг К.Г. Подход к бессознательному // Человек и его символы / Под ред. К.Г.Юнга. Спб., 1993. - С.117.

рамзларининг белгиларини «давлат рамзлари» иборасинининг пайдо бўлиши билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Давлат рамзи қадимда қандайдир ижтимоий умумийликни ифодалаш билан боғлиқ бўлган. Қадимги юнонларда «рамз»²⁷ – «символ»²⁸ бир бутуннинг қисмларини ва қисмларнинг бир бутунга тааллуқлилигини англатувчи ижтимоий тушунча сифатида пайдо бўлган.

“Рамз” тушунчаси, дастлаб, бир неча шахслар томонидан бирор нарсани, масалан, балиқчиларнинг биргаликда тўр ташлаши, - деган маънони англатган.²⁹ Денгизга тўр ташлаш катта кучни талаб қилганлиги туфайли фақат кучларни бирлаштирибгина балиқчилар балиқ овлаши мумкин эди. Тўр ташлаш эҳтиёжи балиқчиларни умумий гуруҳга бирлаштирарди, шунинг учун тўр ташлаш образи ва тўр тасвири бу бирлашувнинг, яъни балиқчилар гуруҳининг шартли белгисига айланди. Кейинчалик видолашаётган дўстлар иккига тақсимлаб кўришишганда дўст эканликларини тан олиб эслаш мақсадида бир бутунга бирлаштириладиган маълум тасвир тушурилган тахтача “рамз” деб юритилган.³⁰ Ҳар иккала ҳолатда ҳам рамзий шакл маълум бир ижтимоий birlikни ифодалаш ва шу birlik қисмларининг умумийлигини ифодалаш, тарқоқликни умумлаштириш вазифасини бажарган.

Кундалик турмушда қўлланила бошланган «рамз (символ)» ибораси кейинчалик фуқароларнинг турли бирлашмаларини ифодаловчи белгиларга нисбатан қўлланила бошланган: ижтимоий гуруҳлар учун умумий шартли-махвий маънога эга бўлган (энигматик) ва шахсларнинг шу гуруҳга аъзо эканлигини ифодаладиган белгилар (нишонлар, тимсоллар, тамғалар, ранглар, маъбуд ва

²⁷ Рамз – арабча сўз бўлиб, бирор ғоя, тушунча, ҳодиса ва шу кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белгини англатади.

²⁸ Символ – грекча сўз бўлиб, тўр ташлаш деган маънони англатади, маълум бир кишилар гуруҳини бирлаштирувчи ва шартли маънога эга белги.

²⁹ Брокгауз Ф.А., Ефронъ И.А. Символ // Энциклопедический словарь. Т. 58. Спб., 1900. - С.59.

³⁰ Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. -М.: Искусство, 1991. –С.287.

илоҳийлаштирилган шахслар образи ва ҳоказо) рамз деб юритиладиган бўлди. Вақт ўтиши билан турли фирма, уюшма, цех, диний, жамоат ёки давлат идораларини шартли белгилар ёрдамида бир-биридан ажратиш анъанага айланиб борди.³¹ “Рамз” ибораси энг йирик ижтимоий ташкилот – давлат иродаси тўғрисидаги умумий ахборотни ифодаладиган ва фуқароларнинг давлатга мансублигини кўрсатадиган белгиларга нисбатан ҳам қўлланила бошланди. Шундан келиб чиқиб, давлат рамзи давлат иродаси мазмунининг оддий маъновий-кўрғазмали ифодаси бўлмасдан, балки ўзининг таркибий қисмлари учун умумийликни ифодаловчи ҳамда уларни бошқа давлатлар ва ташкилотлардан ажратиб турувчи белгиларни англатадиган тушунчага айланди. Бу давлат рамзларининг иккинчи муҳим белгисидир. А.Ф.Лосев рамзга шундай таъриф беради: “Рамз – образли, ғоявий ёки кўринишли-ғоявий тузилиш бўлиб, ўзидан фарқ қилувчи нарсаларга йўналтириш мазмунига эга бўлган ҳамда бу нарсалар учун умумлаштирувчи ва тарқоқ бўлмаган белгиларни англатадиган тушунча.”³²

Юқорида куриб ўтганимиздек, ҳар қандай рамз ўз объектининг мазмунини ифодаладиган унинг ташқи белгилари саналади, шундан келиб чиқиб давлат рамзининг ифодалаш объектини муайян бир давлат мазмуни ташкил қилади. Давлатнинг мазмуни унинг ички сифатлари йиғиндисидир. Ички сифатлар давлатан ажратиб бўлмайдиган ва қоидага кўра ташқарида кўринмайдиган, инсон идрокидан яширинган бўлади. Давлат рамзлари давлатнинг ана шу сифатларининг маъновий-кўринишли ташқи ифодаси хисобланади.

Давлатнинг мазмунини тушунишда турли ёндашувлар мавжуд. Л.Гумплович сўзи билан айтганда, давлатшунослар ва файласуфлар

³¹ Брокгауз, Ефронъ. Кўрсатилган асар. - С.60.

³² Лосев А.Ф. Символ // Философская энциклопедия. Т.5. – Москва, 1965. - С.10.; Воронина Л. Вступление // Мамардашвили М.К., Пятигорский А.М. Символ и сознание. Метафизические рассуждения о сознании, символикe и языке. – М.,1997.-С.15.

қанча кўп бўлса, давлат мазмунини тушуниш ҳам шунча кўп бўлган. Давлат тушунчасини изоҳлашда, - деб ёзади Л.Гумплович, - баъзида давлат ҳақиқатда нима эканлиги ифодаланмасдан, балки олимларнинг субъектив карашлари, нуқтаи назари, истаги ва идеаллари бўйича у қандай бўлиши кераклиги ифодаланади.³³

Давлат мазмунини тушуниш бўйича айрим йирик мутафаккирлар фикрини келтирамиз. Платон ва Аристотел давлатни фуқароларнинг ўзаро муносабатлари бўлиб, улар бошқа ҳеч қандай муносабатларга муҳтож эмас, давлат инсоннинг ўзига ўхшаган ва озод кишилар устидан ҳукмронлик ўрнатувчи ҳокимият, - деб ҳисоблайдилар. Платон давлатнинг моҳиятини фуқароларнинг мустаҳкам ижтимоий бирлашуви ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро ёрдамни ташкил этишда кўради. Давлатнинг мақсади, Платон бўйича, одамларнинг адолат асосида биргаликда яшашини таъминлашдан иборат бўлиб, унда ҳар бир киши ижтимоий организмда ўзига нисбатан бошқалар ғамхўрлигини ҳис қила туриб ўз функцияларини бажаради ва бошқаларга фойда келтиради.³⁴

Абу Наср Фаробий "Фозил шаҳарга ҳоким бўладиган одам ҳеч кимга тобеъ бўлмаслиги керак. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил кишидир" – деб ёзади.³⁵ Амир Темур давлат мазмунини давлатчилик амалиётидан келиб чиқиб тушунади: "Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди".³⁶

Жон Локк давлатни умумий ирода сифатида одамларни умумий қонунлар асосида бирлаштиришдан иборат жамоа кўринишида тушунади. Сиёсий ҳокимият деганда Жон Локк «жамият учун фойдали

³³ Гумплович Л. Общее учение о государстве. Спб., 1910. –С.36.

³⁴ Платон. Государство. Законы. Политик. – М., 1998. - С. 167-172.

³⁵ Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., 1994. –159 б.

³⁶ Темур тузуклари. – Т., 1991. – 54 б.

конунлар чиқариш ва ҳуқуқ ижросини таъминлаш йўлида бутун жамият кучининг қўлланилишини», «исталган мустақил ҳамжамиятни» тушунади.³⁷

Жан Жак Руссо давлатни ижтимоий келишувдан келиб чиққан умумий иродани ифодалайдиган ва умумий фаровонлик учун хизмат қиладиган сиёсий организм сифатида тушунади. "Табиат ҳар бир инсонга ўз танасининг барча аъзолари устидан чекланмаган ҳокимиятни бергани каби ижтимоий шартнома сиёсий организмга унинг барча аъзолари устидан чекланмаган ҳокимиятни беради ва умумий ирода билан йўналтириладиган ҳокимият суверенитет деган номга эга", - деб ёзади Руссо.³⁸

Давлат мазмунини тушунишда ёндашувлар кўп бўлсада, бизнинг фикримизча, уларнинг аксариятида давлатнинг мазмуни умумий олий ирода ҳукмронлиги билан боғланади. М.И.Байтин, - ҳокимият ҳар қандай ижтимоий бирликнинг ижтимоий характер ва даражасига мувофиқ келадиган фаолият кўрсатиб туриш воситаси бўлиб, алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг ушбу бирликда раҳбар ёки ҳукмрон иродага бўйсунуш муносабатидан иборат, - деб билади.³⁹ Ҳар бир ижтимоий бирлик муайян раҳбар ёки ҳукмрон ирода асосида фаолият кўрсатиб туради, бу ироданинг ҳукмрон ёки раҳбар бўла олиш қобилияти ҳокимиятни англатади.

Ҳокимият масаласидаги муносабатлар, яъни ҳокимият муносабатлари иродавий характерга эга ҳамда ўзининг тузилишига кўра ҳукмронлик ёки раҳбарлик қилувчи ва унинг иродасига бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатлардан иборат. Ҳукмронлик ёки раҳбарлик қилувчи ҳокимият муносабатларининг субъекти ҳокимият остидагилар эса объекти бўлиб ҳисобланади. Ҳукмрон иродага ҳокимият объектлари зўравонлик йўли билан бўйсундирилса, раҳбар иродага ихтиёрий, ўзи

³⁷ Локк Дж. Два трактата о правлении // Сочинения. Том-3. –М.,1988. -С. 263.

³⁸ Руссо Жан Жак. Об общественном договоре // Трактаты. – М.,1969. -С.171.

³⁹ Байтин М.И. Государство и политическая власть. - Саратов, 1972. - С. 83-96.

хоҳлаб бўйсунди. Шунинг учун ҳукмронликка асосланган ҳокимиятни иродага бўйсундиришнинг нодемократик усули, раҳбарликка асосланган ҳокимиятни демократик усули деб қараш мумкин.

Демократик жамиятда ҳокимият субъекти ва объектининг иродаси бир-бирига мос келади. Чунки бунда жамиятнинг ҳар бир аъзоси давлатни бошқаришда иштирок этиш имкониятларидан фойдалана олади ва давлат ҳокимиятининг манбаи саналади. У амалда давлатнинг олий идораларини сайлашда иштирок этади, референдумларда қатнашади, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига нисбатан ўзининг муносабатларини омавий ахборот воситалари орқали кўркмасдан билдира олади, жамоат назорати воситасида давлат идоралари фаолиятини назорат қила олади ва бошқалар. Натижада у ҳокимиятнинг фақат объекти эмас, балки фаол субъектига (иштирокчисига) айланади. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этган ҳар бир фуқаро давлат ҳокимиятининг ҳар бир ҳаракати учун ўзининг масъулиятини ҳис қилади ва ижтимоий фаол бўлади.

Ҳокимият ижтимоий келишув воситаси, чунки раҳбар ёки ҳукмрон ирода ижтимоий бирлик ичида мавжуд индивидуал иродаларни келиштиради. Шунинг учун ҳар қандай ҳокимият ижтимоий характерга эга, шунга мувофиқ ҳар қандай раҳбар ёки ҳукмрон ирода ҳам ижтимоий иродадир. Давлат ҳокимияти алоҳида ижтимоий-сиёсий ҳокимият бўлиб, унинг иродаси жамиятдаги бошқа сиёсий ташкилотлар ва гуруҳлар иродасидан фарқ қилади ва бу ирода, одатда, бутун жамиятнинг иродаси сифатида илгари сурилади». Бизнинг фикримизча, давлатнинг мазмунини билиш учун жамиятдаги индивидуал ва ижтимоий ирода диалектикасини англаш муҳим, чунки ҳар қандай ижтимоий ирода ижтимоий бирликни ташкил қиладиган индивидлар иродаси билан боғлиқ.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар унинг аъзолари эҳтиёжи, манфаат ва мақсадлари асосида келиб чиқади. Индивид ижтимоий

муносабатларга ўзининг муайян эҳтиёж, манфаат ва мақсадлари билан киради. Унинг эҳтиёж, мақсад ва манфаатларини ҳаракатга келтирувчи иродаси ижтимоий бирликни ташкил қилувчи унинг бошқа аъзолари иродасини ўзида мужассамлаштирувчи ижтимоий ирода билан тўқнаш келади. Бу тўқнашувда индивиднинг ирода эркинлиги чегараси белгиланади. "Ижтимоий шартнома бўйича инсон ўзининг табиий эркинлигини, ўз эҳтиёжларини чексиз қондириш ҳуқуқини йўқотади ва унинг ўрнида фуқаровий эркинликка", умумий ирода билан чекланган ирода эркинлигига эга бўлади, - деб айтади Руссо.⁴⁰ Инсон ўз иродаси асосида маълум ҳатти-ҳаракатни амалга оширади, яъни у субъектив-индивидуал ирода эгаси, лекин унинг ирода эркинлиги ўлчами, масштаби маълум бир субъект иродасига боғлиқ бўлмаган ва жамиятнинг барча аъзолари, қисмлари, яъни бутун жамиятнинг умумий иродасини ўзида мужассамлаштирган объектив-ижтимоий ирода билан белгиланади. "Ҳар бир киши ўзини ҳаммага бўйсундириб, - деб давом эттиради Руссо, - ҳеч қайси алоҳида бир шахсга бўйсунмайди ва бу бирлашувнинг ҳар бир кишига нисбатан бошқалар қандай ҳуқуққа эга бўлсалар, ўзларига нисбатан унга ҳам шунча ҳуқуқ берадилар, бунда ҳар бир киши йўқотган нарсасининг эквивалентига эга бўлади".⁴¹ Лекин индивидларни маълум мақсад асосида бирлаштирувчи ижтимоий бирликларнинг ҳаммасининг иродаси ҳам индивидлар ҳатти-ҳаракати учун умумий масштабни белгилаш асоси бўла олмайди. Жамиятнинг маълум бир қисмини ташкил қилувчи ижтимоий бирлик, масалан, оила, жамоат бирлашмаси, маҳалла, маъмурий-ҳудудий бирлик аъзоларининг умумий иродаси ижтимоий ирода бўлиб, шу ижтимоий бирлик аъзолари учун умумий ҳисобланса-да, у жамиятнинг

⁴⁰ Руссо Ж.Ж. Кўрсатилган асар. - С. 314.

⁴¹ Ўша жойда. - С. 161.

фақат бир қисми эҳтиёж, мақсад ва манфаатларини ифода этади, шунинг учун субъектив-ижтимоий ирода ҳисобланади.⁴²

Субъектив ирода билан объектив ирода муносабати диалектикасини ишлаб чиққан Гегел: "Ўзимнинг у ёки бу йўналишдаги ҳаракатимни белгилаб олиш имкониятига, яъни танлаш имкониятига эга бўлиб, мен ўзим истаган ҳаракатимни қила оламан, одатда, бу ҳолатни эркинлик деб номлайдилар, ... лекин менинг ихтиёримда бўлган танлаш чегараси ироданинг ижтимоийлигидан иборатдир." – деб ёзади.⁴³ "Ирода эркинлиги тушунчаси, - фикрини давом эттиради Гегел, - айнан тушунганда ўзбошимчаликни ифодалайди, эркинлик нимани истасанг шуни қилиш мумкинлигидан иборат деб ҳисоблаш фикрлаш маданиятсизлигидан далолат беради."⁴⁴

Субъектив-индивидуал ирода ва объектив-ижтимоий ирода бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди ва шунчалик яқин бўладикки, уларни бир-биридан ажратиб турувчи чегарани кўрсатиб бўлмайди. Объектив-ижтимоий ирода субъектив-индивидуал иродаларнинг йиғиндисидан иборат, лекин бу оддий миқдорий йиғинди эмас, балки индивидуал иродаларнинг диалектик қўшилишидан келиб чиқадиган сифат йиғиндиси, яъни у алоҳида субъектив иродалар йиғиндиси эмас, балки ижтимоий муносабат субъектларининг умумий объектив иродасидан иборат. «Алоҳида инсоннинг иродаси ўзининг табиатига кўра устунликка, умумий ирода эса тенгликка интилади».⁴⁵

Давлатнинг мазмуни бутун жамиятнинг объектив-ижтимоий иродасини умуммажбурий юридик қонунлар орқали ифодалашдан иборат. «Энг муҳими шундаки, - деб ёзади И.Кант,- менинг эркинлигим ёки ўзбошимчалигим шундай чегараланиши керакки, у умумий қонунда ҳар бир бошқа одамнинг ўзбошимчалиги билан биргаликда мавжуд

⁴² Субъектив-ижтимоий ирода ва объектив-ижтимоий ирода муносабати тўғрисида ушбу бобнинг 3 – фаслига Қаранг.

⁴³ Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М., 1990. – С.80.

⁴⁴ Ўша жойда.

⁴⁵ Руссо Ж.Ж. Кўрсатилган асар. - С. 168.

бўла олсин.»⁴⁶ Ш.Л.Монтескье эркинлик тўғрисида фикр юритиб: «Эркинлик бу қонун билан ман этилмаган ҳамма ишларни қилиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро бу қонунлар билан ман қилинган ишларни қилиб билганда эди, у эркин бўлолмасди, чунки бунда худди шу ишларни унга нисбатан бошқа фуқаролар ҳам қилиши мумкин эди».⁴⁷ «Кимки жамиятнинг умумий иродасига бўйсунмашдан бош тортса, у бунга бутун организм томонидан мажбур қилинади», - деб айтади Руссо.⁴⁸ «Инсоннинг жамиятдаги эркинлиги шундан иборатки, - ёзади Локк, - у ўзи иштирок этган келишув асосида ўрнатилган қонунлардан ташқари бошқа ҳеч қандай иродага бўйсунмаслиги ва бошқа ҳеч қандай қонунлар билан чегараланмаслигидан иборат».⁴⁹

В.С.Нерсеянц либертар концепцияда ҳуқуқ тушунчаси билан қонун тушунчасини ажратиб, ҳуқуқни субъектив иродаларнинг умумий масштаби, ўлчами сифатида, қонунни эса, давлат томонидан ишлаб чиқилган позитив ҳуқуқ сифатида тушунтиради: «Ўзининг умумий масштаби билан ҳуқуқ индивидлар эркинлигини ўлчайди ва шакллантиради, маълум бир тарихий ривожланиш босқичида эркинлик ва эрксизлик даражаларини белгилайди».⁵⁰ «Ҳуқуқнинг позитивлашиш (ижобий ҳуқуққа айланиш) жараёни, унинг қонунга айланишидир, - деб фикрини давом эттиради Нерсеянц, - ва қонуннинг ҳуқуққа мос келмаслигини тузумнинг ҳуқуқни инкор қилиши, қонун чиқарувчининг ҳуқуққа салбий муносабати ёки унинг хатолари, қонун чиқариш маданиятининг пастлиги ва бошқалар билан тушунтириш мумкин».⁵¹

Позитив ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда жамиятни давлат иродасининг ҳуқуқий меъёрларда ифодаланиши бўлса, давлат

⁴⁶ Kant I. Metaphysik der Sitten Einleitung in die Rechtslehre. - Leipzig, 1945. – S.35.

⁴⁷ Монтескье Ш.Л. О духе законов // Избранные произведения. –М., 1955. – С.288-289.

⁴⁸ Руссо. Кўрсатилган асар. - С. 313.

⁴⁹ Локк Дж. Кўрсатилган асар. - С.274.

⁵⁰ Нерсеянц В.С. Философия права. – М., 1998. –С.23.

⁵¹ Ўша жойда. – С. 33-36.

рамзлари ҳуқуқий меъёрларда ифодаланган ирода субъектини рамзлар воситасида ифодалашдир. Давлат рамзлари мустақил давлат мазмунини, демакки, қонунларда ифодаланган объектив-ижтимоий ироданинг субъекти - жамият (халқ) ва унинг сиёсий ташкилоти – давлат ҳокимиятини ифодалайди. Ҳуқуқнинг моҳияти жамиятни давлат иродасини ифодалашдан иборат бўлса, ҳуқуқнинг мазмуни бу ироданинг меъерий ифодаланишидадир. Умуммажбурий меъёрларни яратмасдан ёки санкцияламасдан жамият иродасини қонунга айлантириб, давлат иродаси сифатида ифодалаб бўлмайди. Ҳуқуқнинг мазмуни ҳуқуқ моҳиятини кўплаб ҳуқуқий меъёрларда конкретлашишидир. Давлат рамзларининг моҳияти ҳам жамиятнинг давлат иродасини ифодалашдан иборат бўлса, унинг мазмунида бу ирода халқ ва давлат ҳокимиятининг ягона иродаси, мақсади сифатида маъновий-кўринишли ифодаланади. Шу асосда биз, давлат рамзлари ҳуқуқий моҳиятга эга деб айта оламиз. Ҳуқуқий меъёр ва давлат рамзлари моҳиятан бир, лекин ижтимоий вазифаси билан фарқ қиладиган давлат-ҳуқуқий воқеликлардир. Ҳуқуқий меъёрнинг ижтимоий вазифаси ижтимоий муносабатларни жамиятнинг давлат иродаси асосида тартибга солиш бўлса, давлат рамзларининг ижтимоий вазифаси жамиятнинг давлат иродаси мазмуни тўғрисидаги умумий ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказишдир.

Ҳуқуқнинг умумий масштаби асосини ташкил этган объектив-ижтимоий ирода сиёсий шаклда - халқ иродаси сифатида ифодаланади. Халқ иродаси жамият аъзоларининг умумий иродасидан иборат. «Ҳар биримиз ўз иродасини, мулкни ва ўзининг шахсини умумий ирода раҳбарлиги остига бериб қўйганмиз.⁵² Шартнома суверен сифатида халқ ва уни ташкил қилувчи хусусий шахслар - фуқаролар ўртасида тузилади» - деб ёзади Руссо.⁵³ Фақат ўз халқи иродасини амалга ошириш қобилиятига эга давлатгина ҳақиқий суверен давлат бўла

⁵² Руссо. Қўрсатилган асар. - С.312.

⁵³ Ўша жойда. - С. 314.

олади. Суверен давлатнинг ажралмас хоссаси: давлат ёки суверен бўлади ёки давлатнинг ўзи бўлмайди. Давлат суверенитетининг мазмунини сиёсий суверенитет, яъни халқнинг олий сиёсий ирода эгаси мақомига эга бўлиши ташкил этса, давлат суверенитетининг шаклини ҳуқуқий суверенитет, яъни давлат ҳокимиятининг олий ҳуқуқий ирода эгаси мақомига эга бўлиши ташкил қилади. Олий сиёсий ирода жамиятдаги устувор иродага эга бўлиш ҳуқуқини, олий ҳуқуқий ирода жамиятда устувор иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш (позитивлаштириш) ҳуқуқини англатади.

Мустақил демократик давлат учун фақат ўз халқининг иродаси устувор бўлади, шунинг учун ҳам у мамлакат ичкарасида бошқа ташкилотлардан, мамлакат ташқарисида бошқа давлатлардан мустақил фаолият олиб боради. Давлат рамзлари давлат суверенитети мазмунини ифодалайди. Шунинг учун давлат рамзлари, авваломбор, давлат суверенитети рамзларидир, давлат рамзлари ва давлат суверенитети рамзлари тушунчалари бир маънони англатади.

Давлат рамзларининг давлат суверенитети рамзлари эканлигидан келиб чиқадиган қуйидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчи белги. Давлат рамзлари давлат суверенитетининг (олий сиёсий ирода) шартли белгиларини ташкил қилар экан, улар маълум бир ҳудудда олий ирода эгаси бўлган халқ билан бирга таъсис этилади. "Суверенитет умумий иродани амалга ошириш бўлиб, ҳеч қачон бегоналашмайди ва суверен коллектив мавжудот бўлиб, - деб айтади Руссо, - халқнинг ўзига тегишли. "Ҳокимият берилиши мумкин, лекин олий ирода эмас".⁵⁴ Шунинг учун суверенитет ва унинг рамзлари ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан абадийдир. Давлат суверенитети шакли (олий ҳуқуқий ирода) ўзгаришига қараб маълум даврдаги давлат ҳокимияти томонидан ўрнатиладиган давлат рамзлари шакли ҳам ўзгартирилиши мумкин, масалан, давлат номи шакли, давлат ҳудуди

⁵⁴ Руссо. Кўрсатилган асар. - С.168.

шакли, давлат бошлиғи лавозими шакли, давлат байроғи ёки герби шакли ва бошқалар, лекин давлат суверенитети мазмуни каби унинг рамзлари моҳиятан ўзгармасдир. Давлат суверенитети каби давлат рамзлари ҳам фақат олий иродага эга бўлган халқ ва унинг ҳокимияти ўз аҳамиятини йўқотгандагина ўзгариши мумкин. Агар халқ ўз иродасининг олийлиги мақомидан маҳрум бўлса, давлат суверенитети тугайди, давлат рамзлари ҳам ўз моҳиятидан маҳрум бўлади. Халқ иродаси олийлиги мақомининг тикланиши эса давлат суверенитети ва унинг рамзлари тикланишига олиб келади.

Иккинчи белги. Бир жамиятда фақат бир олий ирода бўлиши мумкин. Иккинчи олий ироданинг пайдо бўлиши давлат суверенитети йуқолганлигини билдиради. "Ирода ёки умумий бўлади, ёки умумий бўлмайди, у ёки бутун халқ иродаси ёки унинг фақат бир қисми иродаси бўлади".⁵⁵ Шу билан боғлиқ равишда суверенитет мазмунини белгилайдиган рамзлар ҳам фақат бир олий иродани ифодалаш мумкин. Яъни суверенитет рамзлари олий иродани ифодалаш вазифасини монополия қилади. Бир давлат ҳудудида икки олий ирода эгасини ифодалайдиган рамзлар мавжуд бўлолмайди, уларнинг фақат бири олий ирода субъектини ифодалайдиган рамзлар бўлиши мумкин, иккинчиси эса олий ирода субъектидан қуйи мақомда турувчи ташкилотни, масалан, давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликларини ифодалаш мумкин.

Жамиятда олий сиёсий ирода субъекти мақомига эга халқ иродаси ягона ва бўлинмасдир, демак, уни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти ҳам битта, ягона ва бўлинмасдир. Давлат ҳокимияти бўлинмайди ҳам, тақсимланмайди ҳам. Агар давлат ҳокимияти бўлинганда ёки тақсимланганда эди, биз амалда бир-биридан мустақил уч олий ирода ва уни амалга оширувчи бир-биридан мустақил уч давлат ҳокимияти тўғрисида гапиришимизга тўғри келарди. Шундай

⁵⁵ Ўша жойда.

қилганимизда, биз ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилини давлат суверенитети мазмунига қарши қўйган бўлар эдик. Бу ерда гап ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилининг мазмуни ҳақида бормаяпти, балки бу мазмунни тўғри ифодалаш шакли ҳақида бораяпти.

Бизнинг фикримизча, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили мазмунини давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши ёки тақсимланиши кўринишида эмас, балки давлат ҳокимияти ваколатларининг ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари ўртасида бўлиниши ёки тақсимланиши кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқ. Давлат ҳокимияти органларининг бу уч тармоғи ягона олий сиёсий иродани ягона давлат ҳокимияти таркибида уларга берилган ваколатлар орқали амалга оширади. Ҳокимиятнинг уч тури ёки тармоғи бўлмайди, балки давлат ҳокимияти ваколатларининг уч тури ва уларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органларининг уч тармоғи бўлади. Худди шундай, ҳокимиятларнинг ўзаро тенглиги ва бир-биридан тўла мустақиллиги тўғрисидаги ифода ўрнида давлат ҳокимияти органлари уч тармоғининг ўзаро тенглиги ва тўла мустақиллиги, ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиши ва қарама-қарши таъсир этиш тизими кўринишидаги ифода ўрнида давлат ҳокимияти органлари уч тармоғининг давлат ҳокимияти ваколатларини узурпация қилишдан ўзаро бир-бирини тийиб туриши ва қарама-қарши қўйилиши тизими кўринишидаги ифода ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ваколатларини амалга ошириш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг, яъни объектив-ижтимоий иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш жараёнининг таркибий қисмларидир. Давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари уч тармоғининг ягона ва бўлинмас давлат ҳокимиятига тааллуқлилиги ва ягона олий сиёсий иродани ижобий ҳуқуққа айлантириш ҳуқуқи давлат рамзлари воситасида ифодаланadi.

Давлат рамзлари, шу асосда, қонуннинг олийлиги ва давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлар уч тармоғининг уларга тегишли давлат ҳокимияти ваколатлари ҳажми жиҳатидан ўзаро тенглигини ифодалаб туради.

Учинчи белги. Жамият турли қисмлар, тоифалар, гуруҳлардан иборат бўлади. Ҳар бир жамият қисмининг, тоифа ва гуруҳларнинг бошқаларидан фарқ қиладиган иродаси бўлади. Лекин бутун жамият иродаси, унинг алоҳида бир қисми иродасидан устун бўлади. Давлат рамзлари халқ ва давлатнинг ана шу мақомини фуқароларнинг бошқа ташкилотлари мақомидан устиворлигини ифодалаб туради.

Давлат ижтимоий келишув, зиддиятларни юмшатиш ва олдини олиш дастагидир. Шу йўлда турли тоифа, қатлам, миллий, маданий, касб гуруҳларига бўлинган жамиятни бирлаштирувчи белги давлат рамзларидир. Давлат рамзлари жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун унга аъзолик белгисидир. Давлат рамзлари давлат ҳудудидаги устивор рамзлар сифатида давлат ҳокимиятининг суверенитети остидаги субъект ва объектларни кўрсатиб туради. Давлат ҳудудида яшовчи фуқаролар ҳамда ҳудудни ташкил қилувчи маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг бирлашуви ва муҳофаза қилиниши давлат рамзлари воситасида махсус усулда ифодаланади.

Тўртинчи белги. Давлат суверенитетини ва унинг рамзларини таъсис этган давлат ўз рамзларининг шаклини ишлаб чиқади ва ҳуқуқий мустаҳкамлайди. Давлат томонидан тан олинган ва ҳуқуқий тасдиқланган рамзларгина давлат рамзлари бўла олади. Давлат рамзларининг шакллари давлат томонидан ўрнатилади ва ҳар қандай тажовуздан кўриқланади. Давлат рамзлари мақомини мустаҳкамлаган ҳуқуқий меъёрлар давлат ҳокимияти иродасини ифодалайди ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланади. Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан жамиятда устувор бўлган рамзлар сифатида олий юридик кучга эга бўлган меъёрлар: конституция ва

конституциявий қонунлар, конституциявий одат қоидалари билан мустаҳкамланади.

Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан давлат суверенитети атрибутлари сифатида таъсис этилгандагина ўз вазифасини бажаради. Бошқа томондан, давлат ўзининг зарурий атрибутларини таъсис этиш орқали мустақил давлат мақомини ола билади. Бу алоқадорлик давлат билан давлат рамзларининг ҳуқуқ сингари бир вақтда пайдо бўлишини ва бири иккинчисисиз мавжуд бўлолмаслигини кўрсатади. Давлат рамзлари умумий ирода асосида давлат томонидан расмий тан олинган ва фойдаланиш тартиби қонун билан белгиланган рамзлардир.

Давлат рамзларининг қатор бошқа белгиларини ҳам санаб ўтиш мумкин: давлат рамзлари устувор иродани ифодалайди ва жамиятдаги бошқа рамзлардан устуворлиги таъминланади; давлат рамзлари маълум бир суверен давлатга тааллуқли бўлади, давлат томонидан таъсис этилади, мустаҳкамланади ва кўриқланади; давлат рамзларининг орқасида давлат ҳокимияти туради ва керак бўлган тақдирда давлат рамзлари мақомини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларга риоя қилишга мажбур қила олади; фуқароларнинг у ёки бу ташкилотларини ифодалайдиган рамзлардан фарқ қилиб, давлат рамзлари давлатнинг бутун ҳудудида умуммажбурий қўлланилиш тартибига эга; давлат рамзлари давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларни маъновий-кўринишли тартибга солувчи воситалардир.

Давлат рамзларининг ижтимоий вазифаси, умумий хосса ва белгилари улардан фойдаланишнинг умумий йўналишларини, давлат рамзлари функцияларини аниқлашга ёрдам беради. Давлат рамзлари функциялари давлат рамзлари хоссаларининг улардан фойдаланганда намоён бўлишидир. Сиёсатшунослар давлат рамзларининг номинатив, ахборот етказиш, коммуникатив, ривожлантирувчи, инсон тафаккурининг ирроционал қатламларига таъсир ўтказиш,

умумийликни белгилаш ва инсон онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш функцияларини асосий функциялар деб ҳисоблайдилар⁵⁶. Давлат рамзлари турли-туман ва кўп сонли хоссаларга эга бўлиши мумкин. Лекин давлат рамзларининг ижтимоий вазифасидан келиб чиқадиган, яъни давлат ҳудудида олий иродага эга субъект мақоми тўғрисида ахборот етказиш жараёнида намоён бўладиган хосса ва белгилари давлат рамзларининг асосий функцияларини аниқлашда муҳим саналади, - деб ҳисоблаймиз.

Шу асосда давлат рамзларининг асосий функцияларини қуйидагича белгилашни таклиф қиламиз.

Биринчи функция - давлат рамзлари давлат ҳудудида олий ирода субъекти мақоми тўғрисидаги ахборотни маъновий-кўринишли ифодалаш вазифасини бажаради.

Иккинчи функция - давлат рамзлари давлат суверенитети мазмунини умумлаштириш вазифасини бажаради. Давлат рамзлари давлат фаолиятининг олий иродадан келиб чиққанлиги ва унга тааллуқлилигини ҳуқуқий мустаҳкамланган тартибда ифодалайди.

Учинчи функция - давлат рамзлари давлат суверенитети тўғрисидаги тарқоқ ахборотни умумлаштирилган ва тартибга солинган ҳолда етказиш вазифасини бажаради. Давлат рамзлари олий иродани амалга ошириш механизм-жараёнларининг таркибий қисмларини тартибга солинган ҳолатда идрок қилинишини таъминлайди.

Тўртинчи функция – Давлат рамзлари давлат суверенитети остидаги субъект ва объектларни ажратиш турувчи ташқи белгилар вазифасини бажаради. Давлат рамзлари олий иродага эга субъектни ва олий иродани амалга ошириш механизми таркибий қисмларини бошқа ижтимоий бирликлар иродасидан ажралиб туришини ҳуқуқий мустаҳкамланган тартибда ифодалаб туради.

⁵⁶ Мисюрлов Д.А. Политика и символы. – М.,1999. –9-10 б.; Попов В.А. Символы власти и власть символов. – М., 1996. –С.12.

Бешинчи функция - давлат рамзлари фуқароларни жамиятнинг умумий иродасига ҳурмат руҳида тарбиялаш вазифасини бажаради.

Давлат рамзлари давлат мазмунининг аниқ маъновий-кўринишли белгиларда конкретлашиши, яъни жамиятда олий иродага эга субъект мақомининг конкрет давлат суверенитети институтлари шаклларида ифодаланишидир. Давлат рамзларининг алоҳида шаклларида мустақил давлат мазмунининг фақат маълум бир томони ифодаланиши мумкин, давлат суверенитети мазмуни тўлалигича ифодаланиши учун давлат суверенитети рамзларининг ягона умумийликка бирлашган тизими амал қилиб туради. Давлат рамзи деганда фақат бир шартли белгини, давлат рамзлари деганда давлат мазмунини ифодалайдиган бутун бир шартли белгилар тизимини тушуниш керак. Давлат рамзларини мустақил давлатни ифодалаш вазифаси бирлаштиради. Уларнинг мазмуни ва шакли, олий ирода субъекти мақоми тўғрисидаги ахборот етказилишини таъминловчи воситалар сифатида функциялари уйғун, бирини иккинчисидан ажратиш мумкин бўлмаган бутун бир рамзлар тизимини ташкил қилади.

Бу тизим таркибий қисмларини қуйидагича белгилаш мумкин.

1. **Давлат номи** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган олий этнонимик ва тапонимик ном институти шаклидаги давлат рамзи.

2. **Давлатнинг асосий қонуни ва қонунлар тўплами** – олий ирода субъекти мақомини устувор меъёрлар сифатида ифодалайдиган олий юридик ҳужжатлар институти шаклидаги давлат рамзи.

3. **Давлат ҳудуди** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган жойни ташкил этган ҳудуд институти шаклидаги давлат рамзи.

4. **Давлат бошлиғи** – олий ирода субъекти мақомини олий иродани ифодалайдиган олий мансабдор шахс лавозими (монарх, президент) институти шаклидаги давлат рамзи.

5. **Давлат пойтахти** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган сиёсий марказ – пойтахт-шаҳар институти шаклидаги давлат рамзи.

6. **Давлат тили** – олий ирода субъекти мақомининг расмий атамалар йиғиндисини ташкил қилган тил институти шаклидаги давлат рамзи.

7. **Давлат фуқаролиги** – олий ирода субъекти мақомини, унинг аъзолари, бутун жамият, халқни ифодалайдиган фуқаро институти шаклидаги давлат рамзи.

8. **Давлат пули** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган қиймат белгилари мажмуи – миллий валюта институти шаклидаги давлат рамзи.

9. **Давлатнинг миллий байрамлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган расмий маросим - умумхалқ байрами институти шаклидаги давлат рамзи.

10. **Давлат мукофотлари ва унвонлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган, унга хизмат қилишга қўшилган салмоқли хиссани ажратиб турадиган ажратиб турувчи белгилар институти шаклидаги давлат рамзи.

11. **Давлатнинг расмий рамзлари** – олий ирода субъекти мақомини ифодалайдиган махсус рамзий белги мазмунига эга давлатнинг расмий рамзлари (давлат байроғи, герби ва уларнинг мусиқавий эквиваленти давлат мадҳияси) институти шаклидаги давлат рамзи.

Алоҳида олинган бир шартли белги олий ирода субъекти мақомининг маълум жиҳатини ифодалаши мумкин, давлат рамзлари тизими эса унинг барча жиҳатлари тўғрисидаги ахборотни қамраб олади, бунда давлат рамзлари тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлмаса бу ташкилотнинг олий ирода субъекти мақомига эга эканлиги шубҳа туғдиради. Мустақил давлатни бу шартли белгиларсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, кенг маънода давлат рамзлари деганда - давлат худудидаги олий ирода тўғрисида умумий ахборотни инсон онги учун хиссий-образли ва маъновий-кўринишли шаклда етказадиган, мустақил давлат билан бирга унинг институт-атрибутилари сифатида таъсис

этиладиган, умумлаштирувчи, тартибга солувчи ва ажратиб турувчи шартли белгилар тизимини тушуниш мумкин. Шунингдек, давлат рамзлари фуқароларни суверенитетга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Давлат суверенитетини ифодалайдиган шартли белгилар тизимида давлатнинг расмий рамзлари – рамзий белгилар алоҳида ўрин тутди. Рамзий белгилар давлат суверенитети институт-атрибутларининг тасвирий-образлигини махсус кўргазмали усулда таъминлайди. Шунинг учун давлат рамзий белгиларини суверенитетни ифодалайдиган институт-атрибутлардан ажратиб бўлмайди. Давлат рамзлари тушунчасини расмий маънода таърифлаганда, уларни конституцияда мустаҳкамланган давлатнинг расмий рамзлари, рамзий белгилар – давлат байроғи, герби ва мадҳияси сифатида сифатида тушуниш лозим.

Расмий рамзларнинг давлат суверенитетини ифодалайдиган шартли белгилар тизимига кирувчи институт-атрибутлардан ажратиб турадиган алоҳида рамзий белги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, давлатнинг рамзий белгилари олий ирода субъектини ифодалашнинг идрок қилиниши қулай бўлган қонун билан тасдиқланган тасвирий воситалардан иборат махсус шаклидир. Рамзий белгилар давлат ва жамият иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисидаги умумий ахборотни умумтушунарли тасвирлар воситасида етказди. Рамзий белги тузилишини ташкил этган ҳар бир тасвирий-образли элемент ўзининг маъносига эга, бу маъноларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган умумий мазмун халқ ва давлат ҳокимияти иродасини ўқишга имкон беради.

Иккинчидан, давлатнинг рамзий белгилари халқаро амалиётдан келиб чиқадиган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган тасвирлардан иборат давлат эмблемалари (байроқ ва герб), уларнинг мусиқавий

эквиваленти (давлат мадҳияси), шунингдек алоҳида шакллари (давлат бошлиғининг рамзий байроғи - штандарти, давлат муҳри ва консуллик қалқонидан) иборат. Бу шакллар жамиятдаги олий ирода эгасини ифодалаш билан боғлиқ вазифаларни бажариш мақсадида қонунда белгиланган тартибда яратилган.

Учинчидан, давлатнинг рамзий белгилари тавсифи конституция ва махсус қонунлар билан тасдиқланади. Рамзий белгилар тавсифи – бу рамзий белги мазмунининг қонунда тасдиқланган ва махсус терминология асосида ишлаб чиқилган матн кўринишидир. Рамзий белги тавсифини қонун билан тасдиқлаш улар мазмунини ҳуқуқий мустаҳкамлашдан иборат рамзий белгиларни яратиш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир.

Тўртинчидан, давлатнинг рамзий белгилари ва улар тавсифини яратиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Давлатнинг рамзий белгиларини яратиш жараёни қонун ижодкорлиги фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ваколатли давлат органининг рамзий белгиларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. Рамзий белгилар мазмунида давлат иродаси ўз ифодасини топади. Шунинг учун рамзий белги ва унинг тавсифи тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш махсус юридик техникани талаб қилади. Лекин бу юридик техникани қонунчилик техникаси билан аралаштириб юбориш ярамайди. Рамзий белги халқ ва давлат ҳокимияти иродасининг нима қилиш мумкин ва нима қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулқ-атвор қоидалари мазмунидаги ифодаси эмас, балки унинг чизилган тасвирлар ва куйланган образлардаги ифодаси бўлиб, у кузатувчига халқ ва давлат ҳокимияти иродаси ва мақсадлари ҳақида умумий ахборот беради. Шунинг учун ҳам рамзий белги тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш усули меъерий-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш усулидан ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бешинчидан, давлатнинг рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Рамзий белгилардан олий иродани амалга ошириш жараёнларини расмий ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ва жойларда фойдаланилади ҳамда рамзий белгилар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича жавобгар субъектларнинг ваколатлари белгиланади.

Олтинчидан, рамзий белги таркибини ташкил этган тасвирлар халқнинг миллий-тарихий қадриятлари ҳисобланиб, одамларга яқин туради ва умумтушунарли бўлади. Ана шундай тасвирлар мазмуни орқали халқ ва давлат ҳокимияти иродаси ва мақсадларининг ифодаланиши фуқароларда бу ирода-мақсадларга нисбатан ҳурмат ва эътиқод руҳини шакллантиришга хизмат қилади. Рамзий белгилар ягона мақсад йўлида бутун халқни жипслаштириш, обод ва озод Ватан, фаровон жамият қуриш учун бутун халқни ортидан эргаштириш каби инсон онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Давлат рамзий белгиларининг юқорида санаб ўтилган хусусиятларини умумлаштириб, расмий маънода давлат рамзларини қуйидагича таърифлашимиз мумкин бўлади.

Давлат байроғи, герби ва мадҳияси давлат суверенитети мазмунини ифодаладиган давлатнинг расмий рамзлари бўлиб, улар барқарор, ҳуқуқий тасдиқланган тавсиф, қонун билан белгиланган яратилиш ва фойдаланиш тартибига эга. Давлат байроғи, герби ва мадҳияси миллий ва тарихий қадриятларга айланган тасвирий образлардан тузилган бўлиб, мазмунида мустақил давлат ва жамиятнинг иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисида умумий ахборот сақланади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, давлат рамзлари давлат билан бирга таъсис этилади. Давлат суверенитети мазмунини ифодаладиган ва

Ўзбек халқи ва давлат ҳокимиятининг суверенлигини белгилайдиган рамзлар Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бундан уч минг йил олдин шаклланган. Улар ўзбек халқининг олий иродаси рамзлари сифатида пайдо бўлди ва ўзбек миллий давлатчилигининг ажралмас белгиларига айланди. Бу белгилар ўзбек халқи ва давлатининг суверенитетини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзбек халқи давлатчилиги ва ҳуқуқининг ворисидир. Шунинг учун тарихда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пайдо бўлган ва ривожланган ҳамда ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ифодалайдиган давлатларнинг рамзларини ўзбек халқи давлатчилиги рамзлари ибораси билан номлаш мумкин. Ўзбек халқи давлатчилиги рамзлари бундан тахминан уч минг йил олдин Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги пайдо бўлган дастлабки мустақил давлатлар билан бирга таъсис этилган. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги қўлга киритилиб, давлат рамзларининг ҳуқуқий мустаҳкамланиши уч минг йил олдин пайдо бўлган мустақил давлат рамзларининг мазмунан тикланиши воқелигини ифодалайди.

Марказий Осиёда юз берган ва бутун қадимги шарқ мамлакатларига хос бўлган илк давлатчилик жараёнларини тадқиқ этиш давлат рамзларининг олий ирода субъектини ифодалашда нечоғли муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини тушунишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг махсус шакллари рамзий белгиларнинг келиб чиқиши, ҳуқуқий мустаҳкамланиши, ривожланиши ва улардан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш давлат рамзлари ҳуқуқий мақомини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Уруғ-жамоа тузуми даврида дунёнинг бошқа қисмларида бўлгани каби мамлакатимиз ҳудудида уруғ-қабилаларни бир-биридан ажратиб турувчи, уларнинг қабиладаги мавқеини белгилайдиган тотемлар шаклидаги уруғ ва қабила рамзлари мавжуд эди. Тотемлардан

дастлабки давлатлар худудида олий ирода субъектини ифодалайдиган давлат рамзлари келиб чиққан.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихининг қадимги давлари бўйича бош манба Авестода тасвирлаб берилган Семурғ⁵⁷ - Хумо қушининг образи Марказий Осиёда ташкил топган қадимги давлатларнинг тамғасида тасвирланган қанот қоқётган бургут тимсоли билан ҳамбарчас боғлиқдир.⁵⁸ Хумо қуши қадимги тамғаларда тасвирланган қудратли бургутнинг (бургут – жасурлик, ғалаба, улуғворлик ва ҳокимият, қудратли империя рамзи) иймон, адолат, олижаноблик, халқпарварлик каби эзгу қуш сифатларини олиши билан дунёга келган қудратли ва шу билан бирга адолатли давлат ҳокимиятини ифодалайдиган афсонавий давлат қушининг тасвиридир. Туркий халқлар орасида Семурғнинг Хумо, Анко, Давлат қуши, Бахт қуши, Муркамомо, Қунтубулғон, Булбулигўё ва бошқа номлари бор. Бу қуш туркий халқлар тафаккурида бахт ва озодлик қуши ҳисобланади.⁵⁹ Зардуштийлик матнларида Хумо-Семурғ ҳақида шундай афсона келтирилади: Олам марказида улкан олам тоғи бўлиб, ундан водийга икки дарё оқиб тушади. Бу ерда олам дарахти - Хумо ўсади. Хумо дарахтида оламда бор мавжудотларнинг уруғи тўпланади. Олам дарахтида қушлар подшоҳи, давлат қуши – Хумо уяси бўлиб, қушнинг қанот қоқишидан ҳаёт уруғлари бутун оламга нур бўлиб сочилади ва ҳаёт янгиланади.⁶⁰ Кўриниб турибдики, Хумо қуши эзгулик, бунёдкорлик, яратувчилик, ижобий ўзгаришлар, янги ва фаровон ҳаёт, ривожланиш ва таракқиёт, ҳокимият ва улуғворлик, тартиб ва барқарорлик рамзи бўлган.

⁵⁷ Қаранг. Сафарбоев М. Авестода давлат рамзлари // Авесто ворислари. – Урганч: Хоразм, 2001. –4-5 б.

⁵⁸ 1998 йили Қорақалпоғистон археолог олимлари Кердер қалъасидан IX асрга оид товоққа солинган рангли Хумо қушининг суратини топдилар. Суратда Хумо қуши қанотини ёйиб турибди.

⁵⁹ Сафарбоев М. Ўша жойда.

⁶⁰ Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума (Дадестан-и меног-и храд). Сотворение основы (Бундахишн) и другие тексты. Издание подготовлено О.М. Чунаковой. — М., 1997. – С.26.; Мифы народов мира. Том 1. –М., 1980. –С.562.

Хумо қадимги ва илк ўрта аср туркий халқлари эътиқодларида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Ўзбек халқи давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихининг илк ўрта асрлар даврини ўрганиш бўйича муҳим манба бўлиб ҳисобланган ўрхун-энасой битигтошларида Хумо қуши маъбуда Умой шаклида тасвирланган. У туркий халқлар ва давлатларнинг уч илоҳий ҳомийларидан (булар Тангри - осмон, Ер-сув – она ер ва Умой) бири, умумтуркий маъбуда саналган. Масалан, Тунюкукка бағишланган битигтошда «Тангри, Умой ва муқаддас Ер-сув, улар бизга ғалабани ҳадья қилдилар, деган сўзларни ўқиш мумкин.⁶¹

Қадимги ва илк ўрта аср туркий халқларнинг тасаввурларига кўра, маъбуда Умой афсонавий қуш бўлиб, унинг уяси осмонда жойлашган, у бош маъбуд Тангри - осмон топшириғи билан она-қуш қиёфасида ерга тушиб, яратувчилик билан шуғулланади, ободликни таъминлайди, одамларнинг хонадонларига қут ва барака келтиради, она ва болаларни ҳимоя қилади, мамлакатнинг фаровонлигига ҳомийлик қилади, деб ҳисобланилган.⁶² Унга эътиқод қилиниб, унинг шарафига дуолар ўқилган, байрам ва маросимлар уюштирилган.⁶³

Қадимги давлатларни ташкил қилган қабилалар уюшмаси таркиби турли уруғлардан иборат бўлганлиги учун уларни ифодалаган тотемлар ҳам ҳар хил эди. Ҳар бир уруғнинг ўз тотеми ва шу тотем сиймоси остида акс эттирилган маъбудди бор эди. Сиёсий ҳукмронликка эришган уруғлар тотеми давлат рамзлари сифатида давлат ҳокимияти томонидан ўрнатилган.

Бутун халқни, барча уруғларни давлат ҳокимияти остида бирлаштирган бош маъбудлар уларни акс эттирувчи тасвирий образлар ҳам ўрнатилган. Бош маъбуд Тангри⁶⁴ - осмон илоҳи, Хумо (Умой) -

⁶¹ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л. 1951. – С. 68.

⁶² Потапов Л.П. Умай – божество древних тюрков в свете этнографических данных // Тюркологический сборник. – М., 1973. – С.265-286.

⁶³ Инан А. Шаманизм тарихта сўм бігін. Уфа, 1998. - 55 бет.

⁶⁴ Тангри қадимги туркий халқларнинг тасаввурига кўра коинот асосчиси, осмон руҳи.

фаровонлик илоҳи, Ер-сув – она ер илоҳи ҳисобланган. Қул Тегин битигтошида⁶⁵ шундай мадҳия бор: «Юқорида кўк тангри пастда ер-сув вужудга келганда, иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган»⁶⁶.

Қадимги халқларнинг эътиқодларига кўра, Тангри дунёдаги ҳамма нарсани, жумладан инсонлар тақдирини ҳам бошқаради, у ерда халқни бошқариш учун хоқонларни ноиб қилиб юбориб, уларга ҳокимият беради, хоқонларга қарши айбли қилмиш қилганларни жазолайди, хоқонга давлатни бошқариш ва ҳарбий ишларда кўрсатма бериб, уларни ҳал қилади.⁶⁷ Бош маъбуд ҳомийлиги остидаги унинг «ердаги ноиби» ҳокимияти мақомининг ҳуқуқий мустаҳкамланганлигини Авестода ифодаланган тасаввурларда ҳам кўриш мумкин.⁶⁸

Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган илк давлатлар билан бирга уларнинг рамзлари ҳам таъсис этилди.

Европа мамлакатларидан фарқ қилиб, қадимги Шарқ мамлакатларида илк давлатларнинг пайдо бўлишида хусусий мулк, қулдорлик ҳужаликлари катта рол ўйнамаган. Бу ҳолат, Қадимги Шарқда индивидуализмдан жамоачиликнинг устун эканлиги билан боғлиқ эди.

Шарқда давлатлар жамоа мулки асосида шаклланган, жамоа танлаб олган ҳукмдор жамоа ер-мулкининг эгасига айланган. Бунда ер-мулк ҳукмдор шахсига эмас, балки ҳукмдор лавозимига тааллуқли бўлган. Бундай шароитда давлат мулкани умумлаштирувчи ва ажратиб турувчи расмий белгиларга эҳтиёж сезилган. Марказий Осиё халқлари давлат мулкани умумлаштирувчи белгиларни “тамға” деб аташган.

Турли қадимги муҳрлар, тангалар ва бошқа буюмларда ўз аксини топган тамғалар Ўзбекистонда қадимги давлатларнинг махсус ажратиб

⁶⁵ Қул Тегин битигтоши – бундан тахминан икки минг йил илгари Турк хоқонининг укаси турк кўшинларининг лашкарбошиси Қул Тегин шарафига Урхун қирғоқларида тошга битилган ёзувлар.

⁶⁶ Ўша жойда. –88 б.

⁶⁷ Тюркоязычных народов мифология // Мифы народов мира.Т.2. –М.,1982.– С.537.

⁶⁸ Бобоев Х., Ҳасанов С. «Авесто»да сиёсий-ҳуқуқий қарашлар // Давлат ва ҳуқуқ. 2000.2-сон.–48б.

турувчи белгилари бўлганлигини исботлайди.⁶⁹ Тамғаларнинг скифлар ва турк хоқонлигида ҳукмдор лавозими белгиси сифатида ҳуқуқий мустаҳкамланганлиги қадимги манбалардан маълум. Қадимги ва илк ўрта аср туркий халқлар тарихи манбаларида бургут тасвири давлат тамғасидаги тасвир сифатида изоҳланади. Масалан, Ирқ битигида бургут эмблемаси (тимсоли) давлат рамзи сифатида келтирилади, Қул Тегин битиги тошининг юқори қисмида қалқон лавҳа шаклидаги бургут тасвири туширилган,⁷⁰ бургут тасвири Бақтрия давлати тамғаларида ҳам мавжуд.

Тамғалар давлат байроғи, давлат муҳри, танга пуллари, давлат ёрликлари, давлат уловлари ва бошқа жойларда тасвирланиб, давлатга тегишлиликни англатган. Шунинг учун ҳам “тамға” атамаси туркий халқларда Давлат муҳри, Давлат ҳисобига ундириладиган солиқ, уловларга қўйилладиган тамға⁷¹ ва бошқа давлатга тегишлилик маъноларида қўлланилган. Тамға ёрдамида давлат ҳокимиятининг ягоналиги ва мустақиллиги расмий ифодаланган. Тамғалар, кейинчалик, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар давлати рамзий белгилари сифатида хизмат қилди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган қадимги ва илк ўрта аср давлатларининг байроғи ҳамда тамғалари ўзбек халқи аجدодлари эътиқод қилган илоҳий ҳомийлар (маъбудлар) ва тотемлар образларидан иборат бўлган. Шунингдек, жамият ва давлатнинг ҳомийлари ҳисобланган маъбудлар шарафига уларни мадҳ этувчи, байроқ ва тамғанинг мусиқавий эквиваленти вазифасини бажарган кўшиқ, мусиқа ва шеърлар пайдо бўлган. Бундай мадҳиялар байрамлар, маросимлар ёки қурбонлик келтириш тантаналарида

⁶⁹ Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. - Самарқанд, 1998.-36.

⁷⁰ Раҳмон Н. Кўрсатилган асар. -112-113 б.

⁷¹ Радлов В.В. Тамга // Опыт словаря тюркских наречий. Т.3. Ч.1. Спб., 1905.- С.1003-1004.

куйланиб, маъбудларга ва уларнинг ҳомийлиги остидаги жамият ва давлат иродасига, давлат бошлиғи ҳокимиятига бўлган ҳурматни намойиш этган. Марказий Осиёда илк мадҳиялар тахминан уч минг йил муқаддам Сак-искиф, Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна давлатларида бош маъбудлар Ахурамазда, Митра, Варуна, Тангри, Ер-сув ва Хумога (Умойга) бағишланган мадҳиялар ўқий бошланган. Масалан, маъбуд Митрага бағишланган мадҳияларнинг бирида унинг ҳамма нарсадан огоҳ эканлиги, сўзида турмайдиган, аҳдини бузганларни кўриб туриб уларни жазолаши мадҳ этилади: Спитамага (уруғ бошлиғи) берилган сўзга содиқ бўл, шартнома сўзлари иккала томон учун ҳам бирдир⁷².

Кейинчалик, қадимги мадҳиялар асосида диний эътиқодни ва давлат ҳокимиятини ифодалайдиган мадҳиялар ажралиб чиққан. Ўрта асрларда ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Оллоҳни улуғловчи оятлар тиловати билан бирга, “Оллоҳнинг ердаги сояси” ҳукмдор шарафига битилган мадҳиялар ҳам пайдо бўлди. Одатга кўра, маросимларда, мажлисларда, байрам кунлари ҳукмдорга бағишланган мадҳиялар ўқилган, йирик асарларнинг бош қисмида ҳукмдорни шарафлайдиган махсус мақтовлар битилган, давлат тамғаси, давлат ҳужжатлари, ёрликларида ҳукмдор унвонлари ва мартабаларини санаб, уни улуғлайдиган монограмма – “туғралар” битилган.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ҳудудида бошқа минтақаларда бўлгани каби давлат рамзлари давлатнинг таъсис белгиси сифатида илк давлатларнинг пайдо бўлиши жараёнининг ажралмас қисми бўлиб вужудга келган ва ҳуқуқий одатлар билан мустаҳкамланган.

Ўзбек халқининг уч минг йиллик давлатчилиги тарихида XIV аср буюклик даври бўлиб кирди. Темур ва Темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг энг юксак тажрибалари унинг қонунчилигида⁷³

⁷² Қаранг. Авесто: Избранные гимны / Пер. с авестийского И.М.Стеблин-Каменского. –Душанбе, 1990. –С. 112.

⁷³ Қаранг. Бобоев Ҳ. Политическая и правовая мысль Узбекистана в XIV-XV веках. Автореф. док. юрид. наук. –Т., 1993. –С22.; Бобоев Ҳ. Амир Темур ва Темурийлар даврида қонунчилик // Мулоқот. 1996. №3. –26-29 б.

мустаҳкамланиб, буюк давлат бунёд этилган эди. Темур давлати қонунчилиги Авесто, қадимги туркий тўра ва тузуклар, мусулмон ҳуқуқи, мўғулларнинг ясо ва юсунлари, кўчманчи ўзбек қабилаларининг юсунларида мавжуд бўлган тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган. Кўпгина муаллифлар Темур Тузукларини Темур давлатининг конституцияси сифатида эътироф этиш мумкинлигини қайд этадилар.⁷⁴

Ўзбек давлатчилиги тажрибаларининг ва маданиятининг ажралмас қисми сифатида пайдо бўлган давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатлари Темур давлатида юксак даражаларга кўтарилди. Давлатнинг қудрати, ҳудудий бирлиги, яхлитлиги ва дахлсизлиги масалалари Амир Темур фаолиятининг диққат марказида турган.⁷⁵

Амир Темур давлатни идора этишга катта эътибор берган. Чунки кучли давлат ҳокимияти тизимсиз мустаҳкам, бой, марказлашган давлатнинг мавжуд бўлишининг ўзи мумкин эмасди.⁷⁶ Амир Темур даврида давлатнинг ташкил этилиши ва идора этилиши минг йилликлар давомида шаклланган давлатчилик тажрибаларига асосан олиб борилди. Амир Темур давлатида давлат ҳокимиятини ифодалайдиган давлат рамзларидан ташқари давлат бошқаруви иерархиясини ҳамда давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликларини ифодалайдиган рамзлар ҳам қўлланилган.

Амир Темурнинг суверен ҳокимиятини ифодалаган давлат бошлиғининг рамзий байроғи ва тамғаси давлат ҳокимияти белгиси сифатида мамлакат ҳудудидаги олий ирода субъектини ифодалаш мақомига эга бўлиб, унинг қўлланилиши ҳуқуқий одатлар ва тузукларда ўз аксини топган меъёрлар билан белгиланган. Темур

⁷⁴ Одилқориев Ҳ.Т. Законотворческий процесс в Республике Узбекистан: вопросы теории и практики. Автореф. дисс. док. юрид. наук. –Т., 1993. –С.22; Муқимов З. Кўрсатилган асар. –174-б.

⁷⁵ Таджиханов У.Т. Закон. Человек. Государство. -Т., 1997. -С. 151-157.

⁷⁶ Туляганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи (Темур тузуклари асосида) Юрид. ф.н.дисс. Т., 1996.

давлати унгача Ўзбекистон худудида ривожланган давлатчиликнинг вориси сифатида қадимги ва ўрта аср давлатларининг тажрибаларини, жумладан байроқ ҳамда тамгалардан фойдаланиш тажрибаларини ўзлаштирди ва ривожлантирди.

Амир Темур тамғаси – бир-бирига туташган уч халқа тасвири Амир Темур ва Темурийлар давлатининг тўқ хаворанг давлат байроғида туширилганлиги айрим илмий рисоаларда қайд қилинади.⁷⁷ Бу тасвирнинг давлат байроғи эмблемасига туширилиши Темур давлатининг ер юзидаги уч иқлим, яъни Шимол, Жануб ва Ғарб худудларини ўз суверенитети остига олган давлат эканлигини ифодалар эди. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишига қараганда, Амир Темур буйруғи билан бу тасвир унинг давлатида зарб қилинган тангаларда, давлат муҳрларида ва, умуман, давлат бошлиғининг фармонлари билан тайёрланган барча буюмларда туширилган. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг фондида сақланаётган кўпгина археологик топилмалар уч халқа тасвири Амир Темур ва Темурийлар давлатининг давлат байроғи ва тамғасининг асосий элементи бўлганлигини исботлайди.⁷⁸ Араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг маълумот беришича, Темур давлати тамғаси эмблемасида уч халқадан ташқари “рости русти” – “куч адолатда” ибораси ҳам ёзилган. Бу ибора Амир Темур даврида давлат шиори эди. Амир Темур ўзининг улкан салтанатини Мавороуннаҳрдан бошқа яна тўрт улусга бўлиб идора қилди. Мавороуннаҳр ва улуслар ўз ўрнида вилоятларга, вилоятлар эса туманларга, туманларни ҳам ундан кичикроқ худудий бирликларга бўлиб бошқарди. Амир Темур давлатининг худудий бўлиниши унинг қўшини тузилишига ва давлат

⁷⁷ Қаранг. Азимов Э., Ашрафхужаев Ф. Амир Темур давлатининг рамзлари// Тафаккур. Т., 1996. 3-сон. 42-43 б.; Махмудов К. Ўша асар. – 21-б..

⁷⁸ Қаранг. Алимов У. Амир Темур давлати рамзлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 й. 27-сент.

бошқарувининг вертикал тизимига мос равишда ўзига хос тузилишга эга эди.

Биз Амир Темур давлат бошқаруви аппаратида уч бошқармани ажратган бўлардик: 1. Ҳуқуқ-тартибот бошқармаси; 2. Ҳарбий-маъмурий бошқарма; 3. Хўжалик-молиявий ишлар бошқармаси. Бу уч бошқарма таркибини фикхшунос олимлар, ҳарбийлар ва сипоҳийлар (давлат хизматчилари) тоифасидан чиққан мансабдорлар ташкил қилган. Ҳар бир бошқарма идора ва амалдорлар иерархиясидан иборат бўлиб, улар орасида ҳарбий-маъмурий бошқарма таркибини ташкил қилган мансабдорлар – амирлар алоҳида нуфузга эга эди. Бу иерархияни қуйидагича белгилаш мумкин: амир ул-умаро, бекларбеги, 12 даража амирлари, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар. Салтанат саройида ўтириш ва ўрин олиш тузугининг биринчи бандига мувофиқ, кенгашларда бу бошқарманинг мансабдорлари ўз мартабаларига яраша давлат бошлиғининг чап томонидан ўрин олганлар.⁷⁹ Улуслар, қушинлар ва туманларнинг амирлари маъмурияти тузугида белгиланишича, давлат ҳокимиятининг ҳарбий-маъмурий бошқармаси мансабларини Темур давлатида мавжуд қирқ аймақдан тамғага эга (давлат бошқаруви мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга) бўлган фақат ўн икки аймақ зодагонлари эгаллашлари мумкин эди, қолган аймақлар улуслар бошқарувидан ўрин олган.⁸⁰

Амирлик ва ҳукмдорлик тузугининг бешинчи қисмига биноан, биринчи даража амирига минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқи, иккинчи даража амирига икки минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқи, учинчи даража амирига уч минг, тўртинчисига тўрт минг, бешинчисига беш минг ва шу тартибда ўн иккинчи даража амиригача кўпайтириб бориб, олти мингдан ўн икки минггача аскарга буйруқ бериш ҳуқуқи мустаҳкамланади.

⁷⁹ Темур Тузуклари / форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Т.,1991. - 90-91-б.

⁸⁰ Ўша жойда. -86-б.

Амирлик тартибига қараб, ҳарбий-маъмурий бошқарма мансабдорлари бири иккинчисига ноиб этилади. Масалан, биринчи амирни иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирни учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амирни ўн иккинчи амирнинг ноиби қилиб белгиланади. Ўн иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби бўлади. Амир ул-умаро эса давлат бошлиғининг ноиби ҳисобланади. Қайси бир амирга бирор кор-ҳол бўлса, ўрнига ноиби ўтиради.⁸¹

Мансабнинг ҳуқуқий мақомини ҳокимлик белгиси - учига одатда от думи боғланган лавозим даражасининг белгиси – туғ⁸² ифодалашини тузуқлар билан мустаҳкамланади. Мансаб бўйича кўтарилиш ва маълум бир ҳудудий тузилмага ҳоким бўлишининг асосий шартини давлат олдида ҳарбий хизмат қилиш ва мансаб туғига эришиш эди.

Амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш тузугининг биринчи қисмида амр қилинадикки, давлат хизматчилари давлат олдидаги хизмати учун уч нарса билан тақдирлансин: биринчиси, фахрли китоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар; иккинчиси, уни давлат ва салтанат шериги билиб, кенгаш мажлисларига киргизсинлар; учинчиси, унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар.⁸³

Шунингдек, Катта ноғора ва байроқ ато этиш тузугининг иккинчи қисмига биноан, ўн икки амирдан қайси бири душман фавжини синдирса ёки ғаним қўли остидаги бирон мамлакатни фатҳ этса, уни тақдирлаб биринчи даражали амир бўлса, иккинчи даражали, иккинчи даражали бўлса, учинчи даражали, учинчи бўлса, тўртинчи даражали амир мартабасини берсинлар. Шу тартибда ўн биринчи даражали амиргача давом эттирсинлар. Агар ўн биринчи даражали амир бўлса, уни ўн иккинчи даражали амир қилиб, байроқ, туғ ва ноғора берсинлар.

⁸¹ Ўша жойда. – 78 б.

⁸² Радлов В.В. Туг // Опыт словаря тюркских наречий. Т.3, Ч.2. - Спб., 1905. - С.1429

⁸³ Темур Тузуқлари. –80-81б.

Шу йусунда биринчи даража амирига бир туғ, иккинчи даража амирига иккита, учинчисига учта, тўртинчисига тўртта туғ ва ноғора бериб, уларни тумонтуғи ва чортуғ олиш мартабасига (амирул-умаро лавозимигача) етказиб рағбатлантирсинлар.⁸⁴ Кўриниб турибдики, мансаб даражаси туғлари фақат ҳокимлик белгиси бўлиб қолмасдан, шу билан бирга давлат олдидаги хизматлари учун бериладиган давлат мукофоти ва унвони белгиси вазифасини ҳам бажарган. Ғарбий Европада шаклланган орден ва медалларга ўхшаб, мансаб туғлари шахсни давлат олдидаги хизматлари учун ажратиб турувчи белги ролини ўйнаган. Туғлардан ташқари шахснинг лавозим даражасини махсус мукофот сифатида тақдим қилинадиган белбоғлар ҳам ифодалаб турган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошида турган Амир Темурнинг шахсий тамғали байроғи суверен давлат ҳокимияти иродасини ифодаладиган давлат байроғи эди. Амир Темур қўшинида бу байроқ бошқа туғларга нисбатан баланд кўтарилиб, узоқ-узоқлардан кўриниб турган. Байроқнинг қулаши мағлубият билан баробар саналган, душманнинг давлат байроғини қўлга киритиш ғалаба билан баробар бўлган. Шу билан бирга, ҳар бир маъмурий-худудий бирликнинг ўз байроғи бўлиб, бу байроқ ана шу маъмурий-худудий бирликдан тузилган қўшин таркибий тузилмаларини ҳам ифодалаган. Ҳар бир туман жангчилари ўз туманлари байроғи рангида ҳарбий анжомлар кийган.⁸⁵

Давлат байроғи Амир Темурнинг суверен иродаси рамзи сифатида у тузган армиянинг барча қисмларида кўтарилиб юриларди ва шунга мос тартибда давлатнинг бутун худудида, барча маъмурий-худудий бирликларда давлат байроғи ўрнатилган, вилоят ва туман ҳокимлари давлат байроғини сақлаши лозим бўлган.

⁸⁴ Ўша жойда. –83б.

⁸⁵ Азимов Э, Ашрафхужаев Ф. Кўрсатилган асар. – 44-46б.

Давлат байроғи ва мансаб туғлари инъом қилиниши тартибининг давлат ҳокимияти иродаси асосида белгиланиши ва амалга оширилиши ҳам давлат бошлиғи ҳокимиятининг олий мақомини ифодалаб турган. Катта ноғора ва байроқ ато этиш тузугининг биринчи қисмида амр қилинадики, «ўн икки амирнинг ҳар бирига битта байроқ (аълам) ва бир ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, тумон-туғи ва чортуғ⁸⁶ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Тўрт бекларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берсинлар».⁸⁷

Амир Темур даврида давлат байроғи ва тамғасининг муסיқавий эквиваленти давлат мадҳияси «Аллоёр» деб номланиб⁸⁸, у Оллоҳ ёр бўлсин, ҳар ишда тангри таоло мададкор бўлсин, деган маънони билдирган. Давлат мадҳияси ҳарбий юришлардан олдин ижро этилган.

Амир Темур даврида шаклланган давлат байроғи ва гербидан фойдаланиш тажрибаси унинг ворислари бўлган ўзбек давлатларига мерос қолди. Амир Темур даврида мавжуд бўлган тизимни биз кейинги даврда ўзбек халқи давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихига тааллуқли маълумотлар ва ҳужжатларда кўплаб учратишимиз мумкин. Амир Темурнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил қилишда рамзлардан фойдаланиш тажрибаси, айниқса, бугун суверен ўзбек давлатчилиги анъаналари тикланиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Россия империясининг Марказий Осиёни босиб олиши натижасида ўзбек халқи ўзининг олий ирода субъекти мақомидан маҳрум бўлди. Давлат суверенитети билан бирга давлат рамзлари ҳам ўз мазмунини йўқотди. Давлат рамзлари ўрнида мустамлака рамзлари Россия империясининг давлат суверенитети остидаги ҳудудий бирлик белгилари сифатида ўрнатилди.

⁸⁶ Амир Темур давлатида маъмурий-худудий бирлик рамзи шакллари.

⁸⁷ Темур Тузуклари. –82-б.

⁸⁸ Азимов Э, Ашрафхўжаев Ф. Кўрсатилган асар. –44б.

1867 йил Ўзбекистон худудида шаклланган мустанлакачи Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомни эълон қилди, 1868 йил Бухоро амирлиги, 1873 йил Хива хонлиги билан тенгсиз шартномалар тузилди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек давлатлари худуди ва халқининг мустанлака сифатидаги мақомини белгилади. Шу мақомни ифодалайдиган мустанлака рамзлари эълон қилиниб, генерал-губернаторлик герби - асосий қалқонда Россия империяси рамзи икки бошли бургут тасвири, атрофида Россиянинг Марказий Осиёдаги мустанлакалари рамзи тўққиз кичик қалқондан ва Россия императори тожи билан безатилган герб ҳуқуқий тасдиқланди.⁸⁹

1917 йил Россия империяси вориси янги мустанлакачи давлат РСФСР ўзини давлат рамзлари ва маъмурий-худудий бирликларининг рамзларини жорий этди, Ўзбекистон рамзларининг шакли ўзгарди, лекин ҳуқуқий мақоми ўзгармади. Тоталитар коммунистик мафкура ниқоби остида ўзбек халқининг мустанқиллик ва озодликка бўлган интилишларини сўндириш сиёсати ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам мафкуравий воситалар ёрдамида изчиллик билан олиб борилди. Ўша вақтдаги Ўзбекистон рамзлари расман давлат суверенитети рамзлари сифатида қонунда белгиланган бўлса-да, амалда давлат суверенитети мазмунига эга эмас эди.

РСФСР давлат байроғи эмблемаси сифатида 1918 йил 8-апрел Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси мажлисида расмий эълон қилинган қизил байроқ Ўзбекистон ССР ни ифодалайдиган эмблемаларнинг асосий элементи бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустанқиллигининг қўлга киритилиши натижасида ўзбек халқини олий ирода субъекти сифатидаги мақоми тикланди. Давлат суверенитети билан бирга уни ифодалайдиган давлат

⁸⁹ Герб // Большая энциклопедия. –Спб., 1809. –С.489.

рамзлари ҳам тикланди. Давлат рамзларининг шакллари ҳуқуқий мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги қўлга киритилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаган қонун ҳужжатлари: «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Олий Кенгаш баёноти ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги Олий Кенгаш Қарори давлат мустақиллиги рамзларининг ҳуқуқий асосларини ҳам белгилади.⁹⁰ Таъсис этилган давлат суверенитети рамзлари Ўзбекистон Республикасининг тўлақонли ҳуқуқ ва мустақилликка эга давлат сифатидаги мақомини ифодалади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети рамзи – Давлат номи тикланди, унинг шакли ҳуқуқий тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий Қонуннинг 16-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди», - деб мустаҳкамланди. Зеро, «ҳар бир инсоннинг бошқаларидан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исми-шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас ташқи белгиларидандир».⁹¹

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий дахлсизлиги тикланди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий Қонуннинг 4-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», - деб эълон қилинди. 448,9 км. кв. ер майдонини ташкил қилган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди давлат ҳудуди мақомини олди.

⁹⁰Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1991. №11.-245-м.; Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўша жойда. - 246-м.

⁹¹ Саидов А.Х. Давлат рамзларига ҳурмат - мукаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. 1-сон. - 11-б.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг белгисидир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунлари устунлиги ҳуқуқий мустаҳкамланди. Мазкур ҳужжат, - дунё сиёсий ҳаритасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги фактини ақс эттиради. Конституцияда давлат қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги кўзгудагидек ақс этиб турибди.⁹²

Ўзбекистон Республикасида халқ ва давлат иродасининг бирлиги ҳамда устунлигини ифодаладиган олий мансабдор шахс - давлат бошлиғи лавозимини тикланиши давлат мустақиллигининг муҳим белгиси эди. 1990 йил 24-мартда Ўзбекистоннинг давлат бошлиғи лавозимини таъсис этиш тўғрисида қонун қабул қилинди. 1991 йил 1-ноябрда Республиканинг ўша вақтдаги конституцияси Президент ҳақидаги янги, 12-боб билан тўлдирилди. У раҳбарликнинг шунчаки кўринишларидан бири ҳисобланмай, моҳияти ва йўналиши жиҳатидан катта маънони ва мақсадни аниқларди. Зеро, у мустақилликка ва озодликка даъват этган омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетига эришган кун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ифодаладиган белги сифатида таъсис бўлди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қарорининг иккинчи қисмига мувофиқ, «1-сентябр Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни деб белгилансин ва 1991

⁹² Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. –Т., 1994. –6-б.

йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин», - деб мустақамланади.

Тошкент шаҳри мустақил Ўзбекистон Республикаси пойтахти мақомига эга бўлди ва давлат суверенитетини ифодалайдиган муҳим белгига айланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг эълон қилиниши суверен давлат фуқаролигининг тикланиши ҳолати билан боғлиқ эди. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий Қонунининг 15-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги жорий этилади».

Ўзбек миллатининг она тили – ўзбек тили давлат тили мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги Конституциявий Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси ўз давлат тилини белгилайди».

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси таъсис этилди. Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий Қонуннинг 11-моддасида мустақамландики, «Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги – миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида” ги Фармониға биноан 1994 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – “Сўм” муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳияси давлат мустақиллигини ифодалаш мақсадида ишлаб чиқилган суверенитетнинг муҳим белгиларидир. Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ўрнатилиши «Ўзбекистон Республикаси давлат

мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 16-моддаси билан ҳуқуқий мустаҳкамланди: «Ўзбекистон Республикаси ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади». «Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш – ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир», деб ёзади И.А.Каримов.⁹³

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши кўп йиллар давомида тайёрланиб борилган ва тасодифий бўлмаган воқелик эканлигини расмий давлат рамзлари шакллариининг таёрланиши жараёни ҳам кўрсатиб туради.⁹⁴

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёни икки ярим йилдан кўпроқ муддатни ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир неча босқичларни ўз ичига олган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқишга тайёргарлик босқичи амалга оширилди. 1990 йил 30 мартда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги, 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон давлат байроғи ва давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги парламент қарорлари эълон қилинди.

Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан конституциявий комиссия тузилиб, комиссия эксперт гуруҳининг таркиби таниқли олимлар: Ўзбекистон Фанлар академияси президенти М.С.Салоҳиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қ.Қодиров,

⁹³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1993. –81-б.

⁹⁴ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг яратилиши тўғрисида. Ўразаев Ш.З. Кўрсатилган асар. 43-44 б.; Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. -Т.,1994. –185-191 б.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А.А.Асқаров, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б.А.Ахмедовлардан иборат эди.⁹⁵ Давлат байроғи ва герби эмблемалари чизмаларига оид таклифларни тайёрлаш учун рассомлар, санъатшунослар Б.Жалолов, Р.Ахмедов, Ж.Умарбеков, Н.Ахмедова, шунингдек, республика конституциявий комиссияси аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислардан иборат Олий Кенгашнинг махсус комиссияси тузилди.

Давлат мадҳиясини қабул қилиш бўйича тузилган эксперт комиссия таркибига таниқли муסיқашунослар, бастакорлар ва бошқа мутахассислар: Ўзбекистон Республикасининг таниқли артистлари, давлат мукофотларининг лауреатлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари И.Акбаров, Р.Абдуллаев, С.Жалил, М.Бурхонов, У.Мусаев, Б.Умиджоновлар кирдилар.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари ва уларнинг муסיқавий эквивалентини ишлаб чиқиш бўйича танлов босқичи амалга оширилди. Тайёргарлик ишлари 1991 йил 11 февралда бошлаб юборилган бўлса, июн ойидаёқ давлат байроғи ва герби лойиҳасига дастлабки танлов эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган комиссиялар байроқ ва герб эмблемаси ҳамда энг яхши мадҳия матни учун танлов эълон қилди ва бу ишга мутахассислар билан бирга кенг жамоатчилик жалб қилинди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳияси лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси босқичи амалга оширилди. Бу босқичда фуқаролар ва мутахассислар томонидан таклиф этилган давлат байроғи ва герби эмблемаларининг вариантлари, мадҳия матни ҳамда муסיқаси матбуотда ёритилиб умумхалқ муҳокамасига

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари эксперт гуруҳининг таркиби // Совет Ўзбекистони. – Т. 1991.14-май.

кўйилди. Давлат эмблемаларини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия муҳокама давомида барча вилоятлардан кўплаб мактублар, хилма-хил лойиҳалар, таклиф ва истаклар битилган хатлар олди. Муҳокамада турли касб эгалари, ёшу-қари фаол иштирок этишди. Давлат байроғи ва тамғаси лойиҳаларини ишлаб чиқишда Б.Жалолов, Т.Комилов, С.Қурбонов, И.Сатторов, А.Сатников, Б.Нишонов каби мутахассислар ва ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамаси натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида умумлаштирилиши босқичи амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари танловининг дастлабки олти ой ичида эришган натижалари 1991 йил 31 августда иш бошлаган парламент олтинчи сессиясида кўриб чиқилди. Лекин тақдим этилган давлат байроғи эмблемаси лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги парламент қарорини қабул қилишда қатнашган кўпчилик депутатларни қониқтирмади⁹⁶ ва ижодий изланишлар давом эттирилди. Сессиядан кейин ҳам махсус комиссия кўриб чиққан давлат байроғи лойиҳасининг муқобил намуналари ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб (200 дан ортиқ), бу борадаги баҳсларнинг охири кўринмайдиганга ўхшади. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилган фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмита раиси ўринбосари П.Қодиров бу ҳолатни қўмита аъзоларининг демократик иш услубини соддароқ тушунганликлари билан боғлайди.⁹⁷ Шунда, Президент И.А.Каримов умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифларнинг асосий ғояларини мужассамлаштириб, давлат байроғидаги учта асосий рангларни – мовий, оқ ва яшил йўл-йўлларни

⁹⁶ Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига оид қонун лойиҳаси ҳақида маъруза // Халқ сўзи. 1991. -19 ноябр

⁹⁷ Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тарихий аҳамияти // Миллатлараро ҳамжиҳатлик барқарорлик омили. - Т., 1999. -49-б.

ўз қўли билан чизиб комиссияга тақдим этди. Президентнинг ушбу ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини қабул қилишда асос вазифасини бажарди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти еттинчи сессиясида Ўзбекистон давлат рамзларининг вариантлари қандай тайёрланаётганлиги тўғрисида конституциявий комиссия эксперт гуруҳининг раҳбари М.С.Салоҳиддинов ахборот берди. Шундай кейин танловда ғолиб деб топилган давлат байроғи лойиҳасининг уч варианты парламент муҳокамасига қўйилди. Қизғин муҳокамалардан сўнг уларнинг иккинчиси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди ва рўзномаларда эълон қилинди.⁹⁸ Янги лойиҳада уч рангдан иборат байроқнинг юқоридаги мовий рангли йўлида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири киритилди. Шу билан бир вақтда сессияда конституциявий комиссиянинг эксперт гуруҳига давлат герби эмблемаси лойиҳаларини тайёрлаш ишларини давом эттириш топширилади. Сессиядан кейин эксперт гуруҳи давлат герби лойиҳаси бўйича тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, улар асосида герб лойиҳасининг учта вариантини матбуотда эълон қилади.

Эълон қилинган давлат герби эмблемасининг биринчи ва иккинчи вариантлари асосчилари бош тасвир сифатида Хумо қуши тасвирини танлайдилар. Шунга қадар, Хумо қушининг тасвири Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳрида мавжуд эди. Хумо қуши билан боғланган халқ оғзаки ижодиёти мавзуси: унинг давлат қуши, бахт келтирувчи қуш, унинг олижаноблик ва фидокорлик рамзи эканлиги⁹⁹ бу тасвирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим далил бўлди. Бунинг устига лойиҳа рассоми қушнинг қанотини баланд кўтариб турган пайтини тасвирлайдики, гуёки давлат қуши Ўзбекистонни ундаги тоғлар, адрлар, водийлар, боғлар билан бирга қучоқлаб тургандек кўриниш беради.

Давлат герби эмблемаси учинчи вариантининг бош тасвири, лойиҳа асосчилари сўзи билан айтганда, миллатни гуллаб-яшнатувчи

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари ҳақида // Халқ сўзи. 1991. 2-ноябр.

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. - 47-б.

мустақиллик рамзи олтин қуёш келтираётган шер тасвирига эга эди. Бу эмблеманинг марказий қисмида мамлакат тинчлиги рамзи – мовий рангда мусулмон дунёсига мансублик рамзи ярим ой, юқори қисмида кизил рангда зарҳал тусда ёзилган “Ўзбекистон Республикаси” ёзуви ва саккиз қиррали мусамман тасвири, пастида Ўзбекистон заминида етиштириладиган неъматлар тасвирлари туширилган эди.

Дастлабки танлов эълон қилинган кундан тўққиз ой ўтгач эксперт комиссия ишлаб чиқилган давлат герби эмблемаси лойиҳасининг асосий икки вариантини матбуотда эълон қилиб, уларни халқ муҳокамасига қўйди. Олий Кенгашнинг январ ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Хумо тасвирланган лойиҳа кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Давлат герби учун асос қилиб олинди. Шу билан бирга сессия пайтида, ундан кейин келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди. Уни такомиллаштириш учун аниқ таклифлар киритилди. Шу таклифлар асосида аввалги лойиҳада Хумо боши эгик ҳолда тасвирлангани ўзгартирилиб, Хумонинг дадил кўтарилган боши ва гавҳардай порлаб турган кўзлари янги лойиҳада ўз ифодасини топди. Аввалги лойиҳада Бахт қушининг атрофи ҳувиллаган уйдаи очик қолдирилгани нуқсон деб тан олинади ва бу нуқсонни бартараф этишда Ўзбекистоннинг аввалги давлат герби тасвирларидан ва танловга келган бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб топилади. Ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятни ифодалайдиган, шунингдек, Ўзбекистондаи ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб турадиган Қуёш тасвири ва ризқ-рўзимиз бўлмиш Ғалланинг ҳамда асосий бойлигимиз Пахтанинг тимсоли¹⁰⁰ киритилади.

Шу таклифлар асосида, 2-апрел 1992 йил кўпгина рўзномаларда Давлат гербининг Хумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳаси эълон

¹⁰⁰ Ўша жойда.

қилинади. Дастлабки танловда иштирок этган учинчи лойиҳа элементларидан бири собитлик ва барқарорликни ифодалайдиган¹⁰¹ Саккиз қиррали мусамман тасвири ҳам янги лойиҳаларнинг юқорисига туширилди. Саккиз қиррали мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлганлиги учун ҳам янги танловга лойиҳанинг икки варианты қўйилади. Биринчи вариантнинг иккинчисидан фарқи шунда эдики, уларнинг бирида ой ва юлдуз тасвири туширилди.¹⁰²

Шу вариантлар 1992 йил 2-апрелда матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган кундан 2-июл куни Республика парламентининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлагунга қадар уч ой давомида Олий Кенгашга барча вилоятлардан 543 мактуб, 6 телеграмма келган. Уларнинг ҳаммаси ўрганилганда, давлат герби эмблемасининг ой ва юлдузлик биринчи вариантга 168 минг 938 киши тарафдор эканлиги, иккинчи вариантни эса 9642 киши қўллаб-қувватлагани маълум бўлади, яъни мактуб йўллаганларнинг 90 фоизидан ортиғи муҳокамага қўйилган давлат герби эмблемаси лойиҳаларининг биринчи вариантни маъқуллаганлари аниқланади.¹⁰³ Парламент кўпчилик овоз билан биринчи вариантни Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси сифатида тасдиқлайди.

1991 йил 30 сентябр куни давлат байроғининг эмблемаси парламент Қарори билан қабул қилинади.¹⁰⁴ 1991 йил 18-ноябр куни парламент томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги, 1992 йил 2-июл куни «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинади.

Ўзбекистон парламентининг 1992 йил 8-декабрда бўлиб ўтган 11-сессиясида давлат мадҳияси матни ва мусиқаси масаласи кун тартибига

¹⁰¹ Ўша жойда

¹⁰² Қаранг. Халқ сўзи. 1992. 2-апрел.

¹⁰³ Қодиров П. Ўзбекистон Республикасининг янги давлат герби ҳақида // Халқ сўзи. 1992. -2-май

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 1-модда.

кўйилади. Қизгин мунозаралар ва баҳслар натижасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзи, таниқли бастакор Мутал Бурхонов мусиқаси билан айтиладиган кўшиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси сифатида танлаб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси уч минг йиллик ўзбек халқи давлатчилиги вориси сифатида ўзининг рамзларини тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг яратилиши жараёни улар мазмунида жамият ва давлат иродасининг ифодаланишини таъминлади.

2-боб. Давлат рамзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари

2.1. Давлат рамзларини тайёрлашнинг гералдика қоидалари

Давлат рамзларини давлат-ҳуқуқий воқелик сифатида моҳиятини таҳлил қилаётиб, биринчидан, ҳуқуқий меъёрлар мазмунида ифодаланадиган жамиятнинг давлат иродаси субъекти давлат рамзлари воситасида белгиланади деган тўхтамга келдик; иккинчидан, давлатнинг рамзий белгилари хусусиятларини ўрганиб, рамзий белгиларнинг тасвирлардан иборат мазмунида жамиятнинг давлат иродаси, мақсад ва интилишлари махсус тасвирий усулда ифодаланиши ва уни талқин қилувчига етказилиши тўғрисида мулоҳаза юритдик; учинчидан, давлат рамзий белгиларини яратиш қонунчилик фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, у қонун чиқарувчи органнинг рамзий белгиларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолияти эканлигини қайд этиб ўтдик. Бундай хулосаларимиз бизни янги бир масалани – давлатнинг рамзий белгиларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган усул, тартиб, терминология ва конструкция ўз табиатига кўра давлатнинг иродаси ифодаланган ҳуқуқий кўрсатмаларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган

юримдик техника вазифасини бажариши масаласини тахлил қилишимизни тақозо этади.

Давлатнинг рамзий белгилари ҳамда улар тавсифи шундай ишлаб чиқилиши керакки, халқ ва давлат иродаси ҳамда мақсади тўғрисидаги умумий ахборотни тўғри талқин қилиш воситасига айлансин. Бу масала бизнинг фикримизча, бир неча таркибий қисмларни ўз ичига олади: биринчидан, давлат рамзий белгиси мазмунида жамиятнинг давлат иродасини ифодалаш усулининг пайдо бўлиши масаласи; иккинчидан, давлат рамзий белгилари ва улар тавсифини ишлаб чиқиш тартиби, қоидалари ҳамда жамиятнинг давлат иродаси ва мақсадини рамзий белгилар мазмунида ифодалаш усулининг махсус терминология ва конструкцияси асослари масаласи; учинчидан, давлат рамзий белгилари мазмунини ишлаб чиқишда қўлланиладиган махсус юримдик техниканинг рамзий белгини талқин қилиш жараёнида фуқаролар онгига ҳиссий таъсир этиш хусусияти масаласи.

Шундай қилиб, аввал, давлатнинг рамзий белгилари ва улар мазмунида давлат иродасини ифодалаш усулининг пайдо бўлишини ўрганамиз.

Давлат рамзий белгиларининг пайдо бўлиши гералдика¹⁰⁵ соҳасининг айрим мутахассислари¹⁰⁶ Европада XI асрда шаклланган ва халқаро амалиётга айланган рамзий белги шакллари ишлаб чиқиш қоидаларининг вужудга келиши билан боғлайдилар. Улар байроқ ва гербларни гералдика қоидаларига қай даражада риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилганлигидан келиб чиқиб баҳолайдилар. Бунда давлат эмблемаси соф гералдик тушунча – ўз мазмунида маълум бир воқеа тўғрисидаги ахборотни сақлайдиган тасвирлар мажмуасини гералдика қоидалари асосида жойлаштириш сифатида қабул қилиниб, унинг ҳуқуқий воқелик эканлиги, яъни олий ирода эгасини ифодалаш учун давлат томонидан ўрнатилганлиги ҳисобга олинмайди. Гералдика

¹⁰⁵ Груздов Е.В. Геральдика за семиотикой и символогией // Культурологические исследования в Сибири. – Омск, 2000. №1. –С.44-53.

¹⁰⁶ Лакиер А.Б. Русская геральдика. – М., 1990. –С. 25-28.

соҳасининг бошқа мутахассислари давлат байроғи ва гербининг келиб чиқишини тадқиқ этиб, эмблемаларнинг ҳуқуқий моҳиятига эътибор қаратадилар, лекин уни гералдик шакли ва мазмунини устун қилиб қўядилар.¹⁰⁷ Масалан, улар давлат гербини гералдика қоидалари асосида ишлаб чиқилган эмблеманинг давлат томонидан ҳуқуқий тасдиқланиши деб тушунадилар.

Қонуний савол туғилади: давлат рамзий белгиларининг пайдо бўлишини ўрганишда унинг ҳуқуқий моҳиятига ҳал қилувчи аҳамият бериш керакми ёки гералдика қоидаларигами?

Ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар ижтимоий воқеликни илоҳий кучлар билан боғлаб, уларни идрок қилиш учун хизмат қиладиган тасаввурларни ифодалаш учун диний эътиқод билан боғлиқ шартли белгилар тизимини яратганлар. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳар бир ибтидоий уруғ ўзининг келиб чиқишини маълум бир тотем – “илоҳий” жисм, ўсимлик ёки жонзотга боғлаган. Тотем бутун бир уруғ ёки қабила аъзоларининг умумийлигини белгилаб, табиий ёки афсонавий мавжудотларнинг тасвири, ҳайкалчалари каби шаклларда уруғ ёки қабила рамзига айланган. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, ҳукмронлик учун уруғ ва қабилалараро сиёсий кураш натижасида, одатда, маълум бир уруғ зодагонларининг ҳокимияти ўрнатилган. Ҳукмронлик мавқеини ифодалаш мақсадида “илоҳий” тотем тасвирларидан ёки уларни англатадиган геометрик белгилардан, шунингдек қабила ҳомийлари ҳисобланган илоҳий кучлар - маъбудлар шарафига ёзилган мадҳия ва маросимлардан фойдаланиш амалиёти келиб чиққан.¹⁰⁸ Урушлар вақтида ғолиб чиққан давлат мағлуб бўлганнинг рамзий белгиларини ўлжа сифатида олиб ўзининг ҳокимияти рамзларига қўшиб қўйиш одати шаклланиб борган. Илк

¹⁰⁷ Соболева Н.А. Российская городская и областная геральдика XVIII-XIX вв. – М., 1981. –С.15-21; Винклер П.П. Гербы городов, губерний, областей и посадов Российской империи, внесенные в полное собрание законов с 1649 по 1900 г. – М., 1990. -С.2-14., Арсенев Ю.В. Геральдика. – М., Спб., 1908. –С.29-102.

¹⁰⁸ Иванов К.А. Флаги государств мира. – М., 1971. -С.9-10.

рамзий белгилар жамиятдаги олий ирода субъекти ва унинг сиёсий ташкилоти – давлат ҳокимиятини ифодалайдиган белгилар эди.¹⁰⁹

Давлатни ифодалайдиган эмблемалар сифатида бош тотем билан бир каторда бош маъбуд ва ҳукмдор тасвири ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бургут тотеми Римнинг бош маъбуди Юпитер рамзи – император ҳокимияти ва империянинг мутлақ рамзи сифатида Рим қонунчилигида мустаҳкамланган. Рим қонунчилигида бургут “Рим қуши” номига эга бўлган.¹¹⁰ Юпитернинг тасвири давлат мукофоти тариқасида жангчиларга берилган фалераларга¹¹¹ (орден ва медаллар) ҳам туширилган. Бундан ташқари бош маъбуд ва ҳукмдор шарафига ўқилган мадҳиялар ҳам давлатни ифодаловчи эмблемаларнинг муסיқавий эквиваленти вазифасини бажарган. Бундай мадҳиялар байрамлар ёки қурбонлик келтириш маросим – тантаналарида ижро этилиб, маъбудларга бўлган эътиқод билан боғлиқ бўлган. Бош маъбудни ва унинг “ердаги ноиби”, яъни давлат бошлиғини улуғлайдиган мадҳиялар давлат мадҳияси ролини ўйнаган.

Бош тотем, бош маъбуд ва давлат бошлиғи тасвирининг байроқларда, пулларда, бино фасадларида, муҳрларда, ёрликларда, кўшинларнинг ҳарбий анжомлари ва нишонларида туширилиб,

¹⁰⁹ Давлат эмблемалари Яқин Шарқда бундан беш минг йил олдин пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Дастлабки давлат эмблемалари фақат чизилган тасвир эмас, балки бошқа шаклларга ҳам эга эди, масалан, айрим давлатларда улар учига қуш ёки ҳайвон ҳайкалчаси ўрнатилган дастакдан иборат бўлган. Ҳозирги кунда аниқланган энг қадимги давлат эмблемаси мил. ав. учинчи минг йилликка тааллуқли бўлиб, 1972 йил Кхабисдан (Эрон) топилган. Ҳозирги кун байроқларига ўхшаш ён томондан дастакка бириктирилган бизга маълум дастлабки давлат эмблемаси Хитойдаги Чжоу сулоласи асосчиси император Чжоу томонидан тахминан мил. ав. XI аср охирида жорий қилинганлиги маълум. (Қаранг. Фоли Дж. Энциклопедия знаков и символов. – М., 1997. –С. 222-223.); Байроқлар тўғрисидаги фан – вексиллология сўзи эса мил. ав. 105 йил Рим консули Марий томонидан Рим когорталари (сараланган жангчилардан иборат ҳарбий тузилма) учун амалга киритилган вексиллиум номидан олинган. Вексиллиум дастакка бириктирилган горизонтал устунга бириктирилган рангли квадрат матодан иборат эди. (Иванов К.А. Кўрсатилган асар. – С.10.)

¹¹⁰ Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. - С.293.

¹¹¹ Шпагин М. Награды и символы // Человек и закон. 1999. №12. -С.49; Задорнова Н. Потомки древней фалеры // Эхо планеты. 1993. № 1. –С. 48-51.

давлатга тааллуқлиликни ифодалаши қадимги давлат эмблемаларининг давлат герби функциясини бажарганлигини кўрсатади.

Олдин қабиладаги ижтимоий бошқарувда турли уруғларни ифодалаган тотемлар, давлат пайдо бўлганидан кейин давлат ҳокимиятига бўйсунадиган ҳудудий бирликлар ва ташкилотларни ифодаладиган рамзларга айланди. Барча уруғларни ягона қабилага бирлаштирган бош тотем эса давлат рамзларига айланди ва барча фуқароларнинг ягона давлатга мансублигини ифодалади. Тоифавий жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги олий тоифани ифодаловчи эмблемаларнинг ўзига хос иерархияси шаклланди.¹¹²

Мустақил давлатни ифодаладиган рамзий белгиларнинг бутун жаҳонда қўлланиладиган шакллари Ғарбий Европа гералдикаси шаклландан кейин XI асрда пайдо бўлди. Олий иродани рамзий белгилар мазмунида ифодалашнинг ҳозирги кунда қўлланиладиган усулининг шаклланиши Ўрта асрларда Европа давлатлари давлатчилиги ва ҳуқуқида кечган жараёнларга бориб тақалади. Салиб юришларда иштирок этган рицар анжомларида унинг қахрамонликларидан гувоҳлик берувчи нишона тутиш одат тусига кирган. Нишона ҳарбий қурол-анжомларнинг таркибий қисмига айланган. Нишона танасининг ҳамма қисмларини ҳарбий анжомлар билан ёпиб олган жангчи шахсини бошқа жангчилардан ажратиб туриш учун керак бўлган. Вақт ўтиши билан зодагон-жангчи нишонаси унинг зодагонлар иерархиясидаги мақомини расмий белгиладиган белгига айланиб, нишоналар отадан ўғилга мерос қола бошлаган. Зодагонлар иерархиясида энг юқори поғонада турган монарх нишонаси давлат ва унинг суверенлигини ифодаладиган махсус рамз – давлат герби

¹¹² Черных А.П. Геральдика // Введение в специальные исторические дисциплины: Учеб. Пособие. –М., 1990. –С.44-48.

ролини бажарган ва давлат ҳокимияти белгиси сифатида отадан ўғилга мерос бўлиб қолган.¹¹³

Байроқ ва гербларнинг ўз мазмунида ҳокимият иродасини ифодалайдиган рамзлар сифатида доимий ва кенг қўлланилиши уларни ишлаб чиқиш (гералдика) ва ҳуқуқий ҳужжатларда расмий тавсифини ишлаб чиқиш (блазон) қоидаларини жорий қилиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. ХУ-ХҮІ асрларда гералдик эмблемаларга фақат ер эгалари ва маъмурий-худудий бирликларгина эмас, балки корхоналар, ташкилотлар, банклар ва савдогар хонадонлари, шаҳарлар ҳам эга бўлишган.¹¹⁴ Рамзий белгилар ижтимоий бирликларни ифодалайдиган ва турли ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни рамзий ифодалайдиган ўзига хос ҳуқуқий воситаларга айланди. Натижада ташкилотлар ва хонадорлар рамзларининг бир-бирига ўхшамаслиги ва маълум бир тартибга риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш сиёсий заруриятга айланди. Европа давлатларида ҳукумат ҳузурида рамзлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган давлат геролдия хизматлари тузилади.¹¹⁵ Давлат геролдия хизмати герб ва байроқларнинг тўғри ишлаб чиқилиши, тавсифланиши ва бири иккинчисини такрорламаслиги устидан назоратни амалга оширади.

¹¹³ Ҳозир жаҳонда давлат гербларига нисбатан қўлланиладиган атамалар - курул деган маънони англатадиган французча “армос”, инглизча “армс”, немисча “ваппен”, ҳарбий анжом маъносини берувчи инглизча “эмблем”, мерос деган маънони англатувчи немисча “эрбо”, полякча “ҳерб (герб)” атамаларининг келиб чиқиши Европа рицари нишонаси тарихи билан боғлиқ. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Европада замонавий шаклдаги герблардан бири 1127 йил билан саналаштирилган граф Анжуйский (Франция) қалқонидаги нишона эди. Дастлабки гербли муҳр Кастилия (Испания) инфантининг Беар виконти қизи билан 1000 йил билан саналаштирилган никоҳ шартномасига туширилган. (Қаранг. Брокгауз Ф., Ефронъ И. Герб // Энциклопедический словарь. Т.15. - Спб, 1892. - С.460.)

¹¹⁴ Фоли Д. Кўрсатилган асар. -С.242.

¹¹⁵ Бартоло Ди С. Трактат “О знаках и гербах”. // Средние века. – М., 1989. Вып. №52. С. 310-322; Черных А.П. Трактат Бартоло Ди Сассоферато "О знаках и гербах". // Средние века. -М., 1989. - Вып. № 52. -С.307-310.

Халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва халқаро ҳуқуқ меъёрларининг универсаллашуви мустақил давлатларни ифодалайдиган рамзий белгиларни халқаро умумқабул қилинган қоидалар асосида яратиш талабини келтириб чиқарди. Фақат умумқабул қилинган қоидаларгина рамзий белги мазмунида ифодаланган давлат ирода ва мақсадларини халқаро майдонда ва давлат ичкарасида умумтушунарли бўлишини таъминлаши мумкин эди. Натижада гералдика қоидалари, аввал Европада, сўнг бутун жаҳонда давлат эмблемалари яратилишининг умумқабул қилинган ва юридик мазмундаги махсус усулига айланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчидан, жамиятнинг давлат иродасини ифодалаган рамзий белгилар ҳуқуқий меъёрлар сингари давлат билан бир вақтда келиб чиққан, бу давлат рамзларининг ҳуқуқий мазмуни билан боғлиқ; иккинчидан, давлат рамзий белгиларини яратишнинг жаҳонда умумқабул қилинган гералдика қоидалари XI асрда шаклланган; учинчидан, давлатнинг рамзий белгилари мазмунини тадқиқ этишда унинг ҳуқуқий воқелик сифатидаги белгилари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, гералдика қоидалари давлат иродасини рамзий белгилар мазмуни орқали ифодалашнинг махсус техникаси сифатида хизмат қилди.¹¹⁶ Гералдика қоидалари рамзий белгиларни халқаро муносабатларда халқлар ҳамда давлатлар иродаси ва мақсадини махсус тасвирий усулда ифодалашнинг зарур элементига айлантирди. Зеро, жаҳонда умумқабул қилинган гералдика қоидалари рамзий белгилар мазмунида ифодаланган ирода ва мақсаднинг бир маънода талқин қилинишини таъминлай олди.

Давлатнинг рамзий белгиларини яратиш, уларга ўзгартириш киритиш қоидалари ҳамда унда жамиятнинг давлат иродаси ва мақсадини

¹¹⁶ Эмблема тушунчасини гералдик эмблема, яъни гералдика қоидалари асосида ишлаб чиқилган эмблема тушунчасидан ажратиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда аксарият жаҳон давлатларининг байроғи ва герби гералдик рамзий белгилардир.

ифодалаш усули махсус конструкция ҳамда терминологиядан иборат ҳуқуқий-техникавий асосларга эга.

Жаҳон амалиётига кўра давлат рамзий белгилари уч асосий шаклдан иборат: байроқ, герб ҳамда уларнинг муסיқавий эквиваленти бўлган мадҳиядан иборат.

Гералдика қоидаларига кўра байроқ тўғри тўртбурчак шаклига эга бўлган таркибий қисмларга ажратилмаган ёки бир неча йўл-йўллар, одатда, икки ёки уч горизонтал ёки вертикал жойлаштирилган ёхуд диогонал бўйича ва бошқа усулда жойлаштирилган йўллардан иборат тузилишга эга бўлади.¹¹⁷

Герб эмблемасининг шакли ва тузилиши анча мураккаброкдир. Гералдика қоидалари бўйича герб тузилишини қуйидаги элементлар ташкил қилади.

1. Герб қалқони – герб эмблемаси тузилишининг асосий ва зарурий элементи. Қалқон герб эмблемасининг маркази, у эмблема шаклининг қандай бўлишини (тўртбурчак, конус, гардиш ва бошқа) белгилайди.
2. Қалқонни кўтариб турувчилар. Герб эмблемасининг бу таркибий қисми ўрта асрларда жангчи қалқонини кўтариб юрган хизматкорлар тасвиридан келиб чиққан.
3. Шиор лентаси. Шиор лентасининг ранги қалқондаги асосий ранг билан бир хил рангда, кумуш (оқ) рангда ёки кўпинча республикалар гербида давлат байроғи рангларида бўлади.
4. Чамбар ёки унинг ўрнида қалқон хошияси. Чамбарнинг шакли герб шакли билан бир хил бўлиб, қалқон чегарасини белгилаб туради. Чамбар табиий ўсимликлар тасвири ёки метал (кумуш ёки олтин) рангидаги хошиядан иборат бўлади.

¹¹⁷ Масалан, Франция, Италия, Ирландия, Бельгия, Мексика, Канада, Покистон каби давлатларнинг давлат байроғи вертикал йўллардан; Германия, Россия, Австрия, АҚШ, Аргентина, Испания, Ироқ Греция каби давлатларнинг давлат байроғи горизонтал йўллардан; Япония, Хитой, Туркия, Мароқаш, Албания, Тунис каби давлатларнинг давлат байроғи бир майдондан; Филиппин, Қувайт, Куба каби давлатларнинг байроғи диогонал ва горизонтал йўллардан иборат.

5. Қалқон тепаси.

6. Махсус безаклар.¹¹⁸

Гералдика қоидалари бўйича герб эмблемаси элементлари герб эмблемаси тузилишида қуйидаги тартибда жойлаштирилади: Герб қалқони герб эмблемаси марказида, герб тепаси герб эмблемаси юқори қисмида, чамбар қалқон ҳошиясида, шиор лентаси герб эмблемасининг пастки қисмида, қалқонни кўтариб турувчилар герб эмблемасининг икки ён томонларида, махсус безаклар қалқон ташқарисида герб эмблемасининг исталган қисмида жойлаштирилган бўлади. Герб эмблемасининг таркибий қисмлари зарурий ва қўшимча қисмга ажратилади. Герб эмблемасининг зарурий қисми герб қалқони ҳисобланади. Герб қалқонисиз герб эмблемасининг ўзи ҳам бўлмайди. Герб эмблемасининг қалқондан бошқа таркибий қисмлари гербнинг қўшимча қисмлари ёки ташқи безаклари номини олади. Герб эмблемаси фақат қалқондан иборат бўлиши ҳам мумкин. Қалқон гербга туширилган асосий тасвирлар учун майдон ролини ўйнайди. Герб эмблемасининг қўшимча қисмларини қалқон ичида жойлаштириш гералдика қоидаларига мутлақо зид.

Ҳозирги кунда, аксарият жаҳон давлатлари эмблемаларининг мазмунини ташкил қилувчи тасвирлар миллий рамзлардан иборатдир.¹¹⁹ Бу эмблемалар миллатнинг хусусиятлари, унинг тарихи,

¹¹⁸ Герб // Энциклопедия государства и права / под. ред. П.Стучка. Том-1. –М., 1922. –С.414-418.

¹¹⁹ Миллий рамз деганда, ҳар бир мамлакатнинг миллий тарихи, маданияти, анъаналари, қадриятлари, мамлакат аҳолисининг ҳурмат ва эътиқод ҳислари билан боғлиқ бўлган, унинг орзу-интилишларини ифодалайдиган, мамлакат ичқарисида умумтушунарли бўлган ва қўшимча талқинни талаб қилмайдиган, лекин мамлакат ташқарисида қисман тушунарли ёки умуман тушунарсиз тасвирлар, ранглар, белгилар ва тушунчаларни тушуниш керак. Миллий рамзлар маъноси хорижлик фуқароларга маълум бўлмайди. Давлат эмблемалари тасвирларининг миллий рамз сифатидаги мазмуни халқ эпослари, афсоналар ёрдамида талқин қилинади. (Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. – С.408; Соколов В.А. Символы государственного суверенитета. - Саратов,1969. -С. 17; Мамаев К. Флаги рассказывают. – Л., 1972. - С.11 ва бошқалар).

маданияти ва кадриятларини ифодалайдиган маъно¹²⁰ билан бирга халқаро аҳамиятга эга гералдик маънони ҳам англатади. Миллатни ифодалайдиган тасвирлар гералдик шакллардан¹²¹ иборат бўлиб, ундаги тасвирлар халқаро тан олинган маънода талқин қилинади. Шунинг учун давлат эмблемалари мазмунини ташкил этган тасвирларни миллий маънони ифодалашига қараб миллий рамз, халқаро умумқабул қилинган маъноларни ифодалашига қараб гералдик шакллар сифатида қабул қилиш лозим. Лекин муайян тасвирнинг миллий рамз сифатидаги маъноси билан унинг гералдик шакл сифатидаги маъноси бир-бирига мос келмаслиги ёки миллий рамз сифатида қабул қилинган маълум бир тасвир гералдикада ҳеч қандай маънога эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Рамзий белгиларни яратувчилар эмблемалар тасвирининг фақат миллий рамзлар сифатидаги маъносига эътибор бериб, уларнинг гералдик маъносига эътибор қаратмаган бўлсалар, бундай эмблемалар шу давлат фуқароларига тушунарли бўлиши мумкин, лекин халқаро майдонда давлатнинг мақсад-интилишларини ифодалаш хусусиятларига эга бўлмайди. Натижада рамзий белгилар жамият ва давлатнинг интилишларини бошқа халқларга нотўғри етказиши мумкин бўлади. Худди шундай, рамзий белги тасвирларининг гералдик маъносига эътибор берилиб, миллий маъносига эътибор берилмаган бўлса, улар халқаро майдонда жамият ва давлатнинг интилишларини тўғри ифодалаш, лекин мамлакат аҳолиси учун тушунарсиз тасвирларга айланиб қолиши мумкин. Рамзий белгиларни яратишда миллий маънога эга тасвирларни ишлатиш чегараланмайди, улар турли халқларда турлича сон ва мазмунда бўлиши мумкин, лекин барча

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси давлат рамзий белгилари тавсифининг миллий рамз сифатидаги маъноси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. -Т., 2001. -37-б.

¹²¹ Гералдик шакл деганда халқаро тан олинган ва умумтушунарли бўлган умумбашарий кадриятларни ифодалайдиган тасвир, белги, тушунча тушунилиши лозим.

халқлар учун умумий бўлган гералдик шакллар гералдика қоидалари билан чегараланган сондан иборат бўлади. Бунда рамзий белгиларни яратувчилар миллий ҳамда гералдик маънони ифодалайдиган, сони чегараланган гералдик шаклларни ишлатиш орқали давлат иродаси тўғрисидаги умумий ахборотни мамлакат аҳолиси ва жаҳон халқларига тушунарли рамзлар тилда етказиш имкониятига эга.

Давлат эмблемалари мазмунини ташкил қилувчи гералдик шаклларни қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Табиий ҳодисалардан олинган шакллар. Улар уч турга ажратилиши мумкин: коинот жисмлари, табиий ҳодисалар, жонли мавжудотлар.¹²²

2. Одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида яратилган сунъий жонсиз нарсалардан олинган шакллар. Уларга архитектура ёдгорликлари, транспорт воситалари, қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар, меҳнат қуроллари ва бошқалар киради.¹²³

3. Инсон ҳаёлотининг маҳсули бўлган афсоналардан олинган, ўйлаб топилган, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган мавжудотларнинг тасвирлари. Афсонавий шаклларнинг манбаи сифатида, асосан, афсоналар, диний қарашлар, эртаклар муҳим рол ўйнайди.¹²⁴

4. Рамзий белгиларни яратишда фойдаланиш мумкин бўлган гералдик ранглар. Уларнинг сони чегараланган. Улар икки гуруҳга ажратилади:

1. Метал ранглари - олтин (сарик) ва кумуш (оқ) ранглар. 2. Эмал ранглари - қизил, кўк, яшил, қора, тўқ қизил ранглар.¹²⁵

Гералдик ранглар қуйидаги маъноларни англатади.

1. Олтин (сарик) - устунлик, улуғворлик, ҳурмат, бойлик, кўркамлик рамзи.

2. Кумуш (оқ) – софлик, софдиллик, поклик, оқиллик, тинчлик рамзи.

3. Қизил – ҳақ-ҳуқуқ, куч-қудрат, мардлик, жасорат, муҳаббат рамзи.

¹²² Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. – С.461-466.

¹²³ Ўша жойда. – С.466-472.

¹²⁴ Ўша жойда. – С.472-482.

¹²⁵ Ўша жойда. – С.486-489.

4. Кўк – садоқат, самимият, шухрат, шон-шараф, ор-номус рамзи.
5. Тўк қизил – олий нуфуз, кадр-қиммат, улуғворлик, устунлик, ҳокимият рамзи.
6. Яшил – озодлик, шодлик, умид, соғломлик рамзи.
7. Қора – барқарорлик, камтаринлик, мўътадиллик, осойишталик, ўлим ва мотам рамзи.¹²⁶

Давлатнинг рамзий белгилари ўзининг юридик мазмуни билан бирга сиёсий ва ҳуқуқий-мафкуравий мазмунга ҳам эга. Рамзий белгилар фуқароларда жамият ва давлат иродаси, манфаатлари, орзу-интилишлари, ўз олдига қўйган мақсадлари, танлаган йўлига нисбатан чуқур ҳурмат ва эътиқод руҳини тарбиялаш, инсон онгига ҳиссий-қадриятли таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган воситалардир. Давлат рамзий белгиларининг инсон онгига ҳиссий-қадриятли таъсир кўрсатиш хусусиятини тадқиқ этиш давлат рамзлари табиатининг сиёсий ва ҳуқуқий-мафкуравий жиҳатларини аниқлаш учун муҳим деб ҳисоблаймиз.

Рамзларнинг мазмуни миллий ва умуминсоний қадриятлар: адолат, эзгулик, ҳалоллик, ҳақиқат, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, илму-ижодга мойиллик, тартиб, тинчликсеварлик, Ватанга садоқат, озодлик, мустақилликка интилиш каби қадриятлар ифодасидан таркиб топади. Рамзларнинг муҳим хусусияти инсонни фақат ақлига эмас, балки ҳиссиётларига ҳам таъсир этишидир.¹²⁷ Рамзлар инсонлар хулқ-атворини бошқарадиган, уни йўналтирувчи кучли мафкуравий воситага айланиши мумкин. Рамзий белгиларнинг ҳиссий қадриятли таъсир кўрсатиш хусусияти давлатга ўз фуқароларини ягона байроқ остида бирлаштириш ва уларнинг интилишларини миллий мақсадларни амалга оширишга йўналтириш учун хизмат қилиши мумкин.

¹²⁶ Ўша жойда. - С.398-399.

¹²⁷ Рамзларнинг инсон онгини сеҳрлаш қобилияти ҳақида Қаранг. Кассирер Э. Техника современных политических мифов / пер. А.В.Иванова // Вестник Московского университета. Сер.7. Философия. 1990. №2. –С.58-68.

Энг муҳими, мафкурунинг ўзи эмас, балки унинг мафкуравий таъсир кўрсатиш техникаси, рамзий тизимнинг инсон онгига таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлишидир.¹²⁸ Рамзий белгилар инсон онгига ҳиссий-қадриятли таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиши учун, биринчидан, рамзлар ифодалаётган ирода ва мақсадлар халқ томонидан умумаҳамиятли қадрият даражасида қабул қилиниши ва тан олинниши, иккинчидан, бу қадриятлар умумхалқ хоҳиш-иродаси ва эътиқодига мос келиниши талаб қилади. Агар рамзларда ифодаланаётган ирода халқ иродасидан фарқ қилса, бундай рамзлар халқ учун тушунарсиз бўлади ва ҳиссий-қадриятли таъсир этиш мазмунини йўқотади, улар ифодалаётган давлат ҳокимияти мақсадлари ҳам халқ томонидан қўллаб-қувватланмайди, фуқароларда ҳуқуқий хулқ-атворга бўлган ноиктисодий манфаатдорлик¹²⁹ йўқолади.

Рамзий белгилар инсон онгига таъсир кўрсатиши учун улар таркибини ташкил қилган элементлар умумий тузилишда шундай жойлашган бўлиши керакки, ифодаланаётган ирода ва мақсадлар инсон онгига осонгина етказилсин. Алоҳида олинган битта миллий рамз ҳиссий-қадриятли таъсир кўрсатиш самарасига эга бўлмаслиги мумкин, лекин миллий рамзларнинг маълум бир усулда тартибга солинган иерархик тузилиши ва бу иерархик тузилишда миллий рамзларнинг умумий мазмунни ифодалаш ифодаланиши рамзларнинг таъсирини кучайтиради. Рамзий белгиларни ишлаб чиқиш вақтида танлаб олинган миллий рамзлар бирикмасида қайсидир рамз асосий рол ўйнаб, бошқалари унинг атрофида жойлашади ва бу бирикишдан уйғун, ягона ва барқарор умумий мазмун ҳосил бўлади. Миллий рамзларнинг бириктирилишидан инсон ҳиссиётларига таъсир қила оладиган умумий тасвир шаклланади. Давлатнинг рамзий белгиларини ишлаб чиқиш

¹²⁸ Мисюрлов Д.А. Кўрсатилган асар. –С.7-8.

¹²⁹ Ноиктисодий манфаатдорлик деганда - инсоннинг моддий манфаатдорлигидан қатъи назар жамият ва давлатнинг пировард мақсадларига ишончи туфайли ҳуқуқий хулқ-атвордан ва меҳнат қилишдан манфаатдорлигини тушуниш керак.

усулининг мана шу хусусиятлари бу усулнинг бир вақтнинг ўзида рамзий белгиларнинг инсон онгига ҳиссий-қадриятли таъсир кўрсатиш техникаси вазифасини бажариши тўғрисида хулоса чиқаришимизга сабаб бўлади.

Шундай қилиб, давлат рамзий белгиларининг мазмуни бутун дунёда тушунарли бўлган гералдик шакллар ва терминлардан таркиб топган бўлиб, улар шу давлатнинг фуқаролари учун ҳурмат ва эътиқод ҳислари билан боғлиқ миллий рамзлардир. Рамзларнинг фақат инсон ақлига эмас, балки унинг ҳиссиётларига ҳам таъсир ўтказиш хусусиятини ҳисобга олиб, давлатнинг рамзий белгилари соф юридик мазмун билан бирга, сиёсий ва ҳуқуқий-мафкуравий мазмунга ҳам эга эканлиги тўғрисида хулосага келишимиз мумкин.

2.2. Давлат рамзлари тавсифини ҳуқуқий мустаҳкамлаш қоидалари

Гералдика қоидалари қонун чиқарувчилар томонидан рамзий белгиларни яратиш, уларга ўзгартиришлар киритиш, улар тавсифини ҳуқуқий мустаҳкамлашда махсус ҳуқуқий-техникавий усул вазифасини бажаради. Ушбу усулнинг таркибий қисми сифатида давлат рамзий белгилари тавсифи¹³⁰ни улар шаклига мувофиқ ишлаб чиқиш қоидалари ҳам юзага келди. Байроқ ва герб тавсифини қонун матнига тушириш қоидалари гералдика тушунчалари қаторида блазон ибораси билан номланади.

«Blason» французча сўз бўлиб, герб орқали эълон қилиш, айтиш деган маъноларни билдиради.¹³¹ Одатда, гералдика қоидалари асосида яратилган эмблема тегишли қонун ҳужжатлари матнида блазон

¹³⁰ Давлат эмблемасининг тавсифи - бу давлат эмблемаси мазмунининг юридик ҳужжат матнида махсус терминология ва тил воситасида ифодалашидир.

¹³¹ Похлебкин В.В. Блазонирование // Словарь международной символики и эмблематики. – М., 1995. –С.44.

қоидалари асосида ишлаб чиқилган (блазонлаштирилган) тавсиф билан тасдиқланади.

Блазон қоидалари давлатнинг рамзий белгиларини яратувчилар олдига қатор талаблар қўяди: биринчидан, рамзий белги бир маънода талқин қилиниши учун рамзий белгиларни яратувчилар гералдика қоидаларига амал қилишлари талаб қилинади. Гералдика қоидаларидан, ҳатто, кичик чекланиш ҳам рамзий белги мазмунида ифодаланган ирода ва мақсадни тушунишни, унинг тавсифини тўғри тузишни қийинлаштиради. Шунинг учун, рамзий белгиларни яратиш жараёнида, айниқса, уларнинг лойиҳалари тайёрланаётганда, экспертиза қилинаётганда ва муҳокамага қўйилаётганда ана шу қоидаларга амал қилинишини таъминлаш муҳимдир. Гералдика қоидаларига ҳилоф равишда ишлаб чиқилган байроқ ёки гербни мутлақо блазонлаштириб бўлмайди, уларга нисбатан блазон қоидалари ва терминологиясини қўллаш имконияти ҳам бўлмайди. Уларнинг тавсифи мазмунсиз тавсифларга айланиш хавфи остида қолади.

Давлат байроғи ва гербининг қонун ҳужжатлари матнидаги тавсифини ишлаб чиқишнинг жаҳон амалиётига айланган асосий қоидаларини кўрсатиб ўтиш ва уларни жаҳон конституцияларидан мисоллар орқали тасдиқлаш мумкин.

Биринчи қоида. Жаҳонда эмблеманинг таркибий қисмларини қатъий тартибдаги кетма-кетликда тавсифлаш амалиёти ўрнатилган. Блазон қоидалари бўйича эмблеманинг ўнг ёки юқори томони устун ҳисобланиб, тавсифлаш шу жойдаги таркибий қисмлардан бошланади. Гералдика қоидаларига кўра, эмблеманинг ўнг томони эмблема ўрнатилган жойга нисбатан, яъни кузатувчига тескари ҳолатда аниқланади.

Иккинчи қоида. Байроқ ёки герб эмблемаси тавсифи унинг таркибий қисмлари рангидан бошланади. Масалан, Тунис Республикаси

Конституциясининг 4-моддасида¹³²: «Тунис Республикасининг байроғи қизил рангда: байроқ ўртасида, махсус қонун билан назарда тутилганидек, қизил учлари ўсган ярим ой билан ҳошияланган қизил беш қирра юлдуз тасвирланган.» - деган байроқ тавсифи берилади. Польша Республикаси Конституцияси¹³³нинг 28-моддаси биринчи қисмида, «Польша Республикаси герби – қизил мадонда тож кийган оқ бургут тасвири», - деган тавсифни кўрамиз. Кўриб турганимиздек, байроқнинг тавсифи унинг ҳар бир элементи рангидан бошланаяпти.

Учинчи қоида. Байроқ ёки герб эмблемасида муайян ранг тасвири бир вертикал чизиқ бўйича турли горизонтал қаторларда такрорий туширилган бўлса, бу ранг тасвирининг номи қаторларда жойлашганлигига қараб бир неча марта такрорий ёзилмасдан бир марта ёзилади. Бунда қаторлар бўйича ранглар тасвири сони ўхшаш бўлган тақдирда, қаторлар сони, турлича бўлганда, тартиб рақами бўйича қуйидан юқорига кетма-кетликда қатордаги ранглар тасвирлари сони ёзилади. Масалан, Хорватия Республикаси Конституциясида давлат гербига қуйидаги тавсиф берилади: «Хорватия Республикасининг герби тарихий хорват герби бўлиб, унинг асоси кетма-кет 25 қизил ва оқ майдонлардан иборат».¹³⁴

Тўртинчи қоида. Жаҳон амалиёти бўйича байроқ вертикал, горизонтал ва диогонал йўллардан иборат таркибий қисмларга ажратилган бўлади.

1. Агар байроқ вертикал йўллар билан қисмларга ажратилган бўлса, тавсиф байроқ дастаги ёнидаги йўлдан бошланади, сўнг ундан тартиб бўйича кетма-кет келган кейинги йўллар тавсифланади. Масалан, Франция Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан, «Франциянинг миллий эмблемаси триколор (вертикал йўллардан

¹³² Конституция Тунисской Республики // Конституции мира. Т.5. – Т.,1998.С.34

¹³³ Конституция Республики Польша // Конституции мира. Т.4. –Т.,1998.– С.101

¹³⁴ Конституция Республики Хорватия // Конституции мира. Т.7. -Т., 2001. - С.335.

иборат уч рангли) кўк, оқ, қизил.¹³⁵ Бунда «триколор» ибораси байроқ бир хил ўлчамдаги вертикал йўллардан иборат эканлигини билдиради. Тавсифга кўра, давлат байроғининг дастак ёнидаги йўли кўк, тартиб бўйича ундан кейинги йўл оқ, кейингиси қизил рангда эканлигини ўқиш мумкин.

2. Агар тавсифда йўлларнинг вертикал жойлашуви тўғрисида ибора ёки жумла киритилмаган бўлса, байроқ йўллари байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб горизонтал жойлашганлигини англатади. Агар байроқ унинг бутун узунлиги бўйлаб чўзилган горизонтал йўллардан иборат қисмларга ажратилган бўлса, у ҳолда тавсиф юқори йўлдан бошланади, сўнг тартиб бўйича ундан кейин келган қуйидаги йўллар кетма-кетликда тавсифланади. Масалан, Польша Республикаси Конституцияси 28-моддасида¹³⁶, «Польша Республикаси байроғи ранглари – оқ ва қизил» - деган тавсиф берилади. Тавсифдан Польша байроғи бир хил ўлчамда бутун узунлик бўйлаб чўзилган горизонтал юқоридан қуйига оқ ва қизил йўлдан иборат байроқ эканлигини тушуниш мумкин.

3. Агар тавсифда вертикал ёки горизонтал йўлларнинг ўлчами тўғрисида жумла киритилмаган бўлса, бу ҳолат йўлларнинг бир-бирига тенг энли эканлигини англатади. Масалан, Литва Конституциясининг 15-моддасида «давлат байроғи ранглари сариқ, яшил, қизил»¹³⁷ - деган тавсифдан бу байроқ горизонтал жойлашган бир хил ўлчамдаги юқоридан пастга кетма-кетликда сариқ, яшил, қизил ранглардан иборат эканлигини тушуниш мумкин.

4. Агар байроқ йўлларининг ўлчамлари турли хил бўлса, у ҳолда бу ўлчамлар тавсифда ўз ифодасини топади. Масалан, Испания Конституциясининг 4-моддасида байроққа шундай тавсиф берилади:

¹³⁵ Конституция Республики Франция // Конституции мира. Т.5. –Т.,1998. – С.272

¹³⁶ Конституция Республики Польша // Конституции мира. Т.4.–Т.,1998.– С.101.

¹³⁷ Конституция Литовской Республики // Конституции мира. Т.3. -Т.,1998. – С.281.

Испания байроғи уч горизонтал йўллардан иборат - қизил, сариқ ва қизил. Сарик йўл икки қизил йўлнинг ҳар биридан икки баравар кенг.¹³⁸ Тавсифдан Испания байроғи уч горизонтал йўлдан иборат эканлиги ва йўллар юқоридан пастга қараб кетма-кетликда қизил-сарик-қизил рангда бўлиб, сариқ йўл эни ҳар бир қизил йўл энидан икки баравар катталигини тушуниш мумкин.

5. Агар байроқда бирор бир жисм тасвири туширилган бўлса, бунда аввал, байроқ йўллари тавсифи, кейин туширилган тасвир тавсифи берилади. Матнда, дастлаб, бу жисм тасвирининг жойлашуви, масалан, марказда, юқори ўнг бурчакда, пастки чап бурчакда ва ҳоказо, сўнг жисм тасвирининг ўзи тавсифланади. Одатда, агар байроқ фақат бир рангдан иборат бўлса, унга туширилган тасвирнинг жойлашган жойи тавсифланмайди. Масалан, Туркия Республикаси Конституциясининг 3-моддасида «Байроқ – қизил байроқ оқ ярим ой ва юлдузли», - деган тавсиф берилади.¹³⁹ Агар байроқ бир неча йўллардан иборат қисмларга ажратилган бўлса, у ҳолда тасвирнинг қайси йўлда ёки қисмда жойлашганлиги тавсифланади.

Бешинчи қоида. Гералдика қоидалари асосида ишлаб чиқилган республика тузумидаги давлатларнинг герблари эмблемаси таркибий қисмларини қуйидаги кетма-кетликда тавсифлаш тартиби умумқабул қилинган.

1. Дастлаб герб қалқонидаги тасвирларнинг тавсифи.
2. Чамбар (қалқон хошияси) тавсифи.
3. Қалқон тепаси тавсифи.
4. Қалқонни кўтариб турувчилар тавсифи.
5. Шиор лентасидаги ёзув тавсифи.
6. Махсус безаклар тавсифи (монархия тузумидаги давлатларнинг эмблемаларида айрим қўшимча элементлар мавжуд).

¹³⁸ Конституция Испании // Конституции мира. Т.2. - Т., 1997. – С. 232.

¹³⁹ Конституция Турецкой Республики // Конституции мира. Т.5. –Т., 1998. – С.77.

Олтинчи қоида. Ҳозирги кунда, кўпгина давлатлар герб эмблемасининг фақат герб қалқонидан иборат шаклини жорий қилганлар. Герб қалқонининг ўзи ҳам бир неча таркибий қисмларга ажратилган бўлса, уни тавсифлашнинг қуйидаги тартибига амал қилинади.

1. Агар герб қалқони икки ва ундан ортиқ қисмларга ажратилган бўлса, тавсифлашда биринчилик ўнг ва юқори қисмга берилади ва тавсиф шу қисмдан бошланади.

2. Агар қалқон тўрт қисмга ажратилган бўлса, биринчилик юқори ўнг томонга берилиб тавсиф шу ердан бошланади.

3. Агар қалқон тўрт ва ундан ортиқ қисмларга ажратилиб, икки ва ундан ортиқ қисмининг тасвири ўхшаш бўлса, тавсиф фақат уларнинг бирига берилиб, юқори ўнг томондан бошлаб кетма-кетликда ўхшаш қисмларнинг тартиб рақами кўрсатилади, яъни бунда бир тасвирни икки марта тавсифлашнинг олди олинади.

4. Агар герб қалқонига туширилган тасвирлар қисмларга ажратилмасдан бир майдонда жойлаштирилган бўлса, у ҳолда аввал марказдаги тасвир, кейин унинг орқасида жойлашган тасвир, сўнг узоқда жойлашган тасвир тавсифланади.

Молдова Республикаси Конституциясининг 12-моддасида гербга қуйидаги тавиф берилади: «Молдова Республикасининг герби иккига тақсимланган қалқондан иборат, юқорида – қизил майдон, қуйида – кўк. Қалқон марказида тур боши тасвирланиб, унинг шохлари орасида – саккиз нурли юлдуз, бошнинг ўнг томонида – беш гулбаргли атиргул, сўлда – чапга қараган ва сал эгилган ярим ой, қалқондаги барча элементлар олтин ранг. Қалқон тумшуғи билан олтин хочни, чангалида ўнгда – яшил зайтун новдасини, сўлда – олтин салтанат ҳассасини (скипетрни) ушлаб турган бургутнинг кўкрагида жойлаштирилган»¹⁴⁰.

¹⁴⁰ Конституция Республики Молдова // Конституции мира. Т.4. –Т.,1998. - С.54.

Жаҳон конституцияларида байроқ ва герб эмблемаларининг блазон қоидаларига мутлақо зид ишлаб чиқилган тавсифлари учрамайди. Лекин айрим конституцияларда тавсиф сифатини бузиб турадиган айрим ортиқча жумлалар ёки такрорланишларни аниқлаш мумкин. Масалан, Молдова Республикаси Конституциясининг 12-моддасида¹⁴¹, Молдова Республикасининг давлат байроғи Триколор. Рангли йўллар вертикал ҳолатда дастагдан қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: кўк, сариқ, қизил. Марказда сариқ йўлда Молдова Республикаси Давлат герби тасвирланган. Бу тавсифни сифатли блазонлаштирилган деб бўлмайди. Биринчидан, триколор иборасининг ўзи блазон терминологияси бўйича байроқнинг бир хил эндаги вертикал жойлашган уч йўлдан иборатлигини ифодалайди ва бу икки ифоданинг бир тавсифда ишлатилиши такрорланишдан далолат беради. Иккинчидан, тавсифда йўлларнинг жойлашувини ифодаладиган кетма-кетликдан ташқари, ҳар бир йўл жойлашган жой алоҳида сўз билан такроран белгилаб ўтилаяпти. Ана шу икки такрорланиш тавсиф сифатини бузаяпти.

Давлат эмблемаларини ишлаб чиқиш ва уларни қонун ҳужжатлари билан тавсифлашда умумқабул қилинган қоидаларни белгиладиган жаҳон амалиётининг қарор топиши, биринчидан, давлат рамзий белгиларини яратувчилар томонидан эмблемани яратиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни бажариш учун шароит яратиб берди, иккинчидан, халқаро муносабат субъектларини ҳамда давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ва турли ташкилотларни ифодаладиган рамзий белгилар такрорлашининг олдини олишга хизмат қилади. Жаҳонда айнан бир-бирига ўхшайдиган икки рамзий белгидан фойдаланиш мумкин бўлмай қолди.

Давлат эмблемалар тавсифини расмий ҳужжатларда тасдиқлаш ва уларни шарҳлаш қоидалари давлатларнинг рамзий белгиларда

¹⁴¹ Конституция Республики Молдова // Конституции мира. Т.4. – Т., 1998.– С.54.

ифодаланган мақсади ва интилишлари тўғрисидаги ахборотни бир маънода, умумтушунарли усулда ифодалаш имкониятини беради. Байроқ ва гербдаги тасвирларни эмблема ва унинг расмий ҳужжатлардаги тавсифи орқали идрок қилаётиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатда тутган йўлини билиб олиш мумкин бўлиб қолди. Гералдика ва блазон қоидалари фақат эмблема таркибий қисмларини яратиш ёки уларни ўқиш тартибинигина эмас, балки эмблемаларда ўз ифодасини топган тасвирлар маъносини махсус терминология ва конструкция воситасида шарҳлаш амалиётини келтириб чиқарди.

Давлат рамзий белгилар ҳамда уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш ва шарҳлаш махсус ҳуқуқий-техникавий усул сифатида қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, давлатнинг рамзий белгилари ҳамда уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш усули меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш усулидан (қонунчилик техникасидан) шаклан фарқ қиладиган махсус юридик техникадир. Агар қонунчилик техникаси давлат иродаси ва мақсадининг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида ифодаланишини таъминласа, рамзий белгилар ҳамда уларнинг тавсифини яратиш техникаси давлат иродаси ва мақсади тўғрисидаги умумий ахборотнинг байроқ, герб ва уларнинг муסיқавий эквиваленти мазмунида ифодаланишини таъминлайди. Шаклан бир-биридан фарқ қиладиган бу икки усулни уларнинг юридик мазмуни бирлаштиради.

Иккинчидан, рамзий белгилар конструкцияси – бу рамзий белгилар ва улар тавсифининг ғоявий модели, у гералдика қоидалари асосида рамзий белги элементларини тўғри жойлаштириш ва уларнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжат матнидаги тавсифини тўғри тузишни ўз ичига олади. Фақат тўғри тузилган рамзий белги ҳамда унинг тавсифи қонун яратувчилар ифодаламоқчи бўлган давлат иродаси ва мақсадларини тўғри тушунишга имкон бериши мумкин. Шунинг учун махсус

конструкция рамзий белги элементларини тўғри жойлаштиришигина эмас, балки уларни қатъий белгиланган таркибда ва кетма-кетликда тавсифлаш ҳамда шарҳлаш тартибини ҳам ўз ичига олади. Элементлари белгиланган кетма-кетликда тавсифланган ва шарҳланган рамзий белги мазмуни ҳамма жойда бир хил маънода тушунилади.

Учинчидан, рамзий белгилар тавсифини ишлаб чиқишда қўлланиладиган махсус терминология рамзий белги тасвирларини матн орқали ифодаладиган гералдика иборалари йиғиндисидир. Ҳар бир ибора рамзий белги мазмунидаги маълум бир тасвирни ифодалайди. Ибораларнинг умумий мазмуни жамиятнинг давлат иродаси ва мақсадини ифодалаш ёки шарҳлаш воситаси ҳисобланади. Рамзий белгилар тавсифини ишлаб чиқишда махсус терминологиядан фойдаланиш жаҳон амалиётидир: рамзий белгилар мазмунини ишлаб чиқишда айти бир термин жаҳон миқёсида бир хил маънони ифодалайди; бу терминология барча халқлар томонидан тан олинган ва умумтушунарли, уларни рамзий белги яратувчилари ўйлаб топмаган, балки улар кундалик турмушда ишлатилади; махсус терминология жамиятнинг давлат иродасини рамзий белги мазмунида ифодалаш учун етарли бўлган маъноларга эга.

Тўртинчидан, махсус конструкция ва терминология рамзий белги тавсифини тузишда ортиқча сўз ва такрорланишларга йўл қўймасликка хизмат қилади.

Шундай қилиб, гералдика ва блазон қоидалари рамзий белгилар ва уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш учун қонун чиқарувчиларни махсус юридик техника билан қуроллантирди. Унинг аҳамияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, блазон қоидалари жаҳон миқёсида расмий қабул қилинган барча гералдик эмблемаларнинг ҳуқуқий ҳужжатларда тавсифлаш қоидаларини белгилайди. Натижада тавсифланган эмблема дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, ҳамма жойда бир хил ўқилади ва

бир маънода тушунилиши кафолатланади. Агар тавсиф умумқабул қилинган тартибга амал қилмаса, давлат эмблемалари мазмуни мамлакат ҳудудида аниқ қўлланилмаслиги, унинг турли хил ўқилиши ва субъектив талқин қилиниши, маъноси нотўғри тушунилиши, нотўғри идрок қилинишига олиб келиши мумкин. Бунда давлат эмблемалари мазмуни орқали ифодаланмоқчи бўлган маъно ўз объектига етиб бормайди ва тавсиф ўз олдига қўйилган мақсадга тўла эришмайди.

Иккинчидан, давлат рамзий белгиларини тавсифлашнинг жаҳонда умумқабул қилинган қоидалари давлат байроғи ва герби тавсифини тузишда қўлланиладиган конструкция ва терминологияни вужудга келтирди. Бу қоидалар байроқ ва герб тавсифида ортикча сўз-жумлалар ва мавҳум иборалар ишлатиш, такрорлашларга йўл қўйиш, тавсиф матнини чўзиб юборишнинг олдини олади ва унинг аниқ, лўнда ва бир маъноли бўлишини таъминлайди. Қонун чиқарувчилар давлат рамзий белгилари ва улар тавсифи мазмунида давлат иродасини ифодалашнинг махсус терминология ва конструкциядан иборат юридик техника воситаларига эга бўлди.

Учинчидан, рамзий белгилар ва уларнинг тавсифини ишлаб чиқишда, рамзларнинг миллий ва халқаро мазмуни ҳисобга олинади. Гералдика ва блазон қоидалари рамзий белгиларни миллий ғояни фуқаролар онгига сингдириш ҳамда жаҳон халқларида миллатга, унинг интилишларига нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиш хусусиятига эга қудратли мафкуравий воситага айлантира олади.

Тўртинчидан, гералдика ва блазон қоидаларига асосланадиган техника давлат эмблемалари тавсифини конституция ёки қонунлар билан тасдиқлаш амалиётига асос яратди. Ҳозирги кунда кўпгина давлатлар эмблемаси асосий қонун моддалари билан тавсифланади.¹⁴²

¹⁴² Жаҳон конституцияларида давлат эмблемаларининг тасдиқланиши характери жиҳатидан давлатлар бир-биридан фарқ қилади: 1. АҚШ, Япония, Швеция, Греция ва бошқа давлатларнинг конституцияларида давлат эмблемалари

Давлат рамзий белгилари тавсифини асосий қонун моддалари билан мустаҳкамлашнинг аҳамияти шундан иборатки, асосий қонун давлатнинг таништирув хужжати, у кўпгина тилларга таржима қилинади ва халқаро миқёсда кенг ўрганилади ҳамда давлат рамзларини, уларнинг тасвири бўлмаган тақдирда ҳам тўғри идрок қилинишини таъминлайди. Бошқа томондан, гералдика ва блазон қоидалари рамзий белгиларни уларнинг тавсифидан идрок қилинишини таъминлагани учун, халқ ва давлат ҳокимияти иродаси ва мақсадини ифодаладиган рамзий белгиларни конституция билан расмийлаштириш имконияти пайдо бўлди.

Юқорида ўрганиб чиқилган материал байроқ ва герб тавсифини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва герби тавсифини конституция моддалари билан мустаҳкамлаш таклифини ишлаб чиқиш учун илмий-назарий асос яратади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига қуйидагича тавсиф берилади: «Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи - байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

тўғрисида бирор модда киритилмаган. 2. Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия ва бошқаларда давлат байроғи, герби ва мадҳияси конституция ва конституциявий қонун билан тасдиқланган 3. Кўпгина конституцияларда давлат эмблемаларининг тавсифи махсус модда билан тасдиқланади. Озарбайжон, Жазоир, Германия, Испания, Италия, Туркия, Эстония каби давлатларнинг конституциялари моддаларида фақат байроқ, Австрия, Арманистон, Куба, Литва, Молдова, Полша каби давлатларнинг конституция моддаларида байроқ ва гербнинг тавсифи берилади. 4. Шундай конституциялар борки, уларда давлат эмблемалари алоҳида бўлим ёки боб билан белгиланади Хитой конституциясида 4-бўлим, Эрон конституциясида 2-боб ва б. (Қаранг. Конституция Грузии; Конституция Қазахстана; Конституция Болгарии; Конституция Марокко; Конституция Франциии; Конституция Италиии; Конституция Ирана; Конституция Венгрии // Конституции мира. Том 1-7. –Т., 1997-2001.)

¹⁴³ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 27-модда.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил хошиялар ўтказилган. Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Тавсифни ўқиб, давлат байроғи эмблемасининг блазон қоидалари талабларига мувофиқ тавсифланганлиги тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин.

Биринчидан, тавсифда аввал байроқ қисмларнинг ранги, кейин шакли берилаяпти. Байроқ тавсифи юқори йўлдан бошланаяпти. Тавсифдан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи бутун узунлиги бўйлаб чўзилган горизонтал жойлаштирилган бир хил ўлчамдаги йўллардан иборат бўлиб, бу йўлларнинг юқоридагиси тўқ мовий, ўртадагиси оқ, қуйидагиси яшил рангда ва оқ йўл узунаси бўйича қизил чизик билан хошияланганлигини идрок қилиш мумкин.

Иккинчидан, аввал байроқнинг таркибий қисмлари, кейин унга туширилган тасвир берилаяпти. Тавсиф асосида байроқнинг дастаси томонида юқори ўнг бурчакда вертикал, дўнг томони дастага қараган ярим ой ва ўн икки юлдуз: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта, қуйи қаторда бешта юлдуз тасвири туширилганлигини ўқиш мумкин.

Лекин тавсиф блазон қоидалари нуктаи назаридан айрим камчиликлардан холи эмас. Бу камчиликлар тавсиф матнида ортиқча сўзлар ва такрорларнинг

ишлатилганлиги ва натижада тавсиф матни чўзиб юборилиб, бу ҳолат унинг сифатига таъсир қилганлиги билан боғлиқ.

Масалан, **тавсифнинг биринчи бандида**, гералдика қоидалари бўйича байроқ фақат тўғри тўртбурчак шаклига эга бўлади. Шунинг учун байроқнинг тўғри тўртбурчак шаклида эканлигини ифодалайдиган жумла киритиш ортиқча ҳисобланади. Шунингдек, «байроқ йўлларининг бутун узунлик бўйлаб чўзилган» деган узун ифода ўрнида, уни англатадиган «горизонтал жойлаштирилган йўллар» иборасини қўллаш мумкин.

Худди шундай, **тавсифнинг иккинчи бандида**, блазон қоидалари бўйича, агар байроқ йўлларининг ўлчами тўғрисида қўшимча жумлалар киритилмаган бўлса, байроқ йўллари бир хил ўлчамда деб қабул қилинади. Шунинг учун йўлларнинг бир хил ўлчами тўғрисида жумла киритиш ортиқча ҳисобланади.

Тавсифнинг олтинчи бандида, агар эмблемага туширилган тасвирда икки ва ундан ортиқ горизонтал чизиқ бўйича айна бир жисм турли қаторда жойлаштирилган бўлса, бу жисмнинг номи айтилиб унинг қаторларда жойлашганлиги сўз билан ифодаланмасдан, балки тартиб рақами бўйича горизонтал чизиқ бўйлаб қуйидан юқорига кетма-кетликда сони ёзилади. Шундан келиб чиқиб, ярим ой ёнида тасвирланган юлдузларнинг қайси қаторда нечта жойлашганлигини сўз билан ифодалаш ўрнида сон билан ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тавсифни ишлаб чиқиш техникаси қоидалари нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тавсифининг биринчи қисмини қуйидагича такомиллаштириш мумкин деб ҳисоблаймиз:

Байроқ – тўқ мовий, оқ, тўқ яшил горизонтал йўллардан иборат бўлиб, оқ йўл қизил чизиқ билан ҳошияланган. Тўқ мовий йўлда дастага яқин жойда оқ янги ой ва унинг ёнида оқ ўн иккита беш қиррали юлдуз узунасига ва тиккасига жойлашган - 5:4:3.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасида¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат гербига қуйидаги тавсиф берилди: «тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи - қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар - кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва "Ўзбекистон" ёзуви - олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий - яшил рангда; чаноқлардаги пахта - оқ рангда; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак - олтин зарҳал билан хошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар - оқ рангда тасвирланган».

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербига берилган бу тавсиф герб эмблемасининг гералдика қоидаларига амал қилиниб яратилганлигини ифодалайди: герб эмблемасида унинг зарурий таркибий қисми герб қалқони мавжуд. Бу қалқон шарқ қалқони типига бўлиб, гардиш шаклини олган. Қалқон майдони махсус ажратилмаган уч қисмдан: асосий тасвир – Хумо қуши, унинг орқасидаги тасвир – тоғлар ва водийлар ва узоқдаги тасвир – нур сочаётган қуёшдан иборат. Герб эмблемаси қўшимча қисмлардан қалқон чамбари (хошияси) – ғўза

¹⁴⁴ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1992. 9-сон, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. 5-сон, 124-модда.

шоҳлари ва буғдой бошоқлари, қалқон тепаси – ичида ой ва юлдуз тасвири бўлган саккизбурчак ва шиор лентаси – «Ўзбекистон» ёзувига эга. Герб эмблемаси тасвирининг фақат бир элементида гералдика қоидаларига етарлича эътибор берилмаяпти – гералдика қоидаларига кўра, гербнинг шиор лентасидаги ёзув ранги гербдаги асосий тасвир рангига мос бўлиши керак. Чунки шиор лентаси ёзуви гербдаги бош тасвир маъносининг сўзлардаги ифодасини билдиради. Шундан келиб чиқиб, шиор лентасидаги «Ўзбекистон» ёзуви олтин рангда эмас, балки Хумо қуши рангига мувофиқ кумуш рангида бўлиши мақсадга мувофиқ эди.

Бундан ташқари, герб эмблемаси тавсифни блазон қоидаларига мувофиқ такомиллаштириш мумкин.

Биринчидан, қоидага биноан, эмблеманинг ҳар бир таркибий қисми, тасвирлари тавсифи уларнинг рангидан бошланиши керак эди. Амалдаги тавсифда герб эмблемаси таркибий қисмлари, ундаги тасвирлар ранги, тавсифнинг асосий биринчи бандидан ажратиб, иккинчи бандида берилаяпти. Рангларнинг бу тартибда берилиши блазон қоидаларига мувофиқ келмайди.

Иккинчидан, герб эмблемаси таркибий қисмларини тавсифлаш тартибидаги кетма-кетлик бузилаяпти. Қоидага кўра тавсифда, аввал, герб қалқони майдони ранги, кейин қалқондаги тасвирлар қуйидаги кетма-кетликда: бош тасвир Хумо қуши, унинг орқасидаги тасвир, ундаги узоқ тасвир тавсифи, сўнг чамбар (қалқон хошияси) тавсифи, сўнгра қалқон тепаси тавсифи, охирида шиор лентасидаги ёзув тавсифи берилиши керак эди. Амалдаги тавсифда эса герб эмблемаси қисмлари блазон қоидаларига зид қуйидаги кетма-кетликда тавсифланаяпти:

1. Қалқондаги узоқ тасвир;
2. Қалқон чамбари тасвири;
3. Қалқоннинг марказий тасвири орқасидаги тасвир;
4. Қалқон тепасидаги тасвир;

5. Гербнинг бош тасвири;

6. Шиор лентасидаги тасвир.

Учинчидан, тавсифни ишлаб чиқишда ортиқча сўзлар ва такрорлашларга йўл қўйилганлиги сабабли тавсиф матни чўзиб юборилган.

Блазон қоидалари нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси тавсифи тузилишини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Давлат герби шаклида шиор лентасидаги ёзув билан асосий тасвир рангини мослаштирган ҳолда герб тавсифини блазонлаштириб, унинг таркибий қисмлари тавсифини қуйида келтирилган тартибдаги кетма-кетликда талқин қилиш вариантини таклиф қиламиз:

1. Герб қалқонининг тавсифи – Гардиш шаклидаги оқ майдонда кумуш Хумо қуши қанотларини кумуш дарёлар, яшил тоғлар ва водий узра таралаётган заррин қуёш нурларида ёзган.

2. Қалқон чамбари тавсифи – Қалқон чамбари ўнг томони шохлари яшил ғузанинг олтинранг чанокларида очилган оқ пахта – 2:1:1:1:1., сўл томони олтинранг бугдой бошоқлари – 2. Уларга мовий (кўк), оқ, яшил шиор лентасига ўралган.

3. Қалқон тепаси тавсифи – Қалқоннинг тепасида ҳаворанг саккизбурчак олтин зарҳал билан хошияланган, унинг ичида оқ ярим ой ва юлдуз.

4. Шиор лентаси тавсифи – Шиор лентаси бантида олтин рангида «Ўзбекистон» ёзуви.

Давлат байроғи мазмунини ташкил этган тасвирлар ва уларни ифодаладиган терминлар маъносини¹⁴⁵ блазон қоидаларига мувофиқ кетма-кетликда ўқиб, Ўзбекистон Республикаси халқи ва давлат ҳокимияти мақсади ва интилишларини қуйидагича талқин қилиш мумкин: Ўзбек давлати садоқатли, шарафли, самимий, ор-номусли

¹⁴⁵Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари мазмунини ташкил этган тасвирларнинг миллий ва гералдик маъноларини 2-иловадаги жадвалдан Қаранг.

(мовий (кўк) ранг) халқ иродасига асосланган, софлик, поклик ва тинчликка интиладиган, ҳуқуқ ва меҳр-оқибатга (оқ рангнинг қизил рангдаги ҳошиялари) таянадиган, озод ва фаровон (яшил ранг) жамият қуриш мақсадини қўйган, янги давр (янги ой) комилликка (ўн икки рақами) буюк интилишлар (юлдуз) даври бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси мазмуни гералдика ва блазон қоидалари бўйича талқин қилинганди, байроқ мазмуни давом этилади.

1. Герб қалқонидаги тасвирлар – Тинчликсевар ва софдил (Хумо қушининг кумуш ранги) олий иродага эга халқ абадий озод, фаровон ва бахту-саодатли яшаш учун қайта туғилди, тикланди (Хумо қуши), бу мусаффо (дарёларнинг кумуш ранги) ва озод (водийлар ва тоғларнинг яшил ранги) диёр (водий, тоғлар, дарёлар) ривожланишнинг (қўтарилаётган кўёш) юксак ҳаётий кучларига (заррин нур сочаётган олтин қўёш) эга.

2. Герб чамбаридаги тасвирлар – У ўзининг (бу ерга ғўза шохлари ва буғдой бошоқлари боғланган давлат байроғи рангларидаги шиор лентаси талқини киритилади) озодлиги (ғўзанинг яшил шохлари), софдиллиги (оқ пахта), бойликлари (олтин чаноқлар, буғдой бошоқлари) билан буюқдир (чамбар).

3. Қалқон тепасидаги тасвирлар - Унинг тақдирида улуғ (саккизқирра юлдузнинг олтин ҳошияси) шараф (саккизқирра юлдузнинг кўк фони) келтирадиган кўпқиррали (саккиз қиррали юлдуз) буюк ўзгаришлар (юлдуз) тинчлик (ярим ой ва юлдузнинг оқ ранги) даври бошланди (ярим ой).

4. Бу бой («Ўзбекистон» ёзувининг олтин ранги) халқ ва давлат номи «Ўзбекистондир». Кўриниб турибдики, «Ўзбекистон» ёзувининг ҳозирги кунда гербимизда мавжуд олтин ранги бойлик маъносини бериб, у гербнинг асосий тасвири Хумо қушининг тинчликсеварлик ва софдилликни ифодалайдиган кумуш рангига мос келмайди.

«Ўзбекистон» ёзуви рангининг кумуш рангига ўзгартирилиши тинчликсевар халқ ва давлат маъносини берган бўларди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари тавсифи тузилишини гералдика ва блазон қоидалари уларни бутун давлат ҳудудида аниқ ва бир хил қўллашга, унинг мазмунида ифодаланган Ўзбекистон Республикаси халқи ва давлат ҳокимияти ирода-мақсади тўғрисидаги ахборотни тўғри етказилишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи ва гербининг қисқа тавсифини (Давлат байроғи эмблемаси тавсифининг биринчи қисмини) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-моддасига қўшимча киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

3-боб. Ўзбекистон Республикасида давлат рамзларидан амалда фойдаланиш

3.1. Давлат рамзлари ҳамда идора ва ташкилот рамзларидан фойдаланиш муносабатларининг хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида тадрижийлик асосида изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини модернизациялаш ва демократлаштириш ислоҳотлари фуқаролик жамияти пойдеворини қуришга йўналтирилган муҳим тадбирлар бўлмоқда. «Ишончим комилки, - деб ёзади И.А.Каримов, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади»¹⁴⁶

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнлари билан боғлиқ янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талаблари асосида қонунчиликни такомиллаштириш вазифаларини ҳал қилмоқда. 2002 йил 4-апрел

¹⁴⁶ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. –Т., 1998. –22-23 б.

Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги»¹⁴⁷ Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши бундай вазифаларни ҳал қилишда муҳим босқич бўлди. Ушбу қонуннинг 2-моддаси демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий принципларини белгилади.

Жумладан,

- сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

- нодавлат ноижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустақамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун қафолат ва шароитларни таъминлаш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш энг муҳим вазифалар қилиб белгиланди.¹⁴⁸

Ўзбекистон Республикасида давлат билан фуқароларнинг турли ташкилот ва бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни олдинги маъмурий-буйруқбозликка асосланган вертикал тизими ўрнида ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларга асосланган горизонтал тизими шаклланмоқда.¹⁴⁹ Фуқаролар ирода ва манфаатларини ифодалайдиган турли ташкилот ва бирлашмаларнинг қонун асосида тенг муносабатларга киришиши фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

¹⁴⁷ «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги» Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002 й., 4-5 сон, 60-модда.

¹⁴⁸ Ўша жойда.

¹⁴⁹ Фуқаролик жамиятида горизонтал муносабатлар ҳақида Қаранг. Hirschman A. Exit, Voice and Loyalty. -Cambridge: Harvard University Pr., 1970. P. 35-48.

Фуқаролик жамияти эркин кишиларнинг хусусий эҳтиёж ва манфаатлар асосида ўзаро ҳуқуқий тенг муносабатларга кириши натижасида юз берадиган ижтимоий муносабатлар тизими, хусусий эҳтиёж, мақсад ва манфаатларни тўлақонли амалга ошириш соҳасидир. Фуқаролик жамиятида, - ёзади Гегел, - ҳар бир киши ўзи учун мақсад, бошқалар унинг учун ҳеч нарса эмас. Лекин бошқалар билан биргаликда бўлмаса, у ўз мақсадларига тўла ҳажмда эриша олмайди, шунинг учун бошқалар алоҳида мақсад учун воситадир».¹⁵⁰ Инсонларнинг эҳтиёж ва манфаатлари турли ҳудудий ва ҳудудий бўлмаган ташкилотлар орқали амалга оширилиши мумкин. «Хусусий шахслар, - деб давом эттиради Гегел, - улар эгоистик бўлса-да, бошқаларга муурожаат қилишга мажбурдирлар».¹⁵¹ Алоҳида мақсадларни амалга ошириш эҳтиёжи асосида субъектив иродалар йиғиндиси ижтимоий иродага айланади. Жамиятнинг маълум бир қисмини ташкил қилувчи индивидларнинг бундай умумий иродаси бутун жамиятнинг объектив-ижтимоий иродасидан фарқ қилиб, субъектив ирода ҳисобланади. "Ҳамманинг иродаси ва умумий ирода ўртасида фарқ бор, - деб таъкидлаган эди Руссо, - иккинчиси умумий манфаатларни ифодаласа, биринчиси - хусусий манфаатларни ифодалайди ва алоҳида шахслар иродаси ифодаланишининг оддий йиғиндисини ташкил қилади".¹⁵² Руссо фикрини Гегел давом эттиради, - «Фуқаролик жамиятида меҳнат ўзининг табиатига кўра турли тармоқларга бўлинади. У уюшмада умумийликда мавжуд бўла олганлиги сабабли, эгоистик мақсад шу вақтнинг ўзида ўзини умумий қилиб ифодалайди ва фуқаролик жамияти аъзоси шу вақтнинг ўзида ташкилот аъзоси ҳам ҳисобланади, унинг умумий манфаати шу соҳа, иш ва манфаат чегарасидан четга чиқмайди».¹⁵³ Ҳар бир ташкилот,

¹⁵⁰ Гегел Г.В.Ф. Кўрсатилган асар.—С.228.

¹⁵¹ Ўша жойда. —С.241.

¹⁵² Руссо. Кўрсатилган асар. -С.170.

¹⁵³ Гегел. Курсатилан асар. —С.275.

жумладан жамиятнинг оммавий ташкилоти - давлат ҳам ижтимоий муносабатларга субъектив ирода ва манфаатлар билан киради, шунинг учун субъектив ирода эгаси ҳисобланади, лекин бу субъектив ирода индивидуал эмас, балки субъектив-ижтимоий иродадир. Субъектив-ижтимоий иродалар орасида давлат иродаси алоҳида хусусиятга эгадир, чунки давлат иродаси бутун жамиятнинг объектив-ижтимоий иродасини позитив ҳуқуққа айлантиради, лекин давлат иродасининг фуқаролик жамиятида субъектив характери шундаки, бунда давлат иродаси эркинлиги ҳам унинг ўзи қонунда ифодалаган объектив ирода масштаби билан чегараланади¹⁵⁴, «агар давлат билан фуқаролик жамиятини қўшсак ва унинг вазифаси мулк ҳамда шахсий эркинликни таъминлаш ва ҳимоя қилиш деб олсак, алоҳида инсонларнинг манфаати пировард мақсад бўлиб қолади».¹⁵⁵

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятида давлатнинг ижтимоий вазифаси шундан иборатки, у жамият (халқ) иродасини қонун ҳужжатлари талабларига айлантиради ва ўзи ҳам шу қонун талабларига бўйсунди. Натижада жамиятда қонуннинг давлатдан устуворлиги ва барча ҳуқуқий муносабат субъектларининг қонун олдида тенглиги режими шаклланади.

Субъектив-ижтимоий ирода субъектларини ифодалайдиган рамзларни жамиятдаги турли ташкилотлар рамзлари деб эътироф этишимиз мумкин. Ташкилот рамзлари фуқароларнинг ирода ва манфаатларини ифодалайдиган турли ташкилотлар рамзларидир. Муайян бир ташкилот рамзларининг мақоми бу рамз ифодалайдиган субъектив-ижтимоий ирода ҳажми билан белгиланади. Ирода ҳажми деганда, бизнинг фикримизча, ташкилот рамзининг жамиятни унинг маълум бир қисми иродасига тенг ҳажмда ифодалашини тушуниш

¹⁵⁴ Демократик давлат ҳокимияти - бу сайловда ғолиб бўлган кўпчилик субъектив-ижтимоий иродасининг камчилик иродаси устидан устунлиги бўлиб, у жамиятнинг умумий иродаси – объектив-ижтимоий иродани позитивлаштирган конституция ва қонунлар билан чегараланади. (Қаранг. Шайо А. Самоограничение власти - М., 1999.)

¹⁵⁵ Ўша жойда. –С.275.

лозим.¹⁵⁶ Фуқаролар иродасини ифодалаш ҳажми жиҳатидан ташкилот рамзлари тизимини қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин: 1. Давлат рамзлари – жамиятнинг оммавий ташкилоти рамзлари бўлиб, жами фуқаролар, бутун жамият, халқ иродасини ифодалайди. Бу ирода ҳажми жиҳатидан фуқароларнинг бошқа ижтимоий иродаларидан устун туради. Бу ирода барча субъектив иродалар эркинлиги учун умумий масштаб вазифасини бажаради. 2. Давлат маъмурий-худудий бирликларининг рамзлари – жамиятнинг маъмурий-худудий ташкилотлари рамзлари бўлиб, маъмурий-худудий бирлик аҳолиси иродаси ҳажмидаги иродани ифодалайди. 3. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари – жамиятнинг нодавлат ташкилотлари рамзлари бўлиб, фуқароларнинг турли манфаатларни амалга ошириш мақсадида бирлашган гуруҳи ва жамоалари иродаси ҳажмидаги иродани ифодалайди.

Ташкилот рамзлари маълум бир ижтимоий ирода ҳажмига эга субъектни акс эттиради ва уни бошқаларидан ажратиб туради. Турли даражадаги ташкилотларни ифодалайдиган рамзий белгиларнинг мазмун жиҳатдан бири иккинчисини такрорлаши, бу жамиятда фуқаролар иродасини амалга оширишда нодемократик мувозанат пайдо бўлганлиги ёки рамзий белгиларнинг ўз мақсадига тўлақонли жавоб бермаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мисол учун, маълум бир сиёсий партия эмблемаси мазмунининг давлат эмблемаси сифатида қабул қилиниши давлат ҳокимиятининг бутун жамият иродасини эмас, балки ана шу партия ҳамда уни ташкил этган гуруҳ иродаси ва манфаатини ифода этишини англатиши мумкин. Маълум бир тоифа иродасининг бутун халқ иродасидан устун деб белгиланиши эса жамиятнинг нодемократик усулда бошқарилаётганлигидан далолат беради. Коммунистик партия эмблемаси ўроқ ва болға, қизил беш қирра юлдуз ёки Германия национал-социалистлар партияси эмблемаси «свастика»нинг давлат байроғи ва герби мазмунида такрорланиши қандай воқеани англатганини тарихдан биламиз.

¹⁵⁶ Бунда ҳажм тушунчасини фуқаролар иродалари йиғиндисининг фаразий-ҳуқуқий ўлчами маъносида тушуниш керак.

Аксинча, жамиятнинг маълум бир қисми иродасини ифодалайдиган ташкилот эмблемаси давлат эмблемалари тасвирларини такрорласа, бу ўша ташкилотнинг бутун халқ номидан иш қилиши, унинг иродасини ифодалаш ва уни амалга ошириши ваколатига эга бўлганлигини ифодалаш мумкин. Бу давлат суверенитети ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларига зид ҳисобланади.

Рамзий белгилар бир ҳудуд ёки тоифа иродавий хусусиятларини иккинчисидан ажратиб турадиган белгилар ролини ўйнайди. Фуқароларнинг ҳар бир ташкилоти ўзига хос хусусиятларга эга, масалан, маъмурий-худудий бирликлар ўзига хос тарихий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга. Рамзий белгилар ана шу хусусиятларни ифодалаш ва худудий ташкилотларнинг бирини иккинчисидан ажратиб туриш вазифасини бажаради.

Ижтимоий ирода ҳажми жиҳатидан юқори турадиган ташкилот ундан қуйи турувчи ташкилот билан ўзаро муносабатга киришганда, мақом жиҳатдан юқори турадиган ташкилот рамзий белгилари устунлик белгилари билан таъминланиши лозим. Олдинги параграфда кўриб ўтганимиздек, жаҳон амалиётига кўра, рамзий белгилар ўрнатиладиган жойга нисбатан (кузатувчига нисбатан сўл томон) устун деб тан олинган. Шунга кўра, турли мақомдаги ташкилотларнинг рамзий белгилари бир жойда ва вақтда ўрнатилганда, юқори мақомга эга ташкилотнинг рамзий белгиси ўрнатилган жойга нисбатан ўнг томонда, мақоми жиҳатидан ундан қуйи турувчи ташкилотларнинг рамзий белгилари сўл томондан жой олиши лозим (кузатувчига нисбатан олинганда шунга тесқари ҳолатда). Шунингдек, мақоми жиҳатидан қуйи турувчи ташкилот рамзий белгилари ундан юқори турувчи ташкилот рамзий белгиларидан баланд жойлаштирилмаслиги шарт. Бундан ташқари, мақоми жиҳатидан қуйи турувчи ташкилот рамзий белгиларининг ўлчамлари у билан бир жойда жойлаштирилган мақоми жиҳатидан юқори турувчи ташкилот рамзий белгилари ўлчамларидан катта бўлмаслиги лозим.

Ижтимоий иродани амалга ошириш усулига қараб ташкилотлар икки турга ажратилиши мумкин: 1) ҳокимият органлари орқали; 2) ўзини ўзи бошқариш органлари орқали.

Ҳокимият органларига ижтимоий иродани амалга оширишни топшириш уни ифодаладиган рамзий белгиларнинг қатъий тартибда ва ҳамма жойда бир хил талқин қилинишини талаб қилади. Шунинг учун фуқароларнинг ҳокимият органлари орқали амалга ошириладиган иродасини махсус техника асосида ишлаб чиқилган рамзий белгилар воситасида ифодалаш талаб қилинади. Гералдика ва блазон қоидалари асосида ишлаб чиқилган рамзий белгилар фуқароларнинг ҳокимият орқали амалга ошириладиган иродасининг бир хил маънода талқин қилинишини таъминлайди.

Фуқаролар иродасининг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилиши ҳокимият орқали амалга ошириладиган ирода ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай ташкилотлар рамзий белгиларининг гералдика ва блазон қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилиши талаби қўйилмайди. Бу ташкилотларнинг эмблемалари оддий эмблемалар шаклига эга бўлиши мумкин.

Давлат рамзлари ҳамда бошқа ташкилот рамзлари тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат давлат органлари, корхона, муассаса ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарларига юклатилади. Бундай назоратни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари ва хориж дипломатик элчиларига алоҳида масъулият юклатилади.¹⁵⁷ Лекин бу горизонтал назорат бўлиб, рамзлар тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини таъминлашда

¹⁵⁷ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда; «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда; «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 1-сон, 52-модда.

тўлақонли самарали бўла олмайди.¹⁵⁸ Бизнинг фикримизча, бунинг қуйидаги сабаблари бор: биринчидан, бундай қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли гералдика ва блазон соҳасида ихтисослашган идора ҳамда тегишли малакага эга давлат хизматчиларининг фаолияти талаб қилинади; иккинчидан, ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликда ҳудудий назорат мавжуд бўлган бир вақтда умумий вертикал назоратнинг йўқлиги идора ва таъкилот раъмзлари бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга оширишни қийинлаштиради; учинчидан, раъмзлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини доимий мониторинг қилиб, уни яхшилаш бўйича чоралар кўриш имкониятларини пасайтиради.

Шунинг учун идора ва таъкилот раъмзлари бўйича бутун давлат ҳудудида ягона сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқлаб олиш ва бу функцияни махсус давлат органи ваколатларига киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундай фаолиятнинг асосий йўналишларини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- раъмзий белгилар мазмунини ишлаб чиқиш борасида миллий-тарихий мерос ва халқаро таърибани ўрганиш;
- турли ҳуқуқий мақомдаги таъкилотларнинг раъмзий белгиларини яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини тартибга солидиган қонунчиликни такомиллаштириб бориш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқарувчи органларга тавсиялар тайёрлаш,

¹⁵⁸ Масалан, Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси давлат раъмзлари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси бўйича Бухоро вилояти ҳокимининг 1997 йил 202-қарорига мувофиқ ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, бу ишчи гуруҳнинг 1997-2005 йилги фаолият натижалари шунини кўрсатадики, туман, шаҳар ҳокимиятлари, таъкилот, муассаса ва жамоат бирлашмалари томонидан қонунларнинг бажарилиши кўрсаткичлари яхши томонга ўзгармаган. Ишчи гуруҳ аъзоси Ш.Ихтиёрованинг 2002 йил 25-февралдаги текшириши натижасига кўра, Ромитан, Жондор, Бухоро туман суди биноларида умуман байроқ ўрнатилмаган, Ромитан ва Пешкў туман ҳокимияти биноларида давлат раъмзлари қонунларни қўпол равишда бузилган ҳолда ўрнатилганлиги маълум бўлган ва ҳоказо.

- қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича давлат ҳокимияти органларига амалий тавсиялар билан муурожаат қилиш;
- идора ва ташкилот рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан бутун республика ҳудудида умумий назоратни амалга ошириш;
 - турли идора ва ташкилот рамзий белгиларининг қонун талабларига мос келишини экспертизадан ўтказиш ва рамзларни ишлаб чиқаётган ваколатли органларга рамзий белгилар тўғрисида хулосалар тайёрлаш;
 - рамзий белгилар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш; рамзий белгилар бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилишини таҳлил қилиш ва рамзий белгилардан фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
 - рамзий белгилардан фойдаланиш бўйича давлат ҳокимияти марказий органлари билан маҳаллий органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
 - давлат байроғи, герби элементлари асосида ҳарбий қисмлар, ҳарбийлаштирилган ташкилотларнинг махсус кийимларини шакллантириш ва уларни такомиллаштира бориш.

Ўзбекистон Республикаси рамзий белгиларини яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларида рамзий белгилар тизимига қўйиладиган талабларга риоя этишни назорат қилиш билан боғлиқ давлат фаолиятини амалга ошириш ваколатлари рамзий белгилар бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган ягона давлат органи қўлида тўпланиши мақсадга мувофиқ. Бундай орган ижро этувчи ҳокимият тизимида Ўзбекистон Республикаси идора ва ташкилот рамзлари бўйича қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлаши лозим бўлади. Шунинг учун бундай орган Ўзбекистон Республикаси халқи ва давлат ҳокимияти иродаси бирлигини ифодаладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилиб, Ўзбекистон

Республикасининг идора ва ташкилот рамзлари бўйича махсус комиссия номи билан юритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси рамзий белгилар тизимининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилган қонунчилик Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат курилиши мақсадлари асосида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллалар рамзий белгиларини яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, давлат рамзлари давлат суверенитети мазмунини - мамлакат ҳудудидаги умумий ижтимоий иродани ифодалайди. Давлат рамзлари давлат ҳокимияти томонидан ўрнатилади. Расман давлат рамзлари сифатида ўрнатилган, лекин суверенитет мазмунига эга бўлмаган рамзлар суверенитет рамзлари бўлмайди. Бутун жамиятнинг объектив-ижтимоий иродаси субъектив ирода эркинлиги учун умумий масштаб, ўлчам бўлиб, давлат рамзларининг моҳияти ҳуқуқда ифодаланган объектив-ижтимоий ирода субъекти мақоми олийлигини ва бу иродани ижобий ҳуқуққа айлантирадиган давлат иродасини ифода этиш билан боғлиқ.

3.2. Давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш

Идора ва ташкилотлар рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатлари уларнинг мақомидан келиб чиқадиган хусусиятларга эга: 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан Ўзбекистон Республикасидаги олий ироданинг амалга оширилишини таъминлайдиган ҳуқуқий жараёнларни ифодалаш мақсадида фойдаланилади. 2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий бўлинмалари аҳолисининг иродасини амалга оширилиш

жараёнларини ифодалашда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарларнинг рамзий белгиларидан фойдаланилади 3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иродасининг ўзини ўзи бошқариш орқали амалга оширилишини ифодалаш мақсадида шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла ва Ўзбекистон фуқароларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзий белгиларидан фойдаланилади.

Фуқаролар иродасинининг амалга оширилиши усулига кўра, Ўзбекистон Республикаси идора ва ташкилот рамзларини фуқаролар иродасини ҳокимият орқали ва ўзини ўзи бошқариш орқали амалга оширилишини ифодайдиган рамзий белгиларга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси давлат рамзий белгилари, Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзий белгилари, вилоятлар, туман ва шаҳарларнинг рамзий белгиларини киритиш мумкин; иккинчи гуруҳга шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла ва нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзий белгиларини киритиш мумкин.

Давлат рамзий белгиларидан фойдаланиш қуйидаги мазмунга эга. Давлат ҳокимиятининг олий иродаси бу унга сайловчилар корпуси сиймосидаги халқ томонидан ишониб топширилган иродавий устиворликдир. Демократик жамиятда сиёсий суверен - олий ирода эгаси халқдир. Давлат ҳокимиятининг олий органлари уни сайлаган сайловчилар корпусининг ишонган вакилларида иборатдир. Шунинг учун халқнинг олий иродаси у томонидан сайланган органлар томонидан амалга оширилади. Лекин айрим ҳолларда халқ ўз олий иродасини бевосита референдум ёки қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси жараёни орқали амалга ошириши мумкин.

Давлат байроғидан фойдаланиш муносабатларининг муҳим таркибий қисми давлат ҳокимиятининг олий органларига бўладиган сайлов, референдум жараёнларини ифодалашда давлат байроғидан фойдаланишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

1-моддасига биноан, Ўзбекистон – суверен демократик республика, 2-моддасига биноан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, 7-моддасига биноан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида катнашиши орқали амалга оширилади.¹⁶⁰ Овоз бериш махсус ажратилган биноларда сайлов ёки референдум куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси 4-банди ҳамда 6-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг сайлови ёки референдум кунларида - овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда овоз беришни ўтказиш даврида кўтариб қўйилади, деб белгиланган.

Маҳаллий вакиллик органларига сайловларда Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлинмаларидаги аҳолининг иродавий хусусиятларини ифодалаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи билан бирга тегишли ҳудуд мақомини ифодалайдиган байроқлардан фойдаланиш муносабатларини шакллантириш муҳим.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддаси туртинчи бандига мувофиқ¹⁶¹, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Президенти,

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., 1999. – 12-13 б.

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 24-25 б. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994. 5-сон, 127-модда.

¹⁶¹ Закон «О Государственном флаге Республики Каракалпакстан» // Сборник законодательства Республики Каракалпакстан. Том 7. –Н., -1993. –С.94-95.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ёки референдумлар вақтида овоз бериш ўтказилаётган бино ва хоналарда ўрнатилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тегишли маҳаллий ҳокимият томонидан қабул қилинган маъмурий-ҳудудий бирлик рамзий белгилари билан ифодаланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси туртинчи бандига мувофиқ, давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларига сайлов кунларида овоз бериш ўтказилаётган биноларда ўрнатилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳарларнинг халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар вақтида тегишли ҳудудий бирлик байроғи ҳам Давлат байроғи билан бир жойда ва вақтда ўрнатилиши лозим. Бунда Давлат байроғи маҳаллий вакиллик органларига сайловлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида устун турадиган иродани ифодаласа, маъмурий-ҳудудий бирлик байроғи эса шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг иродавий хусусиятларини ифодалашга хизмат қилган бўларди.

Демократик жамиятда олий иродани амалга оширувчиси - давлат ҳокимияти органлари бевосита сайловчилар корпуси томонидан сайланган ва халқ иродасини унинг номидан амалга ошириш ваколати топширилган олий органлар томонидан шакллантирилади. Халқ ўзининг олий иродани амалга ошириш ҳуқуқини сайлов орқали давлат ҳокимияти органларига беради. Ҳеч қайси ташкилот давлатдан ваколат олмасдан мажбурлаш кучига эга бўлган қарор чиқара олмайди. Агар давлат ваколатисиз ҳокимиятнинг мажбурлаш кучига эга қарорларни чиқара оладиган ташкилот пайдо бўлса, суверенитет ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси 2-бандида белгиланадики, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.¹⁶² Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи Ўзбекистон Республикасида давлат суверенитети эгаси олий ҳуқуқий иродага эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари биноларида доимий суратда ўрнатилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биносида;
- в) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг биносида;
- г) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукуматининг биносида;
- д) Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биносида;
- е) судларнинг биносида ўрнатилади.¹⁶³

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси Сенати томонидан Конституцияда белгиланган тартибда шакллантириладиган Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Марказий банки бошқаруви ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам давлат ҳокимияти олий органлари таркибий қисмидир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бу идораларнинг биносида ҳам доимий ўрнатилиши ҳуқуқий белгиланиши муҳим.

Суверенитет давлатнинг ҳуқуқий меъёр яратишда мутлақ ваколатларга эга бўлишини тақозо этади. Давлатнинг ўзи ҳуқуқий тартибга солиш чегараларини белгилайди ва ўзи чиқарган ижобий ҳуқуқни қўриқлайди. Суверен давлат ўз ҳудудида жамият ҳаётининг исталган масаласи бўйича ўзининг ҳал қилувчи қарорини чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга.

¹⁶² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-бет.

¹⁶³ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992.1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999, 5-сон, 124-модда.

Суверен давлатни биз ўз ҳудудида бажарилиши умуммажбурий бўлган олий ҳуқуқий кучга эга меъёрлар чиқариш лаёқатида кўрамиз. Суверен давлат объектив маънодаги ҳуқуқни – ижобий ҳуқуқни яратади ва ижтимоий муносабатларга киришганда ўзи яратган қонунчилик асосида ўзининг субъектив ҳуқуқларидан фойдаланади.

Давлат ҳокимиятининг ягоналиги бир давлат ҳудудида бир вақтнинг ўзида икки бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлган бир-бирига зид ҳуқуқий меъёрлар мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор қилади. Ҳуқуқ бу олий ироданинг умуммажбурий меъёрларда ифодаланиши бўлиб, унга зид бўлган ироданинг ҳуқуқда ифодаланиши бир жойда икки бир хил кучга эга объектив ироданинг мавжудлигини англаган бўларди. Бундай ҳолат суверенитетнинг моҳиятига тўғри келмайди, чунки бундай ҳолатда иродаларнинг ҳеч қайси суверен (олий) бўла олмас эди. Ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили бўйича давлат ҳокимияти органларининг бир-биридан мустақил уч тармоғи қарорлари ягона суверен иродани ташкил қилади. Улар турли кучдаги ва характердаги ҳуқуқий ҳужжат чиқаради. Агар давлат ҳокимияти органларининг уч тармоғига бир хил кучдаги ҳуқуқий ҳужжат чиқариш ваколати берилганда эди, бунда суверен давлат ҳокимияти ҳалоқатга учраган бўларди.

Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи палаталарининг мажлислари ҳуқуқий суверенитетни таъминлайдиган ташкилий жараён дир. Парламент палаталари ишининг ташкилий шакли уларнинг мажлислари ҳисобланади. Парламент қонунларни мажлисларда ишлаб чиқади ва қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис палаталарининг қарорлари фақатгина унинг мажлисларида қабул қилиниши мумкин. Чунки Олий Мажлис палаталри коллегиял органлар дир ва Ўзбекистон халқи иродасини бутун депутатлар корпуси ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари уларнинг ишида жами депутатлар

ёки сенаторларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.¹⁶⁴ Олий Мажлис палаталари ўз ваколатларини унинг сессиялари бўлиб ўтадиган биноларда амалга оширади. Давлат байроғи давлат суверенитетининг ана шу ҳуқуқий жараёнини ифодалайди. Шунинг учун, Давлат байроғи тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи Олий Мажлис палаталари сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда – бутун сессия давомида ўрнатилиши алоҳида мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.¹⁶⁵

Суверен халқнинг сиёсий иродаси ва давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий иродасини ўзида мужассамлаштирган давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, халқ ва давлат ҳокимиятининг бирлиги рамзи давлат бошлиғи ўз ваколатларини парламентдан фарқли ўлароқ, коллегиялик асосида эмас, балки яккабошчилик асосида амалга оширади. Шунинг учун давлат бошлиғи ваколатлари амалга ошириладиган жой ва вақт расмий белгиланган бинолар билангина чегараланмайди, давлат бошлиғи ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган қисмида ёки чет элга ташрифи давомида амалга ошириши мумкин. Шундан келиб чиқиб, давлат бошлиғи фаолиятининг доимий ҳамроҳи бўла оладиган, давлат бошлиғи ваколатлари амалга ошириладиган хоналарда, куруклик ва сув транспортида ўрнатиладиган ва ўзида Давлат байроғи ва Давлат герби тасвирини мужассамлаштирган, халқ ва давлат ҳокимияти иродаси бирлигини ифодаладиган, давлат рамзий белгиларининг алоҳида шакли давлат бошлиғининг рамзий байроғи (штандарти)нинг расман таъсис этилиши ва ундан фойдаланиш муносабатлари тартибини белгиладиган ҳуқуқий меъёр яратилиши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикасида бундай давлат рамзи Ўзбекистон Республикаси Президентининг рамзий байроғи номи

¹⁶⁴ Ўша жойда.

¹⁶⁵ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

билан юритилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида таъсис этилиши мумкин.

Давлат бошлиғи лавозими олий сиёсий иродага эга халқ ва олий ҳуқуқий иродага эга давлат ҳокимиятининг бирлигини ифодаладиган рамздир. Шунинг учун давлат бошлиғи лавозимига сайланган шахснинг давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахслари хизмат хоналарида ўрнатиладиган фотосурати ҳам рамзий аҳамиятга эга. Лекин давлат бошлиғини ифодаладиган бу белгидан фойдаланиш муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Суверенитет қисман мавжуд бўлолмайди, бу мантиқан бемаъни, суверенитет ёки тўла бўлади ёки у бўлмайди. Суверенитетнинг бўлиниши унинг маъносига зиддир. Икки суверен ҳокимият бир вақтнинг ўзида бир давлатда ишлаб туролмайди. Давлат ҳокимияти бўлинмасдир, у ягона. Давлат ҳокимиятининг бир бутунлиги ва бўлинмаслиги мамлакатдаги олий ирода ва унинг субъекти ягоналиги билан белгиланади. Олий ирода ва унинг субъекти ягонадир, шунинг учун уни амалга оширадиган давлат ҳокимияти ҳам ягона ва бўлинмасдир.

Давлат ҳокимияти ваколатлари давлат ҳокимияти органлари ўртасида тақсимланади, лекин бу органлар ягона давлат ҳокимиятининг таркибий қисмларидир. Давлат рамзлари давлат органларининг давлат ҳокимиятига тааллуқлилигини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг қўлланилиши тартиби Давлат герби тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси¹⁶⁶ билан мустаҳкамланади. Ушбу модданинг биринчи бандида давлат герби ўрнатиладиган бинолар белгиланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;

¹⁶⁶ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1992.9-сон, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999. 5-сон, 124-модда.

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биноларида; в) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати биносида; г) Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биносида; д) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг биноларида; е) судларнинг биноларида; ж) Ўзбекистон Республикаси Прокуратура идораларининг биноларида; з) Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик мусасалари биноларида.

Ҳеч қайси бошқа ташкилотлар Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг рухсатисиз унинг ваколатларини амалга оширолмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси учинчи бандига биноан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.¹⁶⁷ Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қарорининг биринчи бандига мувофиқ¹⁶⁸, ҳеч ким Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан ўрнатилган конституциявий ҳокимият органларининг ваколатларини ўзлаштиришга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси билан кўзда тутилмаган ҳокимият структураларини вужудга келтириш ғайриконституциявий ҳисобланади ва қонун асосида жавобгарликни келтириб чиқаради. Бунга мувофиқ, конституция ва қонунлар билан

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-бет.

¹⁶⁸ «Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993. 1-сон, 9-модда.

мустаҳкамланган давлат ҳокимияти ваколатлари билан таъминланмаган ҳеч бир ташкилот давлатнинг рухсатсиз қонунга хилоф равишда давлат байроғи ёки гербини ўз биносида доимий ўрнатишга ҳақлимас.

Давлат герби олий ҳуқуқий иродани амалга ошириш жараёнларини ифодалаш мақсадида қўлланилади. Шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг Кенгаши мажлислари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларида, шунингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинган хоналарда ўрнатилади.¹⁶⁹

Суверенитет давлатнинг тўла ҳуқуқ ва муомала лаёқатини англатади. Давлатнинг тўла ҳокимияти ва мустақиллиги давлат функцияларини амалга ошириш вақтида намоён бўлади ва шунинг учун шу функцияларни амалга оширишни ҳуқуқий таъминловчи тегишли суверен ҳуқуқларни тақозо этади. Бу ҳуқуқларга ўз ҳокимияти органларини ташкил этиш ҳуқуқи, ташқи муносабатларни олиб бориш ҳуқуқи, қонун чиқариш ҳуқуқи, ўз ҳудудида тартибни таъминлаш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Бу ҳуқуқларнинг мавжудлиги суверенитетнинг зарур шарти бўлса ҳам, хали суверенитет учун етарли ҳисобланмайди. Чунки бу ҳуқуқларга суверен бўлмаган ҳудудий ташкилот ҳам эга бўлиши мумкин. Суверен давлатнинг хусусияти шундаки, унда бу ҳуқуқлар тўлақонли мавжуд бўлади. Суверен бўлмаган ҳудудий тузилма давлатнинг бу ёки у ҳуқуқларидан маҳрум этилган бўлади. Суверен давлатнинг муҳим хусусияти унинг бу

¹⁶⁹ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

хуқуқларни амалга оширишда тўла ҳокимият ва мустақилликка эга бўлишидир.

Давлат ўз функцияларини давлат органлари ва уларнинг ёрдамчи ташкилотлари мажмуидан иборат давлат механизми орқали амалга оширади. Олий ҳуқуқий иродани амалга ошириш учун давлат органлари моддий воситалар: бинолар, транспорт, моддий қимматликлардан ташқари кўп сонли давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалардан фойдаланади. Давлат органлари ва давлат ташкилотлари биргаликда давлат механизмини ташкил қилади. Давлат герби олий ҳуқуқий иродани амалга оширувчи давлат механизмини ва давлат органлари ҳамда давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарининг давлат ҳокимиятига тааллуқлилигини белгилайди. Шу мақсадларда Давлат гербининг қўлланилиши тартиби Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги Қонуни билан белгиланади.¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида туширилади.

Суверенитет давлат ҳокимияти ваколатларини айрим нодавлат ташкилотлар фақат давлат ҳокимияти рухсати билан қонун асосида амалга ошира олишини англатади. Шу асосда, давлат гербидан ўз муҳр ва бланкаларида давлат ваколатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга нодавлат ташкилотлар фойдаланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисидаги» Қонунида¹⁷¹ давлат

¹⁷⁰ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

¹⁷¹ «Нотариат тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 42-модда.

нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар билан бирга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи юридик шахс мақомига эга нотариуслар нодавлат ташкилоти бўлса-да, Адлия вазирлиги томонидан рухсат олгандан сўнг, нотариал ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ва давлат герби акс эттирилган шахсий муҳрдан фойдалана олиши белгиланган.

Шунингдек, давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан юридик шахслар ва яқка тартибда фаолият олиб боровчи тадбиркорлар тижорат мақсадларида фойдалана олишининг ҳуқуқий асоси ва тартиби белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига биноан¹⁷², давлатларнинг байроқлари, герблари ва давлат мукофотлари тасвирлари, давлатларнинг расмий номлари, Ўзбекистон Республикасида идора ва ташкилотларнинг ажратиб турувчи белгилари маҳсулот белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди, лекин ваколатли давлат органининг рухсати билан давлат рамзий белгиларининг тасвирлари маҳсулот белгисининг қўшимча муҳофаза қилинмайдиган элементлари сифатида киритилиши мумкин, - деб белгилаб қўйилади. Бизнинг фикримизча, давлат рамзий белгилари тасвирларидан тижорат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳсулот ва хизматларни реклама қилишда, тижорат корхонаси бинолари, транспорти ва хизмат хоналарида, тамға, нишонлари ва номларини ишлаб чиқишда фойдаланиш муносабатлари ҳам ҳуқуқий тартибга солиниши муҳим. Бунда давлат рамзий белгилари давлат ҳокимияти белгилари функцияларини эмас, балки фойда олишга хизмат қиладиган тижорат воситаси функцияларини бажариши эътиборга олинмоғи лозим.

¹⁷² «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й.

Фақат давлат мажбурлаш кучига эга бўлган меъёрлар чиқара олади. Давлат жамиятдаги олий ирода асосида ўрнатилган конституциявий меъёр ва тартибларга зид бўлмаган исталган қарор қабул қила олади. Давлат қарор қабул қилишда бошқа давлат иродаси ёки у томонидан белгиланган тартибга бўйсунмайди.

Қонунлар кучга киришининг шарти уларнинг расмий эълон қилинишидир. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Ҳамманинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.¹⁷³ Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси расмий нашрлари олий ҳуқуқий иродани амалга ошириш механизмининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Расмий нашрларнинг бундай мақомини Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида давлат герби тасвири туширилади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари ҳисобланади.¹⁷⁴ Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларида эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча риквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санаси кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.¹⁷⁵

¹⁷³ «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун // Халқ сўзи. 2001. 4-январ.

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

¹⁷⁵ «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

Суверенитет жамиятдаги олий ҳуқуқий ироданинг давлатни бутун ҳудудида устуворлигини англатади. Бинобарин, ҳудудсиз суверенитет ҳам бўлмайди. Ҳар қандай халқ ва давлат ҳокимияти маълум бир ҳудудга эгалик қилиб, шу ҳудудда олий иродага эга бўлиши мумкин. Ўз ҳудудидан маҳрум бўлган ҳокимият ўзининг шу ҳудуддаги олий иродани амалга ошириш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади. Давлат ҳудудини давлат чегаралари билан чегараланган ер усти ва ер ости, ички ва ташқи сувлар, ва давлат чегараларига вертикал ҳолатда ҳаво атмосфераси, хорижий давлатлардаги элчихона ҳудуди, қуруқлик, сув ва ҳаво транспорти воситалари ташкил қилади. Давлат герби тасвири давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад столбаларида ўрнатиб қўйилади.¹⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси бешинчи бандига мувофиқ¹⁷⁷, Давлат байроғи Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон элчилиги тўғрисидаги низомга биноан¹⁷⁸, элчихона биноти ёки унинг ҳудудида Давлат байроғи кўтарилади, Давлат герби тасвири тушурилган ҳамда ўзбек тилида ва элчилик амалга ошириладиган давлат тилида «Ўзбекистон Республикасининг (хорижий давлат номи) элчихонаси» ёзуви ёзилган консуллик қалқони ўрнатилади.

Суверен Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлигини фақат Ўзбекистон халқи ва давлат ҳокимиятининг иродаси асосида тасарруф этиш мумкин. Давлат герби Ўзбекистон Республикасининг пул бирликларида, қимматли қоғозларида, облигацияларда, почта

¹⁷⁶ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

¹⁷⁷ «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

¹⁷⁸ Положение о Посольстве Республики Узбекистан // Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 24.03.2000 г. N 102

маркаларида, пул-буюм латорея билетларида¹⁷⁹, яъни Ўзбекистон Республикаси миллий бойликларини тасарруф этилишининг давлат ҳокимияти томонидан тартибга солиниши мақсадида қўлланиладиган воситалар мақомини ифодалаш мақсадида фойдаланилади.

Суверенитет давлатнинг ўз фуқаролари билан доимий ва барқарор сиёсий-ҳуқуқий муносабатларда бўлишини тақозо этади. Давлатнинг ўз ҳудудида тўла ҳокимиятга эга бўлиши унга мансуб бўлган ва унинг ҳимояси остида бўлган аҳоли билан ўзаро алоқадорлигини ифодалайди. Фуқаролик суверен давлатнинг муҳим ва ажралмас белгисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатади. Бу давлатимизнинг ягоналиги, мустақамлиги ва яхлитлигини ифодалайди. Давлат герби Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлатимизга белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида туширилади.¹⁸⁰

Суверен иродани амалга ошириш жараёнларини ифодалашда давлат байроғи ва давлат герби билан бирга уларнинг мусиқавий эквиваленти – давлат мадҳияси қўлланилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, давлат мадҳиясининг куйланиши давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган олий иродага ҳурмат ифодаси билан боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисидаги Қонунга¹⁸¹ биноан, Давлат мадҳияси оммавий ижро этилиши вақтида иштирок этаётганлар мадҳияни тик турган ҳолатда, эркаклар бош кийимларини ечиб ёки унга қўлларини қўйиб кузатадилар.

¹⁷⁹ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

¹⁸⁰ Ўша жойда.

¹⁸¹ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 1-сон, 52-модда.

Давлат ҳокимияти жамиятнинг (халқнинг) халқаро муносабатларда расмий вакилидир. Давлат ҳокимияти ўз халқи иродасини амалга оширишда бошқа давлатлар ва халқлар иродасини ҳам ҳисобга олишга мажбур бўлади. Ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқлари бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқлари бошланган жойда тугайди. Давлат ўз суверенитети чегарасидан четга чиқса, бошқа давлатларнинг суверенитетини бузади, ички ишларига аралашади. Давлатнинг суверен ҳуқуқлари масштаби барча давлатларнинг суверен тенглиги тамойилига асосланган халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланади. Давлат суверенитети давлатнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган мустақиллигидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 2-моддаси билан халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари суверен тенглиги тамойили ўрнатилган.¹⁸² Шунга мувофиқ, Давлат байроғи билан бир вақт ва жойда халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари бўлган хорижий давлатлар байроқларининг ўрнатилиши тартиби қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги Қонунда¹⁸³ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи ўрнатилса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонидан қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан ўрнатилади; Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганда у алоҳида, қолганлари эса ўзбек алфавити бўйича кўтарилади; Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилади,- деб белгиланган.

¹⁸² Устав Организации Объединённых Наций и Статут Международного суда. - New York, 1947. -С. 6.

¹⁸³ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг кузатувчига нисбатан олинганда ўнг томонда ва хорижий давлат байроқлари билан бир хил баландликда ўрнатилиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан тенг мақомга эга бўлиб, муносабатларга ўзининг ҳудудида кираётганлигини ифодалайди. Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг мусиқавий эквиваленти бўлган Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф билан келган хорижий давлатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида ўша давлат мадҳияси ижро этилганидан кейин ижро этилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси вакилликларининг расмий шахслар сифатида амалга оширадиган чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида ўрнатилади. Бундай вазиятда, давлат байроғининг ҳудудида расмий вакиллик амалга оширилаётган давлат байроғи билан бир вақтда ва бир жойда ўрнатилиши тартиби халқаро амалиёт ва ушбу давлат қонунлари асосида белгиланиши лозим.¹⁸⁴

Суверен давлатлардан ташқари халқаро давлатлараро ташкилотлар ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга. Халқаро давлатлараро ташкилотлар уларнинг аъзолари бўлган давлатлар иродасидан мустақил иродага эга бўлади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи билан халқаро давлатлараро

¹⁸⁴ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Кўрсатилган модда.

ташкiлотларнинг байроғининг бир жойда ва вақтда ўрнатилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи билан хорижий давлатлар байроқларини ўрнатиш тартибига мос бўлиши мақсадга мувофиқ ва Давлат байроғи тўғрисидаги Қонунга тегишли қўшимчалар киритилиши муҳим.

Давлат ҳокимияти жамиятнинг расмий вакилидир. Суверен давлат фуқаролари ўз ирода ва манфаатларини фақат давлат ҳокимияти орқали эмас, балки турли мақомдаги ҳудудий характерда бўлган ва бўлмаган ташкiлотлар орқали ҳам амалга оширади. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти фуқаролар иродасини амалга оширадиган бошқа ташкiлотлар билан қонунда белгиланган тартибда тенг муносабатларга киришади. Бу ижтимоий тизимнинг фуқаро – жамият - давлат формуласи асосида ташкiл этилганидан далолат беради.

Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳалла ва нодавлат нотижорат ташкiлотга бирлашган фуқароларнинг ирода ва манфаатларини амалга оширади, ушбу ташкiлотларга бирлашган фуқароларнинг маданий, тарихий, географик, иқтисодий ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширади. Бу хусусиятларни ифодалаш мақсадида маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллалар ва нодавлат нотижорат ташкiлотларнинг рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатларини вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ва нодавлат нотижорат ташкiлотлар билан муносабатларга киришганида, расмий тадбирларда уларнинг рамзий белгиларини бир вақт ва жойда ўрнатиш муносабатлари меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиниши талаб қилинади. Расмий жараёнларда давлат байроғи ва герби билан унинг суверенитети остидаги ташкiлотни ифодаладиган рамзий

белгиларнинг бир жойда ва вақтда ўрнатилиши белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

Биринчидан, гералдика қоидалари бўйича устун мақомга эга ташкилотни ифодалайдиган рамзий белгилар ундан қуйи мақомдаги ташкилотни ифодалайдиган рамзий белгилардан ўрнатилган жойга нисбатан ўнг томонда (кузатувчига нисбатан чап томонда) жойлаштирилиши керак. Рамзий белгилар улар ифодалаётган ташкилот мақомига мувофиқ кетма-кетликда жойлаштирилади, масалан, Ўзбекистон Республикаси учун:

1. Давлат байроғи ва герби;
2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри рамзий белгилари;
3. Туман ва шаҳарларнинг рамзий белгилари;
4. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг рамзий белгилари;
5. Маҳаллалар ва нодавлат ноижорат ташкилотларнинг рамзий белгилари.

Иккинчидан, давлат суверенитети остидаги ташкилотни ифодалайдиган рамзий белгининг ўлчамлари давлат байроғи ва герби ўлчамларидан катта бўлмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг расмий ўлчамлари Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддаси иккинчи бандида белгиланади: Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг.¹⁸⁵

Учинчидан, давлат суверенитети остидаги ташкилотларнинг рамзий белгилари давлат байроғи ва гербига нисбатан баланд ўрнатилмаслиги шарт. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг биноларда ўрнатилишининг расмий қабул қилинган баландлиги Давлат байроғи тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддаси билан белгиланган¹⁸⁶. Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул

¹⁸⁵ «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун // Кўрсат. модда.

¹⁸⁶ Ўша жойда.

бўлган бошқа жойда ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади. Кўтариб кўйилган Давлат байроғининг матоси ердан камида 2,4 метр баландликда бўлиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарларда маҳаллий аҳолининг иродавий хусусиятларини ифодалаш мақсадида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари жойлашган биноларда расмий тантаналар вақтида ва бошқа жойларда Давлат байроғи билан бир жойда ва вақтда тегишли маъмурий-худудий бирликлар байроғини ўрнатиш муносабатларини шакллантириш муҳим.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси биринчи бандига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи доимий суратда: а) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биносида; б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши биносида; в) Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари биносида; г) Қорақалпоғистон Республикасининг доимий вакиллиги биноларида ўрнатилади.¹⁸⁷

Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби биринчидан: а) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биносида; б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши биносида; в) Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биносида; г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қаршли вазирликлар, давлат кўмиталари, бошқа идоралар биносида; д) Қорақалпоғистон Республикаси судлари ва Хужалик судлари биносида; е) Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратура органлари биносида ўрнатилади. Иккинчидан: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси, Жўқорғи Кенгес Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

¹⁸⁷ Закон «О Государственном флаге Республики Каракалпакстан»// Кўрсатилган асар.96 б.

мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари, судлар ва Хўжалик суди мажлислари ўтказиладиган залларда, шунингдек, туғилиш ва никоҳ тантанали рўйхатга олинадиган хоналарда ўрнатилади. Учинчидан: Қорақалпоғистон Республикаси давлат органлари ва унга қарашли ташкилот, муассаса ва корхона муҳрлари ва бланкаларида ўрнатилади.¹⁸⁸

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳамда идора ва ташкилотлар рамзий белгиларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш соҳасида қонунчиликни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш талаб қилинади: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси идора ва ташкилот рамзий белгилари тизимига тааллуқли умумий қоидалар, тамойиллар, тушунчаларни ҳуқуқий тасдиқлаш; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси идора ва ташкилотларининг рамзий белгиларини яратиш ҳамда амалдаги рамзий белгиларга ўзгартириш киритиш муносабатларини уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш; учинчидан, Ўзбекистон Республикасида рамзий белгилар бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган махсус органни шакллантириш ва унинг ваколатлари доирасини белгиладиган ҳуқуқий меъёрларни яратиш; тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш, турли мақомдаги идора ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда уларнинг рамзий белгиларидан фойдаланишнинг меъерий-ҳуқуқий тартибини белгилаш муҳим.

¹⁸⁸ Закон «О Государственном гербе Республики Каракалпакстан» // Кўрсатилган асар.-С.94-95.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг таъсис этилиши ва ривожланиши, ижтимоий вазифаси ва белгилари, моҳияти ва шакли, тузилиши ва функциялари, уларни ишлаб чиқиш улардан фойдаланиш муносабатларининг хусусиятлари тўғрисидаги назарий билимларни умумлаштириб, давлат рамзлари тўғрисида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Давлат рамзлари тушунчаси таҳлил қилиниб, давлат рамзлари воқелигини тушунишга икки хил ёндашиш мумкинлиги аниқланди: а) кенг- маънода тушунишда давлат рамзларининг ижтимоий вазифаси – мустақил давлат мазмунини кузатувчи онги ва тафаккури учун маъновий-кўринишли ифодалаш, яъни мустақил давлатнинг ички дунёсини ташқарида кўрсата олиш қобилияти асос қилиб олинди. Бундай ёндашиш давлат рамзлари тушунчасини мустақил давлат белгилари тушунчасига яқин қилиб қўяди; б) расмий-ҳуқуқий тушунишда шартли белгиларнинг расмий-ҳуқуқий вазифаси - давлат мазмунини ҳуқуқий тасдиқланган расмий шакллар воситасида меъёрий-ҳуқуқий белгиланган тартибда ифодалаш қобилияти асос қилиб олинди. Бундай ёндашиш давлат рамзлари тушунчасини давлатнинг рамзий белгилари (давлат эмблемалари) тушунчасига яқин қилиб қўяди. Давлат рамзларининг шакллари ўрганиб чиқилиб, кенг маънода ёндашилганда давлат суверенитети мазмунини ифодалай оладиган институтлар, давлат суверенитетининг атрибутлари, расмий-ҳуқуқий ёндашилганда давлат суверенитети мазмунини қонун билан белгиланган тартибда ва махсус тасвирий усулда ифодалай оладиган шартли белгилардан иборат деб олинди.

2. Давлат рамзларининг мустақил давлат мазмунини ифода этиши ҳамда бу мазмун таркибий қисмлари учун умумийликни ифодалаш ва ажратиб туриш хоссалари ўрганилиб, давлат рамзлари воқелигининг мазмуни мустақил давлат мазмуни билан боғлиқлиги аниқланади.

Давлат мазмуни жамиятдаги ҳукмрон умумий устувор (олий) иродани амалга оширишдан иборатлигини таҳлил қилиш асосида давлат рамзлари давлат мазмунини, демак, жамиятдаги ҳукмрон устувор ирода субъектини ифода этади деган хулосага келинди. Халқ суверенитети тамойили асосида мустақил давлатнинг мазмуни, унинг фақат ўз халқи иродасини амалга ошира олиш қобилияти билан боғлиқлиги таҳлил қилиниб, давлат рамзлари ифода этадиган олий ирода субъекти бутун жамият (халқ) эканлиги белгиланди. Шу нуқтаи назардан мустақил давлат мазмуни давлат суверенитети мазмунидан иборат эканлиги таҳлил қилиниб, давлат рамзларининг давлат суверенитетини ифодалаш билан боғлиқ белгилари ўрганилди: а) давлат рамзлари ҳуқуқий моҳияти жиҳатидан давлат суверенитети мазмуни каби абадий; в) жамиятда олий ирода субъектининг ягоналиги ва бир жамият ичида икки давлат ҳокимияти бўлмаганидек, уни ифодаладиган давлат рамзлари ҳам ягонадир ; с) жамиятнинг умумий иродаси субъектини ифодаладиган давлат рамзлари жамиятнинг маълум бир қисми иродасини субъектини ифодаладиган фуқароларнинг турли ташкилотлари рамзларидан мақоми жиҳатидан устун туради; д) мустақил давлат томонидан таъсис этилган ва ўрнатилган рамзларгина давлат рамзлари бўла олади.

3. Фуқаролик жамияти мазмунини таҳлил қилиш асосида фуқаролар иродасини амалга оширадиган турли ташкилотларнинг рамзлари, уларнинг оммавий сиёсий ҳокимият ташкилоти рамзлари билан бирга ягона тизимда ишлаб туриши аниқланиб, давлат рамзларининг ижтимоий рамзлар тизими таркибий қисми эканлиги исботланди. Ижтимоий рамзлар тизими ва ижтимоий рамзлар ифодаладиган ташкилотнинг ирода ҳажми тушунчалари шакллантирилди. Ирода ҳажми деганда ташкилот рамзининг жамиятни шу ташкилотга тааллуқли қисми иродасига тенг ҳажмда ифодалаш қобилияти тушунилади. Бунда ҳажм тушунчаси фаразийҳуқуқий маънода

қўлланилди. Ижтимоий рамзлар тизими ирода ҳажмига қараб турли мақомдаги таркибий қисмларга: давлат рамзлари, маъмурий-худудий бирликлар рамзи, маҳалла рамзи ва нодавлат нотижорат ташкилотлар рамзига ажратилди. Ижтимоий рамзлар тизими олдига қўйиладиган талаблар: уларнинг бири иккинчисини мазмунан такрорламаслиги, бир жойда ва вақтда ўрнатилганда устун мақомдаги рамзларнинг устунлик белгилари билан таъминланиши ҳамда фуқаролар иродасини амалга ошириш усулидан келиб чиқиб, ижтимоий рамзларнинг мазмунига кўра ҳокимият рамзлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари рамзларига ажралиши ўрганилди. Бу талабларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширувчи ва ижтимоий рамзлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширувчи махсус давлат органининг таъсис этилиши масаласи ўртага ташланди.

4. Давлат рамзлари пайдо бўлишининг тарихий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, давлат рамзлари ҳуқуқ сингари давлат билан бир вақтда пайдо бўлган деган тўхтамга келинди. Марказий Осиёда юз берган қадимги давлатлар пайдо бўлиши жараёни ҳам давлат рамзларининг жамиятдаги олий ирода субъектини ифодалаш воситаси эканлигини исботлайди. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари тарихи Ўзбекистон Республикасининг уч минг йиллик давлатчилик тажрибалари вориси эканлигини исботлайди. Ўзбекистон Республикаси амалдаги рамзларининг яратилиши жараёни таҳлил қилиниб, унинг хусусиятлари ўрганилди.

5. Давлат рамзлари ҳуқуқий воқелик сифатида ўрганилиб, унинг моҳияти жамиятдаги объектив-ижтимоий ва субъектив-индивидуал ирода диалектикаси асосида тушунтирилди. Индивидларнинг ирода эркинлиги ўлчами объектив-ижтимоий ирода масштаби билан белгиланади. Давлатнинг мазмуни объектив-ижтимоий иродани юридик қонун шаклидаги умуммажбурий иродага айлантиришдан иборат. Либертар концепцияда бу позитивлашиш жараёни ҳуқуқ ва

конун муносабати сифатида тушунтирилади. Давлат рамзлари юридик конунлар мазмунида ифодаланган жамиятнинг давлат иродаси, яъни позитивлашган объектив-ижтимоий ирода субъектини белгилаш ва олий иродани рамзий белгилар мазмуни орқали халқ ва давлат ҳокимиятининг ягона иродаси ва мақсади шаклида махсус тасвирий ифодалаш вазифасини бажаради. Бутун жамиятнинг эмас, балки унинг маълум бир қисмини ташкил қилувчи индивидларнинг умумий иродаси субъектив-ижтимоий ирода сифатида таҳлил этилиб, уларнинг субъектларини ифодалайдиган ташкилот рамзларининг моҳияти аниқланди.

6. Халқаро амалиётга айланган гералдика ва блазон қоидалари таҳлил этилиб, улар давлат рамзий белгилари мазмунида халқ ва давлат ҳокимияти ягона ирода ва мақсадини ифодалаш усулига хизмат қилувчи махсус амалиёт деб талқин қилинди. Бу усулнинг хусусиятлари, конструкция ва терминологияси ўрганилиб, давлат рамзий белгилари, уларни қонундаги тавсифининг тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқишда бу усулни қўллаш шартлари аниқланди. Унинг мақсади халқ ва давлат ҳокимияти иродасини талқин қилувчига тасвирий усулда етказиш ва унинг онгига мафкуравий таъсир ўтказиш деб белгиланди.

7. Фуқароларнинг давлат рамзларига муносабатларини социологик илмий рисолалар йўли билан ўрганиш орқали амалдаги давлат тузуми легитимлигини, унинг обрўсини ва давлат ҳокимияти сиёсатининг қўллаб-қувватланиш даражасини аниқлаш мумкин.

8. Давлат рамзларини яратиш жараёнининг юридик мазмуни аниқланиб, унинг қонунчилик жараёни таркибий қисми эканлиги билан бирга алоҳида хусусиятларга эгаллиги аниқланди. Давлат рамзларидан фойдаланиш муносабатларининг юридик мазмунини таҳлил қилиш асосида, унинг жамиятдаги олий иродани амалга оширилиши жараёнини расмий ифода этиши вазифалари ёритилди.

9. Рисолада Ўзбекистон Республикасида Давлат суверинитетини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни билан боғлиқ равишда давлат рамзлари ҳамда идора ва ташкилот рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди.

10. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳияси мазмунида Ўзбекистон халқи ва давлат ҳокимиятининг ягона иродаси ва мақсадалари ўз ифодасини топган. Бу ирода ва мақсад рамзни талқин қилувчи субъектга тушунарли бўлиши учун давлат рамзий белгилари мазмунининг қонунда тасдиқланган тавсифи тузилишини рамзий белгилар мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқишнинг махсус блазон усули қоидалари асосида такомиллаштиришни талаб қилинади. Бу усулнинг қўлланилиши байроқ, герб ва мадҳиямизнинг жамиятимиздаги ягона мақсадни тарғиб қилиш йўлида фуқаролар онгига мафкуравий таъсир қилиш самарасини оширишга ҳам боғлиқ.

11. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳияси мазмунида ифодаланган ирода ва мақсад Республикадаги конституциявий тузум хусусиятларини белгилайди. Янги давлат рамзлари мазмунини яратиш ёки амалдагиларига ўзгартириш киритиш, бутун жамият иродасини аниқлашни ва бу мазмуннинг барқарор бўлишини талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикаси давлат байроғи, герби ва мадҳияси мазмунини тасдиқлайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар конституциявий қонун мақомига эга бўлиши ва давлат байроғи ҳамда герби тавсифи конституция матни билан тасдиқланиши муҳимлиги назарий асосланган.

12. Ўзбекистон Республикасида кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёни фуқаролар иродасини фақат давлат ҳокимияти орқали эмас, балки фуқароларнинг ҳудудий характерда бўлган ва бўлмаган ташкилотлари орқали ҳам амалга оширилишини аниқлатади.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши, давлат хоқимияти марказий идораларининг айрим ваколатларини маҳаллий идораларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши бунинг яққол далили бўла олади. Шу асосда давлат рамзлари билан бирга фуқаролар иродасини ифода этадиган маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳалла рамзларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш муносабатларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш назарий амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2013
2. Ў. Очилов. Ўзбекистон республикасининг давлат рамзлари. Тошкент, 2007 Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1993.
3. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1991. №11.
4. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. –Т., 1994.
5. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари эксперт гуруҳининг таркиби // Совет Ўзбекистони. – Т. 1991.14-май.
6. Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига оид қонун лойиҳаси ҳақида маъруза // Халқ сўзи. 1991. -19 ноябр

7. Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тарихий аҳамияти // Миллатлараро ҳамжиҳатлик барқарорлик омили. - Т., 1999. -49-б.
8. Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари хақида // Халқ сўзи. 1991. 2-ноябр.
9. Қодиров П. Ўзбекистон Республикасининг янги давлат герби хақида // Халқ сўзи. 1992. -2-май
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992. 1-сон.
11. Груздов Е.В. Геральдика за семиотикой и символогией // Культурологические исследования в Сибири. – Омск, 2000. №1.
12. Лакиер А.Б. Русская геральдика. – М., 1990.
13. Соболева Н.А. Российская городская и областная геральдика XVIII-XIX вв. – М., 1981.
14. Винклер П.П. Гербы городов, губерний, областей и посадов Российской империи, внесенные в полное собрание законов с 1649 по 1900 г. – М., 1990. -С.
15. Арсеньев Ю.В. Геральдика. – М., Спб., 1908.
16. Иванов К.А. Флаги государств мира. – М., 1971.
17. Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар.
18. Шпагин М. Награды и символы // Человек и закон. 1999. №12.
19. Задорнова Н. Потомки древней фалеры // Эхо планеты. 1993. № 1.
20. Черных А.П. Геральдика // Введение в специальные исторические дисциплины: Учеб. Пособие. –М., 1990.
21. Бартоло Ди С. Трактат “О знаках и гербах”. // Средние века. – М., 1989. Вып. №52.
22. Черных А.П. Трактат Бартоло Ди Сассоферато "О знаках и гербах". // Средние века. -М., 1989.
23. Герб // Энциклопедия государства и права / под. ред. П.Стучка. Том-1. –М., 1922.
24. Кассирер Э. Техника современных политических мифов / пер. А.В.Иванова // Вестник Московского университета. Сер.7. Философия. 1990. №2.
25. Похлебкин В.В. Блазонирование // Словарь международной символики и эмблематики. – М., 1995.
26. Конституции мира. Т.1–Т.,1998.

27. Саидов А. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. 2001. 1-сон.
28. Таджиханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан. Лекция. - Т.,1995.
29. Символы государственные // Большой юридический словарь / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д.Зорькина, В.Е.Крутских. - Москва, 1999.
30. Азимов Э., Ашрафхужаев Ф. Амир Темур давлатининг рамзлари// Тафаккур. Т., 1996. 3-сон.
31. Алимов У. Амир Темур давлати рамзлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 й., Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. - Т.,1994.
32. Керимов Д.А. Философские проблемы права. – М., 1972.
33. Тернер В. Символ и ритуал. - Москва, 1983.
34. Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной узбекской национальной правовой государственности. - Т., 1994.
35. Каюмов Р.К. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи : Дарслик. – Т., 1997.
36. Лосев А.Ф. Проблемы становления символа и реалистическое искусство. -М., 1976
37. Похлебкин В.В. Словарь международной символики и эмблематики. – М., 1995.
38. Иванов А.В. Символ // Современная западная философия.– М.,1991.
39. Юнг К.Г. Подход к бессознательному // Человек и его символы / Под ред. К.Г.Юнга. Спб., 1993.
40. Брокгауз Ф.А., Ефронъ И.А. Символ // Энциклопедический словарь. Т. 58. Спб., 1900.
41. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. -М.: Искусство, 1991.
42. Воронина Л. Вступление // Мамардашвили М.К., Пятигорский А.М. Символ и сознание. Метафизические рассуждения о сознании, символике и языке. –М.,1997.
43. Гумплович Л. Общее учение о государстве. Спб., 1910.
44. Платон. Государство. Законы. Политик. – М., 1998.
45. Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т., 1994.
46. Темур тузуклари. – Т., 1991.

47. Локк Дж. Два трактата о правлении // Сочинения. Том-3. – М.,1988.
48. Руссо Жан Жак. Об общественном договоре // Трактаты. – М.,1969.
49. Байтин М.И. Государство и политическая власть. - Саратов, 1972.
50. Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М., 1990.
51. Kant I. Metaphysik der Sitten Einleitung in die Rechtslehre. - Leipzig, 1945.
52. Монтескье Ш.Л. О духе законов // Избранные произведения. –М., 1955.
53. Нерсесянц В.С. Философия права. – М., 1998. –С.23.